ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“ХАЛҚ ТАЪЛИМИ” ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛИ

С.Ю.Махмудов

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАШРЛАРГА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ЁЗИШ ҲАМДА НАШР ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2020

Мазкур ўқув-услубий қўлланма маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолаларни ёзиш, нашр этиш масалаларига бағишланган бўлиб, қўлланмадан узлуксиз таълим тизими муассасалари раҳбарлари, педагоглар ҳамда илмий тадқиқотчилар ўз фаолиятларида фойдаланишлари тавсия этилади.

Ўқув-услубий қўлланмада илмий мақола қандай тайёрланиши, илмий мақоланинг композицияси, илмий мақоланинг услубий жиҳатлари, илмий нашрлар, нашрларни танлаш, тақризлаш таомили, мақолаларни тақдим этиш, илмий нашрлар халқаро тизими, халқаро илмий нашрлар тизимида муаллифлик ҳуқуқи, маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолаларни нашр этиш орқали ижобий имижни шакллантириш йўллари ёритиб берилган. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолаларни ёзиш, нашр этиш бўйича услубий тавсиялар тақдим этилган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмадан олий таълим муассасалари бакалавриат ва магистратура йўналишлари талабалари, докторантлар, мустақил изланувчилар ҳамда узлуксиз таълим тизими муассасалари раҳбарлари, педагоглар фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар ўзларининг мақола ёзишда орттирган тажрибалари узлуксиз таълим тизими ходимлари учун зарур ва муҳим бўлган ушбу ўқув-услубий қўлланмани ёзишга ёрдам берди. Мазкур ўқув-услубий қўлланма сизнинг таълим муассасасини бошқариш, таълим-тарбия жараёнини сифатли олиб бориш, фан ва илмий тадқиқотларнинг мураккаб йўлларидан муваффақиятли илгари боришингизга кўмаклашади деб умид қиламиз.

Тақризчилар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Булатов Саидахбор Собитович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Баратов Миродилжон Хомуджонович, юридик фанлари доктори, профессор.

Садриддин Латипович Суяров, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги, “Дунё” ахборот агентлиги директори.

МУНДАРИЖА

Мундарижа..... 4
Кириш сўзи..... 5
Мутолаа – зарурат, эҳтиёж, тафаккур чархи, камолот мезони, мақола ёзиш эса зиё улашишдир..... 12
Маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолаларни нашр этишнинг аҳамияти..... 16
Илмий мақоланинг тайёрланиши..... 21
Илмий мақоланинг композицияси (тузилиши)га нисбатан қўйиладиган талаблар..... 31
Мақолани иқтибос келтиришлари учун қандай ёзиш керак..... 34
Журнал учун энг мақбул мақола матни тузилмаси..... 37
Илмий мақолалар услубининг жиҳатлари..... 40
Илмий нашрлар..... 42
Журнални танлаш..... 45
Яхши мақола номланишининг асосий хусусиятлари..... 46
Материаллар ва методлар (Materials and Methods)..... 47
Мақоланинг тузилиши..... 49
Тақризлаш таомили (процедураси)нинг пайдо бўлиши..... 59
Тақриздан ўтиш..... 60
Танланган журналга мақолани тақдим этиш..... 66
Муҳокама (Discussion) ва хулосалар..... 66
Илмий нашрлар халқаро тизими..... 68
Халқаро илмий нашрлар тизимида библиометрик (илмометрик) кўрсатикичлар: илмий иқтибослаш индекси ва импакт-омил..... 69
Методлар, шакллар, усуллар ва воситаларни тавсифлаб берадиган бўлимнинг пайдо бўлиши..... 74
Натижалар (Results)..... 75
Натижаларни тақдим қилиш..... 76
Миннатдорчиликлар (Acknowledgements)..... 79
Халқаро илмий нашрлар тизимида муаллифлик ҳуқуқи..... 79
Универсал ўнталик классификацияси – УДК ҳақида нималарни билиш керак..... 85
СКОПУС – асосий мезонлар, афзаллик ва имкониятлар..... 87
ДОИ рақами – журналларда нашр қилинадиган мақолаларга, умуман, илмий нашрларга индентификатор рақами берилиши..... 89
Илмий, илмий-методик мақолаларни маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этиш орқали Ўзбекистон таълим тизимини дунёга танитиш ва ижобий имижни шакллантириш..... 91
Хулоса..... 95
Глоссарий..... 100
Фойдаланилган адабиётлар..... 108
Илова..... 111

КИРИШ СЎЗИ

Ҳар бир янги фикр вужудга келиши учун баҳслашиш, тортишиш зарур. Бунинг натижасида ҳақиқат юзага чиқади. Демак, курашиб, тортишиб яшашни ҳаёт тарзига айлантириш – бугунги кун талаби. Илм-фандаги ушбу ҳақиқатни унутган киши таназзулга учраши турган гап.

Илм излаш, ижод қилиш – инсон кашф этган амаллар, фаолиятлар ичида энг серзаҳмати. Шу боис халқимиз олимни, ижодкорни игна билан қудуқ қазийдиган заҳматкашга қиёслайди. Ўз вақтида улуғ аждодимиз Нажмиддин Кубро: “Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан”, деган.

Халқ оғирини енгил қилиш – шарафли вазифа. Ушбу ҳақиқатни ҳар ким турлича идрок этади.

Биз тасаввур қиладиган комил олим давр синовларида тобланган шахсдир. Тан олиш керак, ҳамкасбларимизда ёзиш ва фикрлаш санъати етишмайди. Бир варақни хатосиз, ўқишли қилиб ёзолмайди, аммо ўзини ўқитувчи, устоз, мураббий деб билади.

Илмий ижод ўзгалар изланишига, тажрибаларига таянади, у – коллектив ижод. Илм-фанни объект бошқаради, йўналишини белгилаб беради, схемага солади, илмий изланиш режани тақозо этади.

Илмий ижодда тайёр категориялар, методлар, синовлар ўтказиш, янги хулосалар чиқариш, гипотезани илгари суриш ва асослаш усуллари мавжуд. Илмий ижод, ўзини ўзи рад этиш, танқид қилиш, мутлақ янги хулоса чиқариш имкониятига эга. Ёш тадқиқотчига нарса-ҳодисаларнинг реал ҳолатини аниқлаш ва уни идеал ҳолатга етказиш технологияси, усуллари, методларини ўргатиш муҳим.

Ижод – фақат инсонга хос фазилат, у нимадир яратиш, барпо этиш, шакллантиришдир. Ким яратса, барпо этса, шакллантирса, у ижодкор. Ижод завқи – яшаш завқи, гоҳо у яшаш завқидан ҳам кучли, акс ҳолда ижодкор яшаш завқини ижод завқига алишмасди.

Бизга бугун янги меъёрлар, ёндашув ва услублар керак. Тўғри, бугун

долзарб бўлган муаммо эртага рад этилиши ёки аксинча, бугун рад этилаётгани эртага улуғланиши мумкин.

Илмий ижоддаги ҳолат бугун қониқарли эмас. Ҳа, бизда цензура бекор қилинган, сўз ва ижод эркинлиги кафолатланган, истаган мавзуда изланиш ўтказишингиз мумкин.

Р. Декарт тўғри айтган: “Аввал сўз моҳиятини аниқланг, ана шунда сиз кишиларни улар содир этадиган хатоларнинг ярмидан халос қиласиз”.

Қалам аҳли орасида одамдан одам пайдо бўлганидек, китобдан китоб пайдо бўлади, деган гап сўз юради. Шу йўсинда фикрдан фикр туғилади, дейиш мумкин. Бироқ бу айтилган фикрларни айнан такрорлаш эмас, уларга ҳар бир авлод дилига, даврига мувофиқ келадиган нималарнидир қўшади, шу тарзда авлодлараро синхрон алоқалар, анъаналар, миллий қадриятлар шаклланади.

Бугун педагогикада илмий жараёнлар мутлақ тўхтамаган, аммо тан олиш керак, бироз сусайган. Интеллектуал баҳс, янгиликка интилиш, фикр излаш, қарашларни ўртоқлашиш, бўлишиш – мақола ёзиш кўламининг кенглиги кузатилмайди. Гўёки, ҳамма ниманидир кутаётгандек, кутиб яшашни ўз қисматига айлантиргандек.

Олимни кўпинча камсуқум, йўқсил, кечаю кундуз фикр излашга банди, зоҳидона яшашга ўрганган образ сифатида тасаввур этишади. Бу сохта, бир ёқлама яратилган образдир. Бугун олим дунё кезади, бир қарасангиз, маъруза қилади, илмий анжуманларда қатнашади, шогирдлар билан бевосита ишлайди, тинимсиз ўқийди, ёзади.

Устозларимиз ҳар куни 20 бетдан кўп китоб ўқинглар, деб ўгит беришарди. Нега энди 10 бет ёки 15 бет эмас, айнан 20 бетдан кўп? Илмий изланишлар исботлаб бердики, узлуксиз 20 бет мутолаадан сўнг китоб билан чинакам руҳий мулоқот бошланиб, инсонда маънавий-ақлий юксалиш рўй бера боради. Минг афсуски, орамизда бир кунда 20 бет тугул 5-10 саҳифа ўқимайдиган зиёлилар йўқми? Айниқса, педагогик фаолият билан шуғулланадиган кишилар ўн чандон кўпроқ, айниқса, соҳасига

тааълуқли китоб, журнал, газета мутолаа қилиб, фикр-мулоҳаза юритишлари зарур эмасми? Шундагина ўқитувчи, мураббий, тарбиячи, умуман, таълим соҳасидаги мутахассисни жамият, ота-оналар, таълим олувчилар, таълимга беъэтибор бўлмаган инсонлар қадрлайди, уларда замонга ҳамнафаслик, ҳозиржавоблик каби хислатлар шаклланади, илмий муаммо ва ечимлар келиб чиқаверади…. Моддий манфаат, пул топиш кетидан чопсак, мутолаага қизиқиш қоладими? Унутмайлик! Ўқимаган одам ижод қила олмайди ёки мақола ёзолмайди.

Жуда кўп анжуманларда, семинарларда, ўқув машғулотларида, учрашувларда илмий мақолалар тили, ёзилиш услуби ҳақида саволлар бўлади. Муштарийларнинг билдиришича, айрим диссертациялар, монографиялар, ўқув-услубий қўлланмалар, тавсияномалар, илмий-методик мақолалар ва бошқа илмий асарларни мутолаа қилганда, уларнинг матн тили ўта мураккаблигига, ҳатто ғализлигига, ўринли бўлса-бўлмаса, турли атама ва терминларнинг ҳаддан зиёд кўп ишлатилишига эътирозлар бўлади. Ҳатто бир жумланинг бошида нима деб ёзилганию охири қандай тугаганини билмай қийналиб қолишаётганларини билдиришади. Илмий ҳамжамиятда “қанча тушунарсиз бўлса, шунча зўр” деган кинояли фикр, қараш айланиб юради.

Аслида илмий ёзиш услуби содда, равон ва тушунарли бўлиши керак. Қолаверса, муаммони аниқ, иложи борича лўнда ифодалаб, унинг ечимларини кўрсатиб бериш олимликнинг бош белгиси.

Тавтология, ғализлик бугун илмий изланишларни қамраб олганини тан олиш керак. Биз Платон ва Аристотель асарларини бемалол ўқишимиз, тушунишимиз мумкин. Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларини тушуниш учун махсус тайёргарлик, маълумот бўлиши шарт эмас. И. Кант, Б. Рассел, А. Шопенгауэр, Э. Фром, Хосе Ортега-и-Гассет, А. Тойнби, Ж.Ж. Руссо, Н. Бердяев, А.Ф. Лосев, К. Поппер асарларини ўқиб нафақат илмий билимингиз ошади, балки тил жозибасини, сеҳрини сезасиз.

Донишмандлардан бири олимнинг адашиши кеманинг тешилишига

ўхшайди. Ўзи чўкса ҳаммани чўктиради, дейди… Ҳақиқатан ҳам “ижод бир фоиз қобилият ва тўқсон тўққиз фоиз меҳнатдир”.

Ҳар соҳанинг классиклари, дарғалари бор. Уларнинг асарларини ўрганинг. Улар билан баҳслашишдан, зарур топсангиз, у ёки бу ғояларини, қарашларини рад этишдан қўрқманг. Лекин сиз буюклар елкасида ўтирганингизни унутманг. Н. Ньютондан, сиз шундай буюк фикрга қандай эришдингиз, деб сўрашганда, у, чунки мен буюклар елкасида ўтиргандим, деб жавоб берган. Буюкларни ўрганиш, – буюклик бўлмаса-да, – буюкликка йўл.

Яна бир фикр, илм-фаннинг, ижоднинг ашаддий душмани – маддоҳлик. Соҳага тааллуқли китоб, журнал, газета мутолаа қилмай, фикр-мулоҳаза юритмай, мавзуни, воқеа-ҳодисани яхши ўрганмай, билмай сўзамоллик қилсангиз, маддаҳона фикрлашга ўтасиз. Чунки мавзунинг, воқеа-ҳодисанинг реал ҳолатини рўй-рост очиб беришдан кўра, даврага ёки таълим олувчиларга тилёғламалик, ёлғончилик қилишга мажбур бўласиз. Унутманг, энг муҳими, нигоҳингиз зоҳирда, диққатингиз, ўйингиз ботинда бўлсин, янгилик излаш истаги қалбингиздан чуқур жой олсин. Сиз Беруний бўлолмаслигингиз мумкин, лекин унингдек илмга, янгиликка интилиб яшашингиз шарт. Эсингизда тутинг!

Ўқиган киши, янги фикр, янги ғоя ва ташаббуслар билан юради.

Нобел мукофоти совриндори Ҳерманн Ҳессе: – Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ тушунмайдилар. Баъзилар буни ўқимишли бўлишнинг қийин, бироқ ягона йўли деб билади. Улар учун ҳар қандай китоб кишини “ўқимишли” қилади. Бошқа бировлар учун эса ўқиш – бу дам олиш, шунчаки вақтни ўтказиш ва уларга нимани (мақола, роман, шеър, хабар ва ҳоказо) ўқиш барибир, зерикарли бўлмаса, бас.

Ҳаётда ҳар бир қадаминг каби ўқишдан ҳам бирон натижа кутилади. Мутолаадан янги куч-ғайрат олмоқ учун аввалига куч сарф этмоқ, ўзингни

янада яхшироқ тушунмоқ учун олдин ўзингни “йўқотмоқ” керак.

Фикр-мулоҳаза қилмасдан ўқиш – хушманзара табиат қўйнида кўзни боғлаб юрмоқ демакдир. Биз ўзимизни ва турмушимизни унутиш учун эмас, балки ҳаёт жиловини янада онглироқ равишда англаш учун ўқишимиз керак. Китобга димоғдор ўқитувчига қараган ўқувчи сингари эмас, балки баланд чўққини забт этмоққа шайланган шиддаткор альпинист каби ёндашмоқ талаб этилади.

Бир пайтлар мактаб дарслигида Абдураҳмон Жомийнинг: *“Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас”*, сатри билан бошланадиган рубоийсини ўқиганмиз, – дейди адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул. – Орадан қанча вақт, қанча замон ўтди, лекин мен юқоридаги мисрада айтилган фикрга бугун энди тўлиқ ишонаман. Ишонаман дейиш камлик қилар – китобдан беғараз, китобдан беминнат мусоҳиб топилмаслигига иқрорим ҳам бор. Шундай бўлса-да, китобни кўкларга кўтариб мақтаб, унга кўр-кўрона топиниш тарафдори эмасман. Одамлар ҳар хил бўлганидек, китоблар ҳам турлича: бири, моҳиятан яроқсиз, иккинчиси, ёлғон ва алдов тарғиботчиси, бошқа бирлари истеъдодсизлик ва ўртамиёналик намунаси… Шунинг учун ҳам ҳамма китоб онг ва идрокка яхши таъсир ўтказиб, фикрни бойитади, деган гапни эсдан чиқариш керак. Негаки, зеҳнни ўтмаслаштириб, дид ва савияни бузадиган китоблар ҳам дунёда кам эмас.

Бизнинг фикримизча, мутолаа – китобхонлик ҳам педагогик-психологик хислат, фазилат, сифат бўлса керак. Эҳтимол, бугунги кунда ушбу йўналишда жиддий илмий тадқиқот олиб бориш фурсати етмадимикин.

Ўзимизни алдаб нима қиламиз, ёшларда борган сари китобнинг қудратига, мутолаага ишонч йўқолиб кетяпти. Сабаби аён: айримлар ҳеч ким китоб ўқиб, “шаҳар олиб” бермаяпти, китобни йиллаб, балки умр бўйи қўлига олмайдиганлар ҳам бинойидай яшаяпти, дейди.

Бундан ташқари, мутолаа ҳам меҳнат. Ундан кўра, яшашнинг осонроқ

йўлларини қидирган маъқул. Кўплаб ёшларда ана шундай кайфият ҳукмронга ўхшайди. Шунданми, улар моддий-маиший орзулар ортидан эргашиб бораётганини англаб-англолмай қолишяпти, шекилли. “Ёшлар китоб ўқимаяпти”, деган таъна-дашномларда кўпроқ бадиий адабиёт назарда тутилаётганга ўхшайди. Ахир, китоб фақат бадиий бўлмайди-ку. Илмий, сиёсий, диний… адабиётлар ҳам мавжуд-ку.

Баркамол авлодни вояга етказишда мутолаанинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Бинобарин, айнан мутолаа инсонга билим ва ахборот беради, унинг маънавий оламини бойитади. Яхши китоб энг мураккаб саволларга жавоб топишда беминнат дастёрдир. Шуни қайд этиш керакки, ўқувчиларни китобга ошно қилиш, уларни ўқишга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсмирлар ва ёшлар онгига китоб мутолааси ўз мақсадига эришиш ҳамда жамиятга ижтимоий мослашишда таъсирчан ва нуфузли восита эканлигини сингдириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан саналади.

Мухтасар айтганда, миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз эришган бетакрор ютуқларнинг сабаби ҳам китоб мутолаасидир. Китоб-руҳиятимиз озуқаси, у билан дўстлашиш нафақат бизни маънан юксалтиради, балки жаҳонни танитади, эзгуликка етаклайди.

Илмий тадқиқотдан мақсад илмий янгилик қилинганлигини тасдиқлаш ва бу тўғрида соҳа бўйича ҳамкасбларни хабардор қилиш учун уни ҳужжат сифатида нашр қилишдир. Илмий тажриба, у қанчалик оламшумул натижалар бермасин, тажрибанинг натижалари нашр қилинмагунича тугалланмаган ҳисобланади.

Замонавий илм-фаннинг асосий вазифаларидан бири илмий тадқиқот натижаларини нашр қилишнинг лозимлигидир, фақат нашр этилган натижаларгина текширилиб кўрилиши мумкин ва фақат шундан кейингина улар, биз “илмий тадқиқот” дея номловчи тушунчанинг бир қисмига айланиши мумкин.

Тадқиқотчи олимлар нима иш қилганликлари, уни нима учун қилганликлари, қандай қилганликлари ва қандай янги билимларга эришганлари тўғрисида ёзма ҳисобот беришлари керак. Шундай қилиб, олим нафақат илмий тадқиқотлар қилиши керак, у яна “илмий ишни жамоатчиликга тақдим қилишни” билиши лозим.

Мақоланинг сифатига, шунингдек, уни қай тарзда тузиш ва жумлаларни тўғри ишлатиш ҳам таъсир қилади.

Афсуски, тақдқиқот натижаларини оғзаки ёки ёзма тарзда оммавий тақдим қилиш малакаси бўйича таълим бериш одатда олий таълим муассасалари ўқув дастурлари доирасидан ташқарида қолиб кетган. Бироқ шундай бўлса ҳам, баъзи илмий изланувчи, тадқиқотчилар, уларга ўз тадқиқот натижалари тўғрисида ёзиш ўргатилмаган бўлса ҳам яхши муаллиф бўлиб етишадилар. Шундай илмий изланувчилар, тадқиқотчилар борки, улар омадлидир, уларга тадқиқот тўғрисида ёзишни ўзлари яхши биладиган илмий раҳбар, маслаҳатчилари ва ҳамкасблари ўргатишади, бошқаларга эса омад камроқ кулиб боққан, уларга ёзишни ўзлари яхши билмайдиган илмий раҳбарлари ва ҳамкасблари ўргатишади. Баъзилар қўлёзмаларни тайёрлашда ўз илмий раҳбарларига ёки бошқа мауллифга тақлид қиладилар ва бу билан уларнинг камчиликларини кўчириб оладилар. Баъзилари мустақил ўрганишади, бу эса кўп вақт олиши мумкин.

Қўлингиздаги ўқув-слубий қўланма маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда илмий мақолаларни ёзиш, нашр этиш тартиб-қоидаларини ўрганишни енгиллаштириб ва вақтни қисқартириб, барчага ёрдам беради деб умид қиламиз.

Ушбу услубий қўлланманинг мақсади – узлуксиз таълим тизими раҳбарлари, педагоглар, илмий тадқиқотчилар ва талабаларга, илмий нашрлар халқаро тизими стандартларига мувофиқ келадиган илмий қўлёзмалар ёзиш ва тайёрлаш тўғрисида ахборот беришдир.

Тажрибамиз шуни кўрсатадики, асосий муаммо нима ҳақида ёзишга тўғри келиши билан эмас, балки илмий мақолаларни, умуман олганда,

қандай қилиб халқаро ҳамжамият меъёрларига мувофиқ қилиб, тўғри ва мантиқий равишда ёзиш билан боғлиқ. Айнан шунинг учун тавсияларнинг асосий қисми мақолалар ёзиш асосларига бағишланган, камроқ қисми эса илмий иш ёзишнинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида.

МУТОЛАА – ЗАРУРАТ, ЭҲТИЁЖ, ТАФАККУР ЧАРХИ, КАМОЛОТ МЕЗОНИ, МАҚОЛА ЁЗИШ ЭСА ЗИЁ УЛАШИШДИР

Мутолаа – бу нутқий фаолиятнинг мураккаб тури бўлиб, соф техник жиҳати – мутолаа қилиш ва тез ўқиш малакаларини орттириш ва ижодий жиҳати – матндан зарур ахборотларни олишдан иборат.

Китоб мутолааси кишини комиллик сари етаклайдиган, унинг тафаккур хазинасини бойитадиган, зеҳнини ўткир, мушоҳадасини теран қиладиган муҳим воситадир. Инсоният томонидан кашф қилинган энг буюк ихтиро, ҳеч шубҳасиз, китобдир. Асрлар оша башарият қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлса, албатта, бунинг замирида китобга меҳр, мутолаага иштиёқ мужассам.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир чиқишларида ёшларимизни китобхонликка ўргатиш, бу ишга ижодкорларни жалб этиш ҳақида таъкидлайди. Зеро, навқирон авлодни бой маънавий меросимиз билан таништириш, улар қалбида тарихимизга муҳаббатни уйғотишда китоб беқиёс аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши юртдошларимизни, хусусан, ёшларни китоб мутолаасига жалб этишда янги даврни бошлаб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

Фармойишга биноан, эндиликда таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувлар тизимли

равишда ташкил этилади ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмалари шакллантирилади.

Фармойишдан кўзланган мақсад халқимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, бадиий дид, таҳлилий-танқидий назарларини ўстириш, этик ва эстетик қарашларини янада такомиллаштириш, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини янги босқичга кўтаришдан иборатдир.

Фармойишдаги нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, матбаа корхоналари ва нашриётларга китоб ишлаб чиқариш учун сифатли қоғоз ва матбаа хом-ашёларини четдан харид қилиш тартибини такомиллаштириш бандлари ўқувчилар ва ота-оналарга китоб харид қилишда енгиллик яратади, албатта.

Китобнинг фойдаси ҳақида сўзлаётиб, кўпинча дунёқарашни ўстиради, тафаккурни кенгайтиради ёки ақлни чархлайди каби умумий хулосалар айтамиз. Бироқ бу қандай рўй беради? Мутолаа қилибоқ тезда билимдон бўлиб қоласан, деган мужмал қараш – нотўғри.

Тан олайлик, кўп такрорланганда таъсирчан гап ёки иборанинг ҳам бора-бора оҳори тўкилади. Худди “китоб ўқи, одам бўласан”, “кўпроқ ўқи, ақлинг чархланади”, “китоб – билим манбаи” каби сўзлар қулоққа чалинавериб қимматини йўқотгандек. Албатта, уларни яхшилик учун ишлатамиз, бироқ тарғиботда сўзнинг қадрини билган афзал эмасми?

Бу борада, аввало, китоб тарғиботини мактабгача таълим муассасаларидан бошлаган маъқул. Негаки, бола онгида боғчадан китоб мутолаасига иштиёқ уйғотилса, у шунга кўникиб, умр бўйи мутолаа қилиб яшайди. Умрининг мазмунини мутолаадан топади.

Фармойишда китоб тарғиботи бўйича ҳам алоҳида тавсиялар берилган. Жумладан, унда жойларда ёзувчи, шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, китобхонлар, босма ва электрон

китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш каби хайрли ишлар кўзда тутилган.

Китоб – хазина. Маънавий оламимизни бу хазина билан безаш ўз қўлимизда. Мутолаага ҳамроҳ инсонни эса, қўлида машъала кўтарган шахсдек тасаввур қилиш мумкин. У нафақат ўзининг, балки яқинларининг ҳам йўлини ёритади.

Ҳақиқатан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, кўз қорачиғидек асраган кишиларни зиёли деб аташган. Зиёли – нур тарқатувчи, у ўзининг хатти-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятни нурлантирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликни таъминловчилар ҳисобланган.

Хўш, китобхонлик маданияти деганда нимани тушунамиз? Ўзининг касбий-мутахассислик ҳамда бадиий-маънавий баркамоллигини ошириш учун китобни танлай олиш ва ўзи учун зарурини ўқиш, китоб устида ишлаш малакасини обдон ўрганиб олиш ва унга чуқур амал қилиб, ўқиган китобнинг асосий мазмунини талқин қила билиш, ўқиганларидан ҳаётий хулосалар чиқаришдир. Шундай экан, бугун ўқувчи-ёшлар қалби ва онгига ушбу кўникмаларни сингдириш, уларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, шунингдек, босма нашрлар намуналари билан доимий таништириб бориш ва бу эзгу йўлда хизмат қилаётган инсонлар саводхонлигини оширишнинг мавруди келди назаримизда. Зеро, китоб мутолааси инсонни инсоф, диёнат, бағрикенглик, саҳоват, меҳр-оқибат каби фазилатлар соҳиби бўлишга ундайди.

Айни пайтда ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш учун фармойишда белгиланган социологик сўровномани ўта масулият билан ташкил этиш лозим. Бундай сўровнома бир томондан, ёшларнинг китобхонлик маданияти даражасини аниқласа, бошқа томондан, жамият

талаб этаётган муаммоларни аниқлаш, мавзулар танлашга имкон беради.

Маънавий хуружлардан, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган турли иллатлар таъсиридан қандай ҳимояланиш мумкин? Бундай балолардан бизни китоблар, яхши асарлар ҳимоя қила олади. Бугун ёшлар юрагига Алишер Навоий асарларидаги олижаноб туйғулар, инсонпарварлик ғоялари кириб бормайдиган бўлса, уларнинг ўрнини хориждан кириб келаётган турли хил ахлоқсиз ғояларни тарғиб қилувчи “асарлар” эгаллаб олиши табиий.

Бугунги кунда китобга меҳр қўйишга нима халақит беради? Яхши асар йўқми? Ундай дейдиган бўлсак, китоб дўконлари пештахталаридан хоҳлаган ёзувчингизнинг асарини топишингиз мумкин. Айниқса, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб нашриётлар баъзи асарларни қайта-қайта чоп этмоқда.

Мутолаа турлари:

Мазмунга кириб бориш даражасига кўра мутолаа қуйидаги турларга бўлинади:

- кўз югуртириб чиқиш – умумий таассурот олиш учун;
- матн билан танишиб чиқиш – умумий мазмунни билиб олиш учун;
- ўрганувчи мутолаа – мавжуд маънонинг энг кўп ҳажмини ўзлаштириш учун.

Матн билан танишиб чиқиш ва ўрганишдан олдин одатда китобга кўз югуртириб чиқилади. Китобнинг мазмуни, боблар ёки параграфлар номлари, асар муаллифи билан танишиб олиш учун шундай қилинади.

Кўз югуртириб чиқишда одатда китобнинг титул варағи, мундарижаси, аннотация, матндаги айрим парчалар ва гаплар билан танишиб олинади. Ана шу ахборотнинг ўзи ушбу манбанинг қанчалик зарур бўлишини белгилашга ёрдам беради.

Матн билан танишиб (танланган жойларни ўқиш) бир неча манбалардан айрим масалаларни ажратиб олиш, шунингдек, мазкур масала

бўйича ўзининг нуқтаи назарини ҳосил қилиш мақсадида олинган ахборотларни қиёслаш ва солиштириш учун қўлланилади.

Ўрганиш учун мутолаа – мутолаанинг фаол тури. Ўқувчи томонидан асарни диққат билан айрим жойлари устида бироз тўхталиб ва ахборотларни мушоҳададан ўтказиб ўқиш ҳолларида бундай тур ишлатилади.

Ўрганиш учун мутолаа матндаги асосий мазмунни, унинг мақсадини ўзлаштириш, далиллар мантиқини англаб олиш, олдингизга қўйган саволларга жавоб топишга қаратилган.

Мутолаанинг бу тури материални ўрганишда уни параграфлар, боблар, қисмлар бўйича изчил ўқиб чиқишни талаб қилади, матн ҳақида ўз фикрингизни ҳосил қилишга ундайди, ахборотларни танқидий нуқтаи назардан идрок этиш малакасини шакллантиради.

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАШРЛАРДА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ НАШР ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз томонидан фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб улғайишида барча зарур шарт-шароит яратилган. Шунга мос равишда мустақиллик фарзандлари ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Ҳар қандай давлатнинг қудратини, унинг эртанги кунини шу юртда камолга етаётган ёш авлод белгилайди. Бугун ўқувчи-ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш, уларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Бунинг натижаси ўлароқ, сўнгги йилларда ёшларимиз, умуман, халқимизнинг маънавияти юксалди. Давлатимиз раҳбари 27-июн – Матбуот

ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига йўллаган байрам табригида: **“Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир”,** дея таъкидлади.

Буюк мақсадлардан кўзланган ана шу эзгу ишларда оммавий ахборот воситалари, айниқса, илмий-методик журналлар саҳифаларида чоп этиб борилаётган таҳлилий мақолаларнинг алоҳида ўрни бор.

Тан олиш керак, юртимизда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Улар амалиётда кенг қўлланиляпти. Илмий нашрнинг асосий мақсади илмий жамоатчиликни муаллифнинг тадқиқотлари натижалари билан таништириш, шунингдек, танланган фан соҳасида унинг устуворлигини кўрсатишдир.

Илмий мақолаларни нашр этишнинг аҳамияти шундан иборатки, дунё олимларининг ўзаро мулоқотда бўлиши ва илмий ишлар натижаларини кенг оммага етказилиши одатда турли нашрлар (журнал, монография, конференция материаллари ва ҳоказо) орқали амалга оширилади. Ривожланган хорижий мамлакатларда ҳам олимларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда илмий мақолалар нашр этиш муҳим ҳисобланади, чунки бундай мақолалар аввало:

– икки ёки уч халқаро экспертга тақризга юборилади ва уларнинг таклифлари инобатга олиниб, ижобий баҳолангандан кейин журналда нашр этишга рухсат берилади;

– энг етук олимлар ҳам илмий ишларининг натижаларини чет элларда нашр этиши орқали дунёга танилган;

– нашр этилган мақола мунозара ва тортишувларга сабаб бўлиб, келажакда бажарилиши лозим бўлган илмий ишларни аниқлашга ёрдам беради;

– ҳар бир илмий ходимнинг фаолиятини баҳолашда чет элларда нашр этилган мақолаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ихтисослаштирилган илмий журналлар ўзига хос ва маълум бир йўналишдаги мавзулар бўйича мақолаларни чоп этсада, ушбу журналларнинг барчасини бирлаштирувчи ягона асоси “оригинал илм” масаласи ҳисобланади. Яъни, тадқиқотчи томонидан тайёрланган илмий мақола бошқа хорижий илмий журналларда нашр этиш учун топширилмаган ёки олдин нашр этилмаган бўлиши лозим. Илмий мақола шундай тарзда ёзилган бўлиши керакки, уни бошқа бир тадқиқотчи ўқиганда тўла-тўкис тушуниб олиши керак.

Инсон ўзи қизиққан касбининг устаси бўлса, ризқ-насиба бутунлиги, дастурхон тўкинлиги каби онгли ҳаёт кечириши учун зарур моддий истаклар, ҳаётдан мазмун ва ҳаловат топишдек маънавий эҳтиёж уйғунлигига эришади. Истиқлол йилларида юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ана шу эзгу мақсадларга, халқимизнинг эзгу интилишлари негизи бўлган баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий қилиниши натижасида мустақил фикрловчи, ўз ақли, тафаккури ва салоҳиятини тўла намоён эта олувчи, масулиятли, кенг дунёқарашга эга, озод ва ҳур фикрли инсон – баркамол шахсни тарбиялаш умуммиллий мақсадга айланди.

Меҳнат бозорида рақобатбардош, пухта билимли, ўз касбининг моҳир эгаси ва фаолиятнинг алоҳида соҳаларига йўналтирилган, доимий касбий ўсишга тайёр, мутахассислиги ва савиясига жавоб берадиган малакали педагогларгина ўқувчиларни турли кўникмаларни эгаллаш, келажакда

ижтимоий, касбий ва шахсий ҳаётларида самарали ҳаракат қилишга йўналтира олади. Шунингдек, ўқувчиларда мустақил, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, умумий ўрта, касб-ҳунар, олий таълим педагог кадрлари иш фаолиятининг изчиллигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таянч ва қўшимча вазифаларни улар ўзида мужассам этиши керак:

- таълим-тарбия соҳаси ўқувчи-ёшларнинг таълими ва маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатувчи информациявий таҳдидларга, ғоявий тарғиботларга ҳамда маданий экспансияларга сезгир бўлиш;
- илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрларда ахборот таҳдидларини олдини олиш принсипларини доимо таҳлилини амалга ошириш;
- хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш;
- ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ, тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;
- дарс жараёнида ўқувчи фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиш ва ишонтириш;
- турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш;
- мавжуд ахборот-коммуникация манбаларидан фойдалана олиш;

- зарур бўлган ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш;
- маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш;
- кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш;
- шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш, жисмоний, маънавий камолотга интилиш;
- ҳаёт давомида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш;
- ўз хатти-ҳаракатини баҳолаш, ўзини назорат қила билиш;
- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш;
- ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш;
- меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;
- касбий мавқеининг ўсишига интилиш билан жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саховатли бўлиш.

Шунингдек, педагог-ўқитувчилар ҳар томонлама юксак касб эгаси бўлиш учун уларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги вазифаларга эътиборли бўлиш лозим:

- ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;
- ораста кийиниш, юриш-туришда маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;
- умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, сахийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;

- халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

Яна шуни қайд этиш жоизки, педагоглар касбий фаолиятининг сифат мезонларидан бири уларнинг малака савиясига қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда педагогнинг ўз касбий фаолияти савиясининг энг юқори даражасига интилиш мажбурияти қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу мақсадга эса педагог-ўқитувчининг бутун фаолияти давомидаги узлуксиз таълими орқали эришиш мумкин.

Айниқса, олимлар, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, тарбиячилар ва умуман мураббийларимиз илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларни олдини олишни таъминлаш моҳиятини аниқлаштириш, яъни деструктив ахборотларга нисбатан таълим олувчиларда танқидий қарашларни ривожлантириш; нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш кўникма ва малакаларни шакллантириш, илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали педагогларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш йўлларини татқиқ этиш, олинган натижаларни педагогик жамоатчиликга маълум қилиш мақсадга мувофиқ.

Педагог-ўқитувчиларнинг пухта билимли, ўз касбининг моҳир эгаси бўлиши таълим сифатини янада оширади. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда жисмонан ва соғлом, баркамол авлод вояга етади.

ИЛМИЙ МАҚОЛАНИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ

Мақола аналитик жанрларнинг асосий тури бўлиб, у ўрганилаётган воқеа-ҳодисани тўлиқ ва чуқур ёритиш, далилларни умумлаштириш, ҳодисалар моҳиятининг қонуниятларини очиш унинг сабабини аниқлаш билан тавсифланади. Мақола халқаро журналистикада беш турга бўлинади – тарғибот элементларини мужассамлашган **бош мақола**, бирор бир муаммони ўрганиб, унинг келиб чиқиши ва ечимини кўрсатувчи, мавжуд

воқеликни танқидий томондан ёритувчи **муаммоли ёки танқидий мақола**, бир-бирига боғлиқ воқеаларни умумлаштириб, уларни бир нуқтаи назардан таҳлил этувчи **умумлаштирувчи мақола** ва воқеликни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиб берувчи **илмий мақоладир**.

Бош мақола - газета сонининг асосий йўналиши ва мавзусини ўзида мужассам этади. Муаммоли ёки танқидий мақола – жамият унинг оғриқли нуқталарини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди ва воқеликни танқид остига олиш орқали унинг салбий оқибатларига тавсиф беришга хизмат қилади. Умумлаштирувчи мақола бир неча воқеликнинг ўхшаш жиҳатларини кўрсатади ва уларга умумий баҳо беришда қўл келади. Илмий мақола асосан журналлар учун мўлжалланган бўлиб, газетада кам учрайди ва воқеликни чуқур илмий равишда таҳлил этиб бериш учун қўлланилади.

Халқаро журналистикада мақоланинг тузилиши ўзбек журналистикасида меъёрга кириб қолган мақолалардан фарқ қилади. Чет эл журналистикасида бир саҳифани эгаллайдиган мақола деярли учрамайди. Шунингдек, уларда “фелъетон” жанри ҳам мавжуд бўлмай, у танқидий мақоланинг ўзидир. Зукко муштарийда бу борада халқаро журналистика меъёрлари асосида хориж маданиятини сингдириш эмасми, деган савол туғилиши табиий. Аммо бугунги кунга келиб, халқаро журналистика меъёрлари аллақачон бир давлат чегарасидан чиққан. Бутун дунёда ахборот оқими ва унинг ҳаддан зиёд кўплиги улар орасидан аҳамиятга молигини танлаб олишга имкон берувчи жанрларнинг ривожини тақозо этмоқда. Янгилик, хабар, корреспонденция, интервью, мақола шулар жумласидандир.

Бугунги тезкор асрда ўқувчида катта ҳажмдаги мақола ёки интервьюни ўқиб чиқиш учун вақт бўлмайди. Улар асосан мақоланинг лиди-кириш қисмигагина кўз югуртиришади ва агар қизиқиб қолсалар, уни охиригача ўқиб чиқишга вақт ажратишлари мумкин. Биз бу ўринда ўзбек журналистикасида қўлланиб келинаётган анъанавий мақола жанри

услубини қораламоқчи эмасмиз, фақатгина халқаро аудитория нимага кўникканлиги хусусида маълумот бераяпмиз, холос.

Ҳозирги кунда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларда ёритилаётган илмий асосланмаган, ўзини оқламаган, салбий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган маълумотларга оғишнинг асосий сабабларини, усул ва воситаларини ўрганиш, мониторинг қилиш, илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларда ёт мафкуралар, психологик манипуляциялар ҳамда уларнинг салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, нашрга тайёрланаётган материалларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиққан ҳолда мазкур йўналишда ижтимоий назорат ишларини амалга ошириш долзарб бўлиб турибди.

Муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида, илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрларда ахборот таҳдидларининг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бир неча йўналишларда олиб борилиши лозимлиги аниқланди.

Булар:

– илмий-педагогик, ўқув-методик нашрлар орқали бериладиган материаллар мазмунини баҳолашнинг ижтимоий назорат механизмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– оммавий нашрларга тақдим этиладиган мақолалар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва тавсияларни таҳлил қилиш ҳамда нашрга тавсия этишнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

– ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий, педагогик ва психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи назари ва эътиқодини мустаҳкамлашда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг ўрнини аниқлаш, ахборот воситаларида учраши мумкин бўлган ахборот таҳдидларидан муҳофаза қилиш жараёнини мунтазам ташкил қилиш, такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш.

Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар мониторинги орқали информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизми функцияларни бажариши лозим:

- *Ижтимоий.* Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрларда информациявий таҳдидларни олдини олишни таъминлаш моҳиятини аниқлаштириш, яъни илмий-педагогик жамоатчиликда информациявий таҳдидларни, унинг салбий оқибатларини кўра билиш малакасини, ахборотларга нисбатан танқидий қарашларни шаклантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.
- *Маънавий-ахлоқий.* Ўқитувчиларда илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий таҳдидларга қарши курашиш бўйича иммунитетни, ушбу масала бўйича ижтимоий сифатларни, жамият томонидан белгиланган қадриятлар ва меъёрларни, танқидий тафаккурни, маънавий ҳимоя механизми, ижтимоий-психологик соғломлик каби ижобий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.
- *Маданий.* Илмий-педагогик жамоатчилик орасида ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий таҳдидларни олдини олиш аввалambор, илмий-педагогик, ўқув-методик нашрлар орқали бериладиган материаллар мазмунини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни ва уларни очиқ эълон қилишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, баҳолаш мезонларини белгиловчи омилларга қуйидагилар киради:

– инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

– таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

– миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, миллий маданиятни сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

– таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

– ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантириш;

– демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш принципларига амал қилиш;

– давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги принципларига амал қилиш;

– миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғуси, бой миллий маданий-тарихий анъаналар ва халқимизнинг интеллектуал меросини асос сифатида қабул қилиш;

– ўтмишдан қолган мафкурафий қарашлар ва сарқитлардан қочиш;

– ривожланган демократик давлатлар даражасидаги, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга амал қилиш;

– таълим-тарбия мазмунига мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қараш;

– таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларидан фойдаланиш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш.

Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрларда ахборот таҳдидларининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилиши лозим бўлган концепция ўзида қуйидаги бўлимларни, йўналишларни қамраб олиши керак деб ўйлаймиз:

1. Илмийлик принципига амал қилинганлиги, тақдим этилаётган тушунчаларни аниқ таърифи ва тўлиқ очиб берилганлиги.

2. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий таҳдидларга қарши курашиш моделини ишлаб чиқилганлиги ва уни эксперт баҳоланганлиги.

3. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий таҳдидларга қарши курашиш объектлари сифатида педагоглар дунёқараши, уларнинг ҳаётий қадриятлари, ижтимоий ва шахсий манфаатлари ҳамда маданий ва эстетик қарашларини инобатга олинганлиги.

4. Информациявий таҳдидлар оқибатларини аниқ очиб берилганлиги.

Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий таҳдидлар деганда миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари, миллий маданиятни, таълимни миллий тараққиётини, миллий ва умумбашарий қадриятларни, маънавий-ахлоқий фазилатларни, сиёсий ва ижтимоий-психологик қарашларни мақсадли ўзгартиришга қаратилган информацион ҳамда илмий-методик маълумотлар тушунишилиши керак.

Таълим-тарбия соҳаси илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига, информацион таҳдидларга, информациявий-ғоявий тарғиботларга, маданий экспансияларга жуда ҳам сезувчандир. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида энг асосий омил эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Айни шу сабабдан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг оммавий ахборот воситалари, илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг илмий-педагогик жамоатчиликнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган

воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.


Ёш илмий-педагогик ходимларда бузғунчи, деструктив педагогик ғояларга қарши ҳали мафкуравий иммунитет тўла шаклланмаганлигини, уларда эшитган ёки ўқиган маълумотига ишонишини назарда тутсак, бу анча эътибор қаратиш зарур бўлган жараёндир. Таъкидлаш лозимки, илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларда илмий-педагогик жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган ахборотлар орқали баъзан салбий ижтимоий мақсадларга ҳам эришиш мумкин.

Салбий илмий-педагогик ахборот хуружлари эса ёш илмий-педагогик ходимлар маънавий-ахлоқий, педагогик ва психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи-назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга қаратилган.



1-расм. Илмий мақолалар мониторинги олиб бориш омиллари

Бугунги кунда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг педагогик фаолиятдаги вазифалари ва тутган ўрнини, илмий-педагогик жамоатчилик маънавий-ахлоқий тарбияси, маданияти ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш, ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг вазифаси, психологик ва педагогик фаолият тажрибаси асосида таълим соҳасидаги илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларда ёритилаётган салбий маълумотларга оғишнинг асосий сабаблари, усул ва воситаларини таҳлил қилиш, илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларда ёт мафкурани, психологик манипуляция ҳамда салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, баҳолаш мезонлари ҳамда мазкур йўналишдаги цензура (ижтимоий назорат) ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Илмий мақола ёзиш технологияси мураккаб эмас. Ёзган мақолангиз ўқувчи ўйига, фикрига таъсир қила оладими, қалбини забт этоладими? Илмий мақолани ҳам бетакрор бадиий асардек ёзиш мумкин. Шопенгауэр, Ницше, Б.Рассел шундай услуб билан ижод қилишган. Илмий мақолани баъзан илмий унвон олиш, ҳисобот учун ҳам ёзишади. Бу анъана бўлиб қолган, ундан қутилиш амри маҳол. Лекин ҳақиқий олим ўзи учун, яъни қалбини чўлғаган муаммони очиб бериш учун ҳам ёзиши керак.



2-расм. Илмий мақолалар мониторинги модели

Олий аттестация комиссияси томонидан илм-фаннинг бирон-бир соҳаси бўйича Doctor of Philosophy (PhD) ёки Doctor of Science илмий даражасини олиш мақсадида изланишлар олиб борувчи тадқиқотчиларнинг олдига қўйиладиган талаблардан бири матбуотда илмий иш мавзуига оид ёзма шаклда материаллар эълон қилиш ҳисобланади. Ҳозирда PhD илмий даражасини олиш учун камида учта илмий мақола чоп этилиши талаб этилади.

Олий аттестация комиссиясининг талабларига мувофиқ, илмий изланишларнинг натижалари асосида тайёрланган ёзма материаллар соҳа мутахассисларидан илмий тақриз олиш тартиби жорий этилган камида битта илмий даврий нашрларда эълон қилиниши шарт.

Олий аттестация комиссиясининг шартларига кўра, илмий

мақолаларда диссертациянинг мазмуни етарли даражада ёритилиши лозим. Табиийки, ўртача ҳажми 8-10 бетни ташкил қилувчи битта илмий мақола доирасида бунинг имконияти йўқ. Шунинг учун одатда, мақола диссертациянинг ҳар бир боби, бўлими доирасидаги маълумотларни қамраб олади. Айни вақтнинг ўзида диссертация мавзусини алоҳида қисмларга ажратиб, бир қанча мақолалар ёзишдан ҳам наф йўқ.

Илмий мақолаларда замонавий илм-фан соҳаларининг назарий ёки амалий асосларини ривожлантиришга тадқиқотчининг шахсий ҳиссаси нимадан иборат эканлиги иложи борича ёркинроқ ифодаланиши керак.

Илмий мақоланинг сарлавҳаси қисқа ва лўнда бўлиши, айни вақтда имкон қадар моҳиятан материал мазмунини акс эттириши лозим.

Мақоланинг дастлабки қисмида ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқа ва лўнда шаклдаги аннотация (асарнинг қисқача мазмуни) ҳамда асосий тушунчалар келтирилиши зарур.

Илмий мақола, одатда, тузилиш жиҳатидан бир нечта қисмга бўлинади. Мақоланинг кириш қисмида муҳокама этилаётган мавзунинг долзарблиги таърифланади ва асослаб берилади, шунингдек, тадқиқот соҳаси, объекти ва предмети, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари муаммо сифатида қўйиладиган масаланинг ечими, таклиф этилаётган ечимнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида мухтасар фикр билдирилади.

Мақоланинг асосий қисмида олиб борилган илмий изланиш доирасида қўлланилган тадқиқот услублари таърифланади, тадқиқотнинг тўпланган ва илмий жиҳатдан таҳлил қилинган умумий натижалари келтирилади. Одатда, бу қисм ҳажм жиҳатдан мақоланинг 80-90 фоизини ташкил этади. Асосий қисмда фойдаланилган ҳар адабиётга илова берилиб, мухтасар тарзда мавзу доирасида олиб борилган барча (асосий) тадқиқотлар натижасининг танқидий шарҳи, тадқиқот жараёнларининг муфассал (изчил тарзда) баёни, шунингдек, оралиқ даврларда олинган натижалар ҳақида зарур маълумотлар берилади. Бундан ташқари, асосий қисмда олинган натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий жиҳатдан синовдан

ўтказиш натижалари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Мақоланинг якуний қисмида кириш қисмида қўйилган масаланинг ечими сифатида баҳоланадиган илмий-назарий, амалий аҳамиятга молик хулоса ва тавсиялар келтирилади. Илмий изланиш нима мақсадда, ким/нима учун амалга оширилгани ҳақидаги фикрлар билан якунланади ҳамда олиб борилган илмий изланиш натижаларининг ижтимоий ёки иқтисодий самараси ҳақида мухтасар фикр билдирилади. Илмий мақола мавзуга оид фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан якун топади.

Илмий мақоланинг ҳажми камида 3-5, кўпи билан 30 бетгача бўлиши мумкин. Қоғоз формати – А4, китоб варағи ҳажмида, атрофида қолдириладиган бўш жойларнинг ҳажми ҳамма томондан 2,5 см, интервал (сатрлар оралиғидаги масофа) 1,5 см, шрифт – Times New Roman, ранги қора, катталиги 12 мм, ҳавола (ссылка)лар мақоланинг охирида, квадрат қавсларда берилиши керак.

ИЛМИЙ МАҚОЛАНИНГ КОМПОЗИЦИЯСИ (ТУЗИЛИШИ)ГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Даставвал муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, тадқиқот олиб борилган олий таълим муассасаси ёки илмий ташкилотнинг номи, статуси (ҳуқуқий ҳолати) ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Шундан кейин фан соҳаси, бўлими (ОАКнинг номенклатураси шифрига мувофиқ номи) кўрсатилади.

Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги номидан сўнг 4-5 сатрлик аннотация ёзилади. Аннотациядан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида таянч тушунчалар берилади. Шундан кейин асосий матн берилади. Охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади. Матн ичида ҳавола (ссылка)лар квадрат қавслар ичида берилади. Ҳаволаларнинг тартиб рақами матн охиридаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги тегишли манбага тааллуқли бўлади.

Мақолага қўшимча сифатида фан соҳасида илмий унвонга эга бўлган

мутахассис томонидан ёзилган битта (камида) тақриз илова қилинади.

Таъкидлашимиз жоизки, ОАК матбуотда чоп этиладиган, илмий мақомга тенглаштириладиган ёзма манбалар жумласига бирон-бир фан соҳасида қилинган илмий янгиликлар ҳақидаги диплом, муаллифлик гувоҳномаси, патентлар, фойдаланиш мумкин бўладиган моделларга бериладиган гувоҳнома, саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган фойдали моделлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун мўлжалланган дастурлар, маълумотлар базаси, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган интеграл микросхемаларнинг топологияси, давлат тизимига кирувчи ташкилотларда сақланадиган, илмий журналларда чоп этилган илмий-техник характердаги маълумотлар, республикамиз ва халқаро миқёсдаги конференция, симпозиумларда эълон қилинган ва сўнгра электрон журналларда чоп этилган материаллар киради.

Матнларни қандай қилиб илмий услубда ёзиш мумкин?

Мавзу тўғри танлаб олинган ва таърифланган бўлса, бу бутун матннинг мазмундорлигини белгилаб беради. Мавзу деганда, аниқ фан соҳасининг предмети доирасида ёзма шаклда, мантиқий жиҳатдан изчиллик билан ифодаланган фикрлар тушунилади. Мавзу, гарчи у тўғри танлаб олинган ва таърифланган бўлса-да, фан соҳасига доир терминологияни, мавзунинг таърифи ва тавсифи, фикр юритиш хусусиятини, турли хил информацион материалларни келтириш тартибларини, энг муҳими, ёзма нутқнинг услубиятини белгилайди.

Агар бу илмий маърузанинг тезислари бўлса, 1-2 бетлик матнда мавзунинг туб моҳиятини ифодаловчи фикрларнигина баён қилиш, бордию, бу 15-20 бетлик илмий мақола бўлса, фикрларни батафсилроқ ифодалаш, қўшимча материалларни кўпроқ жойлаштириш мумкин.

Мақолаларни илмий услубда ёзишни ҳеч қаерда махсус ўргатишмайди. Аксарият илмий изланувчилар фикрларини айнан шундай услубда баён қилишади. Демоқчимизки, илмий услубда ёзишни ўрганиш учун ўз соҳангизга тааллуқли бўлган бирон-бир илмий журнал ёки

конференция материалларини мутолаа қилиб боринг. Бу сизга фикрларингизни илмий услубда баён қилишга ёрдам беради ва малакангизни оширади. Аммо унгача мазкур жараённи бир қанча босқичларга ажратган ҳолда амалга оширинг. Ҳар сафар тайёр материални қайта-қайта ўқиб чиқиб, камчиликларини тузатишга ҳаракат қилинг. Асосий эътиборни билдирилган фикрларнинг аниқлиги, матннинг тузилиши пухталиги, қўшимча материалларнинг етарлича ва ўринли қўлланганлигига эътибор беринг.

Агарда ёзилган материалларингизни ўқиш вақтида унинг бирон-бир қисми мукаммал эмаслигини сезиб қолсангиз, мақола устида қайта-қайта ишланг. Шуни ёдда тутингки, сиз ҳамма вақт аниқ бир аудиторияга қаратиб мурожаат қиласиз. Демак, уларнинг билим савияси ва малакаси, қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олиб, уларга тушунарли тилда ёзишга ҳаракат қилинг.

Мақолани ёзиш чоғида техник жаргонлардан, ўзбек ёки рус тилларидаги тушунчаларнинг айнан таржимасидан фойдаланмасдан уларнинг мазмун-моҳиятини аниқ ва тўлиқ ифодалайдиган аналоги (ўхшаш ифодаси)ни топишга ҳаракат қилинг.

Агарда сиз мутахассисларга яхши маълум бўлган технологиялар, услублар, алгоритмлар ҳақида гапираётган бўлсангиз, уларни таъриф ва тавсифлаб ўтирманг, фақатгина улардан қаерда ва қандай фойдаланганингиз ҳақида гапиринг.

Албатта, бундай маслаҳатларга амалда риоя қилиш мушкулроқ, бироқ нима бўлганда ҳам маслаҳатга амал қилиш фойдадан холи бўлмайди. Гап шундаки, мураккаб тузилмали қўшма гаплар ёрдамида ифодаланадиган фикр-мулоҳазаларни ҳаттоки соҳа мутахассислари ҳам яхши англаб етмайди. Шунинг учун гапларни бир қанча жумлалардан таркиб топган нутқ кўринишида баён қилинг. Гапларни жуда қисқа ифодалаш ҳам жумлаларнинг ғализ чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ўртамиёна бўлишга ҳаракат қилинг.

Илмий мақоланинг тузилиши қуйидагича: кириш қисми, муаммо ёки вазифанинг қўйилиши, мавзуга оид назарий фикр-мулоҳазалар, қўйилган муаммонинг таклиф этилаётган ечими ва унинг назарий жиҳатдан асосланиши, эмпирик материаллар ва улар асосида қилинган хулосалар, якуний қисм.

МАҚОЛАГА ИҚТИБОС КЕЛТИРИШЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК

Ҳирше (Jorge Hirsch 1953 йилда Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида туғилган, америкалик физик олим, Сан-Диего университети профессори. 2005 йилда “Ҳирше Индекси”ни (h-индекси) – иқтибослар келтириш орқали олимлар ишларининг самарадорлигини аниқлаш тушучасини киритганлиги билан танилган. Ҳирше Индекси олимнинг, олимлар гуруҳининг, илмий муассасанинг ёки умуман мамлакатнинг илмий салоҳиятини нашр ишлари ва уларга иқтибосларнинг сонига асосланиб баҳолашни назарда тутади) индексини оширишнинг энг ишончли усули – бу иқтибос келтириладиган мақолани ёзиш.

Бунинг учун мақола ўқувчи учун қизиқарли ва фойдали бўлиши керак.

Биринчидан, мақолангизни нуфузли журналларда чоп эттиринг.

Журналнинг обрўси қанчалик баланд бўлса, унинг ўқувчилари ҳам янада кенгроқ ва кўпроқ малакага эга бўлади.

Нуфузли журналлар қуйидаги мезонларга жавоб беради:

- ОАК рўйхатига киритилганлиги;
- Scopus, Web of Science каби ва бошқа нуфузли маълумотлар базасига кириши;
- Тегишли соҳадаги илмий тадқиқотлар бўйича юқори импакт фактор кўрсаткичига эга бўлиши (импакт факторлар кўрсаткичи турли соҳалар бўйича фарқ қилади: масалан, медицина ва биология фанлари

бўйича бир-биридан, гуманитар фанларга нисбатан каттароқ импакт факторга эга бўлиши мумкин).

Иккинчидан, таҳлилий, умумий шарҳловчи мақола ёзинг.

Таҳлилий, умумий шарҳловчи илмий мақола кўтарган муаммо, масалага оид олдин чоп этилган ишларни умумлаштиради, таҳлил қилади ҳамда баҳолайди. Бундай мақола сиқилган шаклда кенг маълумот беради. Бу ўқувчиларга муайян соҳадаги долзарб муаммоларга бағишланган илмий билимларга тез ёндашишга ёрдам беради. Бундан ташқари, муайян соҳага оид мақолалар одатда кўп ҳолларда ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тегишли бўлган илмий муаммоларга бағишланган бўлади, бу эса ушбу соҳадаги барча мутахассисларда қизиқиш уйғотади.

Учинчидан, энг сўнгги маълумотлардан фойдаланинг.

Сўнги маълумотлар деганда, ишончли манбалардан олинган долзарб маълумотлар тушунилади. Бундан 2-3 йил аввал чоп этилган маҳаллий ва хорижий журналлардаги мақолаларга иқтибослар келтиринг. Бу сизнинг илмий мақолангиз нуфузини ва илмий натижаларингиз ишончлилигини оширади. Аксинча, текширилмаган ва нотўғри манбалардан фойдаланиш ўқувчида мақола мазмунига нисбатан салбий муносабат пайдо қилиши мумкин.

Тўртинчидан, нуфузли адабиётларга ҳаволалар беринг.

Мақолани ёзишда муаллиф фойдаланилаётган манбаларга эътиборлироқ ёндашиши керак. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати муаллифнинг ушбу соҳадаги жиддий илмий ишлар билан танишганлигини, унинг муаммоларни теранликда, чуқур ўрганишига ёрдам берганлиги кўрсатилиши керак.

Бешинчидан, мақолаларни ёзишда таниқли ва обрўли олимлар билан маслаҳатлашинг.

Тегишли соҳадаги таниқли ва обрўли олимлар билан маслаҳатлашган ҳолда ёзилган мақола сизнинг ишингизга бўлган қизиқишни оширади ҳамда илмий ишнинг обрўсини оширишга ёрдам беради. Иложи борича

ишингизда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг ёндашувларини бирлаштиришга ҳаракат қилинг.

Олтинчидан, мақолани хорижий тилларга таржима қилинг.

Хорижий тиллар айниқса, инглиз тили бутун илмий жамоатчиликнинг асосий тилидир. Буларга илмий мақолалар, монографиялар, каталоглар ва шарҳларни нашр қилишдан тортиб, симпозиум ва конференциялар ўтказиш тегишлидир. Мақолангизни хорижий тилларга таржима қилинг ва уни хорижий ёки интернет нашрларда чоп эттиринг. Бу аудиторияни сезиларли даражада кенгайтиради ва мақолангизга иқтибос келтириш эҳтимолини оширади.

Еттинчидан, фикрингизни соддароқ ифодалашга ҳаракат қилинг.

Мақолангизни илмий тилда шундай ёзингки, уни ўқиш осонлашсин. Бу сиз мураккаб терминологиядан воз кечинг, дегани эмас. Концептуал тушунчалар орқали фикрни ифодалаш қобилиятига эга бўлиш сизнинг илмий малакангизни кўрсатади. Лекин, жуда узун жумлалардан, мураккаб грамматик конструкциялардан ва кўплаб кириш сўзлардан иложи борича камроқ фойдаланинг. Ёдда тутинг, ўқувчининг қизиқишини йўқотмаслик учун мақола нафақат мазмунан, балки тузилиши жиҳатдан ҳам яхши бўлиши керак.

Саккизинчидан, ўзаро ҳаволаларни алмашинг.

Ҳамкасблар билан ўзаро ҳаволалар алмашиш илмий ахлоққа зид келмайди ва айни пайтда ўқувчиларнинг кенгайишига ва иқтибослик индексининг ошишига ёрдам беради. Бу илм билан шуғулланишни бошлаган ёш олимлар учун аҳамиятлидир. Олдиндан нашр этилган ўз мақолаларингизга иқтибос келтиришдан тортинманг (қочманг). Фақат жуда ошириб юборманг! Ўзингизнинг ишларингизга иқтибос келтириш чегараси 30 фоиздан ортиқ бўлмасин.

Тўққизинчидан, маълумотни тўғри ва аниқ беринг.

Ўзингиз ва иш жойингиз ҳақида, хусусан, инглиз тилидаги транслитерация бўйича энг аниқ маълумотни кўрсатинг. Ҳар доим ва ҳамма

жойда бу маълумотларнинг барчасини бир хил ёзиш кераклигини ёдда тутинг. Нотўғри ёзилган фамилия, иш жойи номлари, жойларда аралаштирилган бош ҳарфлар барча ҳаракатларингизни бекор кетказиши мумкин. Шу сабабли, муаллиф ва у ҳақидаги маълумотни тўлдиришда жуда эҳтиёт бўлинг. Мақола босилгандан кейин барча маълумотларни текшириб кўринг! Таҳририятда хатолик юзага келса, тузатишга мурожаат қилинг. Ушбу оддий маслаҳатларга амал қилинг ва натижада ишингизга иқтибос келтирилади! Бу нафақат Ҳирше индексини оширибгина қолмай, балки ишингизни илмий жамоатчиликка тақдим этиш, обрўингизни мустаҳкамлаш, мамлакатда ва хориждаги ҳамкасбларингиз билан илмий тадқиқотлар бўйича кенг алоқаларни ўрнатиш имкониятини беради.

ЖУРНАЛ УЧУН ЭНГ МАҚБУЛ МАҚОЛА МАТНИ ТУЗИЛМАСИ

Халқаро илмий журналларнинг аксар қисми оригинал тажрибавий тадқиқот натижаларини тавсифловчи мақолалар қуйидаги бўлимлардан ташкил топишини талаб қилади.

- Номланиши – *Title*;
- Реферат – *Abstract;*
- Кириш – *I*ntroduction;
- Методлар – M*aterials andMethods (Theoretical basis)*;
- Натижалар – *Results*;
- Муҳокама – *Discussion;*
- Миннатдорчиликлар – *Acknowledgements*;
- Адабиётлар рўйхати – *References*.

Ушбу формат қисқача қилиб *IMRAD (Introduction, Methods, Results, and Discussion)* деб номланади. Баъзида *IMRAD* қисқартмасига *Abstract* (Реферат)ни билдирувчи А ҳарфи ҳам қўшилади, ва натижада *AIMRAD* ҳосил бўлади.

IMRAD формати асосида жуда оддий мантиқ ётади. Мақоланинг

бўлимлари худди табиий саволларга жавоб бераётгандек. Биринчи савол – тадқиқот қандай муаммоларга бағишланган? Жавоб *Кириш* бўлимида келтирилган бўлиши керак. Кейинги савол – муаммо қандай тадқиқ қилинди? Бу саволга *Методлар* бўлими жавоб беради. Асосий янгиликлар ёйинки ихтиролар нималардан иборат? Жавобни *Натижалар* бўлимидан топасиз. Топилган натижалар нимани билдиради? Жавоб *Муҳокама* бўлимида келтирилган. Бундан ташқари, ҳар қандай мақола номдан бошланади (Сарлавҳа, *Title),* шундан сўнг муаллифларнинг исми-шарифлари, уларнинг иш жойлари ва манзиллари, тадқиқот бажарилган жой санаб ўтилади. Бундан кейин эса Реферат *(Abstract, Summary, Resume)* бўлими келади, у мақола мазмунини жуда ҳам қисқа шаклдаги баёни ҳисобланади ва унинг охирида калит сўзлар *(key words)*ни топиш мумкин бўлади. Рефератдан кейин эса мақоланинг ўзи *(paper body)* бошланади. Кўпинча мақоланинг охирида, муҳокама бўлимидан кейин *Миннатдорчиликлар* (*Acknowledgements*) қўйилади ва мақолани фойдаланилган *Адабиётлар рўйхати (References, Literature cited)* якунлайди.

Илмий мақоланинг типик тузилиши


Номланиши		***Title***	
Реферат		***Abstract***	
Калит сўзлар		***Key words***	
Кириш	Нимани тадқиқ қилдингиз? Нима учун уни тадқиқ қилдингиз?	***Introduction***	*What did you study? Why did you study this?*
Методлар ва Материаллар	Нима қилдингиз ва қандай қилдингиз?	***Materials and Methods (Experimental Methods, Experimental Section, procedures) or Theoretical Basis***	*What did you do?*
Натижалар	Нима топдингиз?	***Results***	*What did you find?*
Муҳокама	Бу нимани билдиради?	***Discussion***	*What does it mean?*
Миннатдорчиликлар		***Acknowledgements***	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		***References (Literature cited)***	

Умуман олганда илмий мақола аввал умумийдан хусусийга қараб, кейин эса яна хусусийдан умумийга қараб *(general-specific-general)* тузилган матнни мисоли бўлади. Бошланиши *Кириш* ва якуни *Муҳокама* – мақоланинг энг умумий қисмларидир. Энг хусусий хоссага эга қисмлар – булар *Материаллар* ва *Натижалардир*.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР УСЛУБИНИНГ ЖИҲАТЛАРИ

Илмий журналлар учун матнлар ёзишнинг адабий ижод билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Илмий матнларда киноя, қочирма, мажоз каби адабий асарларга хос бўлган усуллар ишлатилмайди. Инглиз тилидаги (рус тилидагисида ҳам) илмий матнлар услуби адабий асарлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, яъни газета ва оддий (ноилмий) журналлардаги мақолалар ёки қисқа хабарлар услубидан жиддий фарқ қилади. Илмий нашрларнинг услуби – бу қуйидаги жиҳатларга хос бўлган расмий услуб *(formal English)*дир.

Расмий синонималар ёки маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзларни ишлатинг. Масалан, иборали феъллар (феъл плюс олд кўмакчи) ўрнига лотин илдизларига эга бўлган расмийроқ феълларни ишлатиш маъқулроқ бўлади.



3-расм. Илмий-методик мақолаларни баҳолаш мезонлари

ИЛМИЙ НАШРЛАР

Илмий журналлардаги мақолалар илмий жамоатчилик орасидаги асосий коммуникация воситаси бўлишидан анча олдин, тадқиқотлар натижалари трактат (лотинчадан *tractatus* – кўриб чиқиш учун) деб аталувчи китобларда баён қилинган. Шубхасиз, мақолалар эмас, балки айнан китоблар илмий янгиликлар, яратишлар бошида турган. Олимларнинг бир-бирлари билан ўзаро ёзган хатлари *(written letters*) илмий журналларнинг 17 асрдаги бевосита аждоди бўлган. Бундай "илмий ёзишмалар" самарали ва тез тарқалишига ушбу ёзувларни кўчириб ёзиб ва кейин бошқаларга жўнатиш меҳнатини бўйнига олган одамлар (шунингдек, олимлар) сабабчи бўлган. Илмий ҳамжамиятлар пайдо бўлиши билан, котиб лавозими ҳам пайдо бўлди, қайсики унинг вазифасига бундай хатларни ҳамжамият аъзолари ва бошқа тадқиқочиларга тарқатиш кирган.

1665 йил март ойида *"Philosophical Transactions"* илмий журналининг биринчи сони чиққан. Журналнинг биринчи сони тахминан 20 бетдан иборат бўлган, тираж сони 1200 тани ташкил этган. 1677 йилга келиб журналдаги нашрлар муаллифлари орасида Ньютон, Бойль, Гук, Левенгук, Гюйгенс, Лейбниц, Галлейлар бўлган. Ўша вақтдаёқ илмий нашрлар услубига талаблар қўйиш шаклланган – муболағасиз, кўп сўз ишлатмасдан, киноясиз, мажозсиз, деярли қуруқ математик усулларни ишлатган.

Ҳозирги пайтда халқаро илмий ҳамжамиятда илмий мақола деганда аниқ бир тушунча юзага келди – "бу тадқиқот натижаларини тавсифловчи ва маълум мезонларни қаноатлантирувчи ёзма, нашр этилган ҳисоботдир". Аста-секин "*valid/primary scientific publication/litemture*" каби тушунчалар шаклланди. Буни *ишончли, тўғри, яроқли, бирламчи, ҳаққоний ёки асосий илмий нашр* деб таржима қилиш мумкин. Бу тушунча илмий тадқиқотлар натижаларини тақдим этиш, таҳрир амалиёти ва илмий этиканинг уч юз йиллик анъаналари таъсири остида вужудга келган.

"Мақбул бирламчи нашр – бу тадқиқот тўғрисида муҳим илмий

ахборотни ҳамкасбларга (1) тадқиқотни баҳолаш, (2) тажрибани аслидай қайта ўтказиш, (3) хулосаларга олиб келган интеллектуал жараённи баҳолаш имконини берадиган шаклдаги бирламчи оммавий тақдимотдир. Ушбу тадқиқот тўғрисидаги ахборотни оммавий тақдимоти сезги органлари ёрдамида идрок қилиш имконини бериши, доимий манбада жойлашган бўлиши, илмий ҳамжамият учун чекловларсиз танишишга имкон яратиши лозим.

Бу тадқиқот тўғрисида аввал нашр қилинмаган материал ҳамкасб-тадқиқотчилар томонидан қўлёзма тақриздан ўтган нашриётда нашр қилиниши ва фақат ижобий хулоса берилгандан кейингина журналда чоп этилиши лозим деганини билдиради. Бу рецензияланадиган журналда нашр этиш деб аталади *(peer-reviewed publication)* ва фақат мана шундай нашр “илмий нашр” нашр, бундай қоидалар бўйича ишловчи журналлар эса “илмй нашрлар” илмий адабиётлар ҳисобланади. Шу сабабли тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисобот бундай журналда чоп этилиши учун у белгиланган талабларга мувофиқ ёзилган бўлиши керак. Мақола нашр этилганидан сўнг нафақат барча олимлар учун, шунингдек, реферациялар у тўғрида маълумотларни илмий-техник ахборотлар базаси: реферативжурналлар, илмий-техник ахборотлар қидириш тизимига киритиш учун ҳам чекловсиз танишиш имконияти билан бўлиши керак. Агар охирги шарт бажарилмаса, бу мақоладаги маълумотлар илмий ҳамжамият учун йўқотилишига олиб келиши мумкин. Аниқроқ қилиб айтилса, маълумот, албатта, мақола матнида сақланиб туради, бироқ уни топиш, худди шунингдек, нашр қилинган натижаларни ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини билиш ҳам амримаҳол бўлади.

Таъкидлаш муҳимки, рецензияланадиган журналлар нашрга фақат бошқа нашриётда кўриб чиқилмаётган ва аввал ҳеч қаерда нашр этилмаган қўлёзмаларни қабул қилади. Қўлёзма ёки унинг катта бир қисми аввалроқ конференция материалларида, бюллетенларда оммага тақдим қилинган бўлса, интернет сайтларида жойлаштирилган бўлса, бу уни нашр

қилинишини рад этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, “илмий нашр” илмий мақола – бу тадқиқотни тавсифлаб берувчи ва фақат бир марта чиқарилиши мумкин бўлган рецензияланадиган журналларда нашр этилган мақоладир. Рецензияланадиган журналларда нашр этилган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги мақолалардан ташқари, бошқа нашриётларда, бирламчи илмий нашр меъзонларига жавоб бермайдиган бошқача турдаги кўплаб илмий ишлар нашр этилади. Масалан, ҳукумат ёки хусусий ташкилотлар билан шартномалар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ишлари ҳисоботлари, бюллетенлар бирламчи илмий адабиёт деб ҳисобланмайди. Шунингдек, тўғри илмий нашрларга янгилик хабарлари, корпоратив нашрларда ва фойдаланилиши чекланган (ташкилот, хизмат) журналларидаги нашрлар ҳам кирмайди. Бироқ, фундаментал, инновацион, амалий, мухандислик ва ахборот-компьютер соҳаларида бирламчи илмий нашрларга патентлар ва техник ҳисоботлар ҳам киради.

Агар бирламчи илмий адабиёт мажуд экан, демакки иккиламчиси ҳам бўлиши керак. Иккиламчи илмий адабиётга, рецензияланадиган журналларда ҳам нашр этилувчи тавсифловчи мақолалар *(review papers*) киради. Тавсифловчи мақолалар аввал нашр қилинган, умумий мавзуга алоқадор бўлган мақолаларни таҳлил қилишга бағишланган. Ҳатто, фақат тавсифловчи мақолаларни нашр этадиган журналлар ҳам бор. Улар бирламчи нашрларда аввал чиққан маълумотларни умумлаштириш, йиғиш, таҳлил ва синтез қилиш учун мўлжалланган. Тавсифловчи мақолаларда ҳеч қандай янгилик бўлмайди деган фикр хатодир. Аксинча, айнан уларда янги назариялар ўз ифодасини топади, янги ғоялар ёки ҳатто парадигмалар илгари сурилади, ва уларга бошқа мақолаларда кўплаб ҳаволалар қилинади.

Илмий адабиётда муҳим ўринни, кўпинча монография деб аталувчи ва йирик лойиҳалар бўйича тадқиқот натижаларини ёритишга, маълум йўналишда эришилган ютуқларни умумлаштиришга ёки умумий мавзуга

алоқадор бўлган мақолаларни компиляциялашга бағишланган китоблар (дарсликлар эмас) эгаллайди.

ЖУРНАЛНИ ТАНЛАШ

Муаллиф олдида доимо қайси журналга мақолани жўнатиш муаммоси туради. Аниқки, биринчидан танлов тадқиқот ёки иш мавзуси бўйича аниқланади. Бошланиши учун тегишли мавзуда мақолалар чоп этиладиган журналлар тўғрисида ўйлаб кўриш мумкин. Шунингдек, Сизнинг фанингиз соҳасида ёки унга яқин соҳада ишладийган муаллифлар қайси журналларнинг мақолаларига ҳавола қилаётганлигига эътибор қилиш, мақолаларни чоп этишда муваффақиятли тажрибаси бор ҳамкасблар билан суҳбатлашиш мумкин. Бирорта илмий адабиётлар бибилиографик базасида журнални қидириб кўриш мумкин.

Журналдаги мақолаларнинг умумий мақоми изидан боришга ҳаракат қилинг, лекин бунда Сизнинг мақолангиз ўзига хос, оригинал бўлиб қолиши керак!

Сиз журнал танлашда адашсангиз, қўлёзма билан ёки агар қўлёзма чоп этилса, мақола билан қуйидагилар рўй бериши мумкин. Биринчидан, муҳаррир қўлёзмани муаллифни ўзига уни нашр қилишни рад этган ҳолда қайтариб юборади, бунда сабаб қилиб *“work is not suitable for this journal”* деб кўрсатилади. Яна сиз кўпинча бу рад жавобини, қўлёзмани журналга юборгандан кейин ҳафталар, ҳаттоки ойлар ўтгандан кейин оласиз, чунки у эҳтимол, тақризга жўнатиб юборилган бўлади.

Иккинчидан, агар ишингиз мавзуси журнал тематикаси чегарасида бўлса, у ҳолда Сиз ўринсиз салбий хулоса олишингиз мумкин, бунга сабаб, муҳаррир ҳам, таҳририят аъзолари ҳам ва ҳатто тақризчилар ҳам Сизнинг тадқиқотларингиз соҳасида мутахассис эмаслигидир. Сиз руҳий сиқилишни бошдан кечирасиз, гарчи Сиз қўзлёзмангизни тематикаси мос келадиган журналга жўнатганингизда, эҳтимол, эълон қилинган бўлар эди. Агар

қўлёзма баъзи камчиликлар билан ёзилган бўлса, мутахассис бўлмаган тақризчи томонидан берилган тақриз уни яхшиланишига ёрдам бермайди, агар тақриз фаннинг ушбу соҳаси эксперти томонидан ёзилган бўлса эди, бундай тақриз камчилиги бор мақолани яхшилашга ёрдам берар эди. Учинчидан, ҳатто қўлёзма чоп этилганда ҳам у мутахассилар учун улар бу журнални ўқимасликлари туфайли, номаълум бўлиб қолаверади.

Журнал танлашда унинг нуфузини эътиборга олиш муҳимдир. Энг нуфузли журналлар бўлиб, тадқиқотчиларнинг профессионал жамиятлари томонидан ва тиражи юқори бўлган журналлар ҳисобланади. Журналнинг импакт-омили унинг нуфузини миқдорий баҳоси ҳисобланади. Бироқ нуфузли журналда нашр эттириш қийин бўлади ва кўп вақт талаб этади.

Сизнинг ишингиз қандай аудитория учун қизиқ бўлиши тўғрисида ўйлаш ҳам анча аҳамиятга эга. Агар у бутун инсоният учун умумий бўлган фундаментал илмий ва амалий масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда уни нуфузли халқаро журналда нашр қилишга ҳаракат қилса бўлади. Агар тадқиқот ҳудуд миқёсида аҳамиятга эга бўлган муаммони ечиш билан боғлиқ бўлса, унда худди шундай миқёсдаги журнал билан чегараланиш мумкин.

ЯХШИ МАҚОЛА НОМЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Одатда, мақоланинг номланиши эга кесим ва хоказолардан ташкил топган гап эмас, балки ёрлиқ бўлади. Камдан-кам журналлар мақола сарлавҳаси сифатида тўлиқ ёки сўроқ гапларни ишлартишга рухсат беради.

Агар Сиз номланиш сифатида тўлиқ гапни ишлатмоқчи бўлсангиз, уни баёнига ўзингизни кўп вақтингизни сарфлашдан олдин, ўзингиз танлаган журнални ўрганиб чиқинг, шунақа номланиш билан ҳеч бўлмаса битта бўлса ҳам мақола бормикан?

Сарлавҳадаги сўзлар аҳамияти ва тартиби нафақат журналнинг навбатдаги сони мундарижасида сарлавҳаларни кўрадиган ўқувчилар

(муштарийлар) учун шунингдек, мақола тўғрисида рефератив журналлар каби иккиламчи библиографик манбалардан фойдаланувчилар учун ҳам муҳимдир.

Кўпчилик замонавий компьютерлаштирилган ҳаволалар библиографик тизимлари калит сўзлардан *(KWIC - key words in context* ёки *KWOC key words out of context)* фойдаланишади. Шу сабабли, агар муаллиф мақоланинг номланишида тўғридан-тўғри калит сўзлардан фойдаланса ёмон бўлмасди. Бу ҳолда Сизнинг мақолангиз катта эҳтимоллик билан потенциал ўқувчининг кўзига тушади, бу эса, айниқса, ўзларининг биринчи мақолаларини унчалик оммалашмаган журналларда жойлаштираётган ёш тадқиқотчилар учун муҳимдир.

Гарчи мақоланинг номланиши кўпинча у ёзиб тугатилгандан кейин узил-кесил қўйилса ҳам ва амалда тақризчиларнинг мулоҳазаларидан кейин қайта таҳрир қилинса ҳам мақолани ёзишга киришишдан олдин унинг “ишчи” номланишини ўйлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР (MATERIALS AND METHODS)

Ушбу бўлимда натижалар олиш учун ишлатилган методлар батафсил ёритилиб берилади. Одатда бошида тажрибаларнинг умумий схемаси *(design of the experiment)* берилади, кейин эса ихтиёрий мутахассис мақола матни билан танишиб чиқиб, тажрибани ўзининг ташкилотида, иш хонасида, гуруҳида, синфида, лабораториясида ва ҳ.к. ўтказа олиши учун етарли бўладиган тажриба тўғрисидаги маълумотлар тўлалигача, тафсилотлари билан тақдим этилади.

Кўпгина ўқувчилар ушбу бўлимни ўқимасдан ўтказиб юборадилар, чунки Кириш бўлимида қандай метод ишлатилиши кўрсатиб бўлинади. Бироқ, мақола илмий қимматга эга бўлиши учун, тадқиқот методларини батафсил ёзиш лозим. Тақризчи мақола қўлёзмаси билан танишаётганда тадқиқот методикаси қанчалик батафсил ёритилганлигига алоҳида эътибор

беради. Агар унда тажрибани қайта ўтказиш бўйича иккиланишлар пайдо бўладиган бўлса, олинган натижаларга қарамасдан мақолани нашрини рад этишни тавсия қилади.

Стандарт методлар ва процедуралардан фойдаланилганда, тегишли манбаларга ҳаволалар қилиш маъқул бўлади, бунда агар стандарт методлар модификация қилинган бўлса, уларни баён қилиб беришни унутмаслик керак бўлади. Агар аввал ҳеч қаерда кўлланилмаган ўзингизни янги методингиз ишлатилган бўлса, уни батафсил ёритиб бериш жуда ҳам муҳим.

Агар метод олдин эътироф этилган журналда нашр этилган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилишнинг ўзи етарли. Бироқ, агар метод таниқли бўлмаган журналда нашр этилган бўлса, қўлёзмада методни тўлалигича ёритиб бериш тавсия этилади.

Theoretical Basis бўлимда назарий ишлар борасида математик амаллар батафсиллиги шу даражада бўлиш керакки, уларни қайта бажариш ва олинган натижаларни тўғрилигини текшириш осон бўлсин. Ҳамма маълумотлар, формулалар, тенгламаларни киритинг, улар устида қандай амаллар бажарилганлигини кўрсатинг. Агар математик амалларни батафсил баёни кўп жой оладиган бўлса, у ҳолда уларни мақолага илова сифатида келтириш мумкин.

Масалан, экология бўйича ишда Методлар бўлимида маълумотлар қуйидаги тартибда тузилиши мумкин.

1. Тажрибанинг умумий схемаси *(overview of the experiment).*
2. Популяция/намуна *(population/sample*).
3. Тадқиқот ҳудудининг жойлашиши *(location of the study area).*
4. Чекланишлар *(restriction/limiting conditions).*
5. Намуналарни танлаш методикаси *(sampling technique).*
6. Намуналарни қайта ишлаш/тайёрлаш *(processing).*
7. Материаллар *(materials).*
8. Ўзгарувчилар ва ўлчашлар (*variables and measurements).*

9. Статистик қайта ишлаш *(statistical processing).*

Одатда Методлар бўлимида кичик сарлавҳалардан фойдаланилади. Шундай қилингки, иложи борича улар натижалар бўлимидаги кичик сарлавҳаларга мос келсин. Агар сиз методлар ва натижалар орасидаги бундай мувофиқликка интиладиган бўлсангиз, Сизга иккала бўлимни ёзиш осон бўлади, ўқувчига эса – ишингизни тушуниш.

Процедураларни аниқ ёритинг.

Кўп ҳолларда статистик таҳлилнинг ҳаммага маълум усуллари ёки уларнинг модификациялари ишлатилганлиги сабабали, статистик процедуралар жуда қисқа баён қилинади. Стандарт статистик процедуралар шундай келтирилади, манбаларга ҳавола эса ғайриоддий ёки модификацияланган методлар ишлатилганда кўрсатилади. Мақолангизда Сиз ўз маълумотларингизни муҳокама қилишингиз керак, статистикани эмас. Одатда статистик методларнинг узун баёни муаллиф уни яқинда ўзлаштирганини билдиради ва унга ўқувчилар ҳам буни қилишлари керакдек туюлади.

Методлар бўлимини ёзиб тугатгандан сўнг, бу ишга алоқадор бўлмаган бирорта ҳамкасбингизга уни ўқиб чиқишга беринг, кейин эса ундан ишни яна қайтариб бажариш учун ҳаммаси батафсил баён қилинганми деб сўранг.

МАҚОЛАНИНГ ТУЗИЛИШИ:

Муаллифлар рўйхати (authors) – замонавий олим, камдан-кам истисно қилганда, ўзи ёлғиз ишлайди. Бинобарин, кўпчилик тадқиқотларнинг муаллифлари бир кишидан кўп бўлади.

Бир қарашда муаллифлар рўйхатини ёзиш мақоланинг энг оддий қисми ҳисобланади. Лекин ҳар доим ҳам эмас. Кимларни муаллифлар рўйхатига киритиш ва номларини қай тартибда қўйиш масаласи кўпинча жиддий мунозараларнинг манбаига айланади, шу даражагача, ҳамкасблар

бир-бирлари билан душман бўлиб қолишлари ҳам мумкин.

Кимни ва қай тартибда санаб ўтишнинг умумий қоидаси мавжуд эмас. Яқингача ҳам (ҳозиргача ҳам ўз кучини йўқотмаган) тадқиқотда фаол қатнашганлигидан қатъи назар, лойиҳа раҳбарлари, бўлим бошлиқлари ва лаборатория мудирлари (профессорлар, тадқиқот гуруҳлари раҳбарлари)ни муаллифлар рўйхатига киритиш умумий анъанаси бор эди. Бунда уларнинг исми-шарифлари рўйхатда энг олдига қўйилар эди. Аста-секин муаллифлар рўйхатидан охирида бўлиш обрўга айланиб қолди. Ҳозирги вақтгача муаллифлар рўйхатидаги биринчи одамни “катта” деб ҳисоблаш тенденцияси устун турибди. Натижада “ҳурматли” ҳаммуаллиф рўйхатнинг биринчи ёки энг охирида бўлишга талабгор бўлади, ҳеч ҳам унинг ўртасида бўлишга эмас. Илм-фаннинг айрим соҳаларида, масалан, математикада муаллифларни исмлари кўпинча алифбо тартибида қўйилади.

Нашрлар муаллифларининг сонини кўпайиш тенденцияси кўпроқ сезилмоқда, бу эса кўпинча муаллифлар қаторига лойиҳа, бўлим ва лабораториянинг барча ходимларини, ҳаттоки техник ёрдам кўрсатган ходимларни ҳам қўшиш, бир-нечта лойиҳа, бўлим ва лабараториялар томонидан биргаликда амалга ошириладиган тадқиқотлар сонини ортиши туфайлидир. Натижада мақола муаллифларининг ўртача сони ортиб бормоқда.

Илмий ахлоқ тамойилларига мувофиқ илмий нашр муаллифлари бўлиб фақат тадқиқотга ҳақиқатан ҳам ўз ҳиссасини қўшган, қўлёзма мазмунига жавоб берадиган, шунингдек, унинг тайёрланишида қатнашганлар бўлиши мумкин.

Назарий жиҳатдан муаллифлар рўйхатидаги исмлар жойлашиши тартиби илмий иқтибослаш индексига ўз таъсирини ўтказмаслиги лозим, гарчи бу даъво тажрибада тасдиқланиши керак бўлса ҳам. Мақола муалифлар исмларидан кейин, уларнинг иш жойлари, манзиллари санаб ўтилган, тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказилган жойлар, шунингдек, ёзишмалар учун муаллиф (corresponding author) кўрсатилган сатрлар келади.

Бу техник ишдир, бу ишни журналда қандай кўрган бўлсангиз, шундай қилиб бажарган маъқул.

Номланиши – мақоланинг албатта ўқиб чиқилади деб айтиш мумкин бўлган ягона бўлими. Шубҳасиз, номланиш бўлими энг кўп ўқувчилар (муштарийлар) томонидан, аниқроқ қилиб айтсак, ушбу журналнинг мундарижаси билан танишиб чиқадиган, шунингдек, қидириш жараёнида Сизнинг мақолангизга тўқнаш келадиганлар ўқиб чиқилади. Эҳтимол минглаб одамлар мақола номланиши билан танишиб чиқар ва бир-нечта одамгина уни тўлалигича ўқиб чиқар. Номланишнинг вазифаси – мақолани ўзини ўқиб чиқишга иложи борича кўпроқ ўқувчиларни (муштарийларни) қизиқтиришдан иборат. Айнан мақола қизиқарли бўлиши мумкин бўлган ўқувчиларни диққатини жалб этиш учун мақоланинг номланиши иложи борича мақоланинг мазмунига аниқроқ ва тўлароқ мос келиши керак. Айнан шу сабабли, номланиш учун сўзларни синчковлик билан уларнинг маълумотга тўлалиги, аҳамиятлилиги ва уйғунлигига аҳамият берган ҳолда танлаш керак. Агар мақолани номланиши унинг мазмунини керакли даражада акс эттирмаса, унда мақола, у мўлжалланган мутахассислар томонидан, эҳтимол, ҳеч қачон ўқиб чиқилмас.

Тажрибали муаллифлар мақоланинг номланиши ва рефератини уни ёзиб тугатгандан кейин ёзадилар. Матнни ёзишни бошлашдан олдин, қандай атамаларни, объектларни ва методларни ишлатишни, бу соҳада ишлайдиган мутахассисларга яхши таниш бўлганлигини назарда тутиб қайсиларини эса тушириб қолдиришни аниқлаш учун у қандай аудиторияга мўлжалланганлигини ўйлаб кўриш бўлади.

Мақоланинг номланиши жуда узун ҳам ёки жуда калта ҳам бўлмаслиги лозим, камида учта, кўпи билан 13 сўздан (кўмакчиларсиз) иборат бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда мақолаларнинг сарлавҳалари “кераксиз” сўзлар (*waste words)* кўп ишлатилганлиги учун ҳам жуда ҳам узун бўлиб кетяпти. Бу сўзларни “кераксиз” деб номланишига сабаб, улар ўзлари билан деярли ҳеч

қандай ахборот олиб келмайдилар. Кўпинча бундай сўзлар сарлавҳанинг тўғридан-тўғри бошида бўлади.

“Кераксиз” сўзларни қўшиш, сарлавҳани ахборотга бойроқ, қимматлироқ ва жиҳатлироқ қилмайди. Бизнинг фикримизча қуйидагича якун ясаш ва таъриф бериш мумкин: “Мақоланинг номланиши – бу мақола мазмунини етарлича тавсифлаб берадиган энг кам миқдордаги сўзлар комбинациясидир”.

Кириш (introduction) – Мақола ўқувчига тақдим этилган тадқиқотнинг натижаларини бошқа адабиёт манбаларга қўшимча равишда мурожаат этмасдан тушуниш ва баҳолаш имкониятини берувчи маълумотни ўз ичига олган – Кириш бўлимидан бошланади. Бундан ташқари, Кириш бўлимида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилиши керак. Кириш бўлимидаги маълумотлар “умумийдан хусусийга” тамойили асосида тузилиши лозим бўлади.

Кириш бўлими, лозим бўлган қуйидаги тўртта бўлинмалардан ташкил топиши керак:

1. Тадқиқот билан боғлиқ муаммони тавсифлаб бериш ёки илмий контекстни аниқлаш *(determination a context).*
2. Тадқиқот билан боғлиқ бўлган адабиётлар шарҳи *(reviewing the literature).*
3. Муаммодаги номутаносибликларни ёки ҳали амалга оширилмаган ишларни тавсифлаш *(determination a research gap).*
4. Тадқиқот мақсадларини келтириш (эҳтимол, вазифаларини ҳам – *stating the purpose).*

Мақола Кириш бўлимига яна қуйидаги иккита бўлинмаларни қўшиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: тадқиқот муҳимлигини баҳолаш *(evaluating the study)* ва нашр тузилишини қисқача тавсифлаш. Кўриниб турибдики, биринчи бўлинма энг умумий хусусиятга эга; энг хусусиятли маълумот 4-6 – бўлинмалардан жой олган.

Биринчи бўлинмада тақдим этилаётган тадқиқот қайси кенгроқ

муаммонинг қисми эканлигини кўрсатиб бериш керак. Қайси кенгроқ муаммонинг қисми эканлигини кўрсатиб бериш керак деганда нима тушунилишини тайёр технологиясини (рецептини) беришнинг иложи йўқ. Ўз мавзуингиз бўйича иложи борича кўпроқ мақолаларни ўқинг. Ушбу мақолаларнинг муаллифлари илмий контекстни қандай ёритиб бераётганлигига қаранг. Ушбу илмий контекстнинг очиқ ёки яширин кўринишдаги долзарблиги Сиз амалга оширган тадқиқотнинг долзарблигини аниқлаб беради. Агар муаммони аниқ ифодалашнинг иложи бўлмаса, ўқувчида уни ечишга бўлган қизиқиш уйғонмайди. Агар ўқувчилар муаммони тушунмасдан туриб мақолани охиригача ўқиб чиқадиган бўлсалар, уларда ҳаттоки муаммони катта муваффақият билан хал қилиш ҳам таассурот қолдирмайди. Бу жиҳатдан илмий мақола ёзишни оддий журнал ёки газета учун мақола ёзишга қиёслаш мумкин, бундай журнал ва газеталарда ўқувчилар матнни охиригача ўқишлари учун аввал уларни эътиборини тортиш усулларини эгаллаб олиш керак.

Иккинчи бўлинма бошқа тадчиқотчилар томонидан ушбу соҳада нима ишлар қилинганлиги ва қандай қилинганлиги шарҳларига бағишланган. Иккинчи бўлинманинг асосий қисми тадқиқотчиларнинг (шу жумладан ўзингизни ҳам) мақола ва китобларда, агар ўз тадқиқотингиз давомида уларга таянган бўлсангиз, нашр қилинганларни ёритиб беришдан иборат. Журнал мақоласининг адабиётлари шарҳида Сизнинг тадқиқотларингиз билан боғлиқ бўлган барча нашрларни кўрсатиб ўтишнинг иложи йўқ. Қандай мезонлар асосида Кириш бўлимининг бу қисмида келтириладиган адабиётларни танлаб олиш керак? Фақат ва фақат Сизнинг ишингизни англашга, тушуниб етишга, тадқиқот мақсадлари ва вазифалари, унинг фаразлари, қўллаган методларини асослашга хизмат қиладиган нашрларни кўрсатинг. Халқаро журналларнинг тақризчиларини ижобий баҳоларини олиш учун иқтибос келтирилаётган ишларни танловига синчковлик билан ва норасмий равишда ёндашишга тўғри келади. Агар тақризчи адабиётлар шарҳига у ёки бу нашрни киритишни сўраб туриб олса, баҳслашманг, уни

айтганини қилинг. Агар Сиз ўз мақолангиз учун тақризчиларни ўзингиз танлайдиган бўлсангиз, у ҳолда тақризчиларни нашрларини ҳавола этишни унутманг. Ушбу бўлинмада тадқиқот методини танловини, бошқа рақобатчи методлар ва улар томонидан олинган натижаларни солиштириб, асослаб бериш ўринли бўлади.

Кейинги (учинчи) бўлинмада Сиз ўқувчига адабиётлар шарҳлари тугаганлигини кўрсатасиз ва муҳим соҳани тавсифлаб берасиз, унда:

- муаммони ушбу жиҳати кўз остига олинмаганлиги, тушириб қолдирилганлиги ёки эътиборсиз қолганлиги сабабли тадқиқотлар ҳеч ким томонидан амалга оширилмаганлиги;
- турли тадқиқотчиларнинг натижалари, фаразлари ва хулосалари орасида зиддиятлар ёки келишмовчиликлар борлигини;
- тадқиқотларни, улар етарли бўлмаганлиги учун, давом эттириш ёки кенгайтириш кераклилигини кўрсатасиз.

Тўртинчи бўлинмада тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифалари қўйилади, улар кўпинча мақоланинг бошқа бўлимлари: Натижалар ва Муҳокама бўлимлари ёзилиши давомида бир-неча марта қайтадан қўйилади. Бу тадқиқотнинг мақсади ва вазифлари қўйилиши ва олинган натижалар ўзаро мувофиқ келишини таъминлаш зарурати билан боғлиқдир. Агар мақолани ёзиш мобайнида олинган натижаларни қайта кўриб чиқиш содир бўладиган бўлса, уларни талқин қилиш ҳам ўзгаради, натижада тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини қайтадан ёзишга тўғри келади. Кўпинча, уларни мақоланинг якуний матнидаги қўйилиши, тадқиқот бажарилаётган даврдаги қўйилишига жуда кам ўхшайди. Ҳатто бундай жараён учун махсус атама ҳам мавжуд – ретроспектив қалбакилаштириш. Қайсидир маънода бу хақиқатдан ҳам қалбакилаштириш ҳисобланади, чунки биз кўпинча аввал жавобларни (натижаларни) оламиз, шундан кейин саволни (мақсад ва вазифаларни) қўямиз, мақолада эса, худди биз аввал саволни қўйиб, шундан кейингина жавобни оладигандек келтирамиз. Бу ғализроқ эшитилиши мумкин, бироқ бу ерда ҳеч қандай қалбакилаштириш

йўқ. Ўқувчига тозаланган, бир-бирига мос келувчи якуний мақсад ва натижалар тақдим қилиш билан биз тадқиқот моҳиятини тушунишни енгиллаштирамиз ва ҳамкасбларни нашрда келтирилган ҳодисани тушунишга олиб келган қийинчиликларга кетадиган вақт сарфлаш заруратидан халос этамиз.

Юқоридагиларга қўшимча равишда мақола Сизнинг тор соҳангиз бўйича ишламайдиган мутахассислар томонидан ҳам ўқилиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик зарур.

Кириш қисми тор мутахассислик бўйича кейинги қисмларда ишлатиладиган атамалар ва қисқартмалар киритиш учун энг қулай жойдир.

Агар аввал мақолада келтирилаётган натижалар бўйича дастлабки хабарлар ёки тезислар нашр қилинган бўлса, у ҳолда бу тўғрида эслатиб қўйиш ва ҳавола бериш лозим бўлади. Агар бошқа журналга ушбу мақола билан чамбарчас боғланган мақола жўнатган бўлсангиз, бу тўғрида ҳам ўқувчиларга билдириш керак. Одатда бундай ҳаволалар Кириш бўлимининг охирида жойлаштирилади.

Одатда бошқа нашрларга энг кўп ҳаволалар Кириш бўлимида бўлади. Матнларда ҳаволаларни расмийлаштиришнинг бир-нечта усуллари мавжуд. Қайси усулни танлашни журнал ҳал қилади, муаллиф эмас. Бошиданоқ кераксиз ишни қилмаслик учун, журнални очиб ҳаволалар қандай расмийлаштирилганлигига қаранг. Агар тушунарсиз бўлса, муаллифлар учун талабларга ва эслатмаларга қараб чиқиш мумкин.

Аннотация (Abstract) – мақолани қисқартилган шаклидир. Аннотация кўрсатувчи, тавсифловчи ва маълумот берувчи шаклда ёзилиши мумкин.

Қўрсатувчи (Indicative) аннотацияда мақола матнида нима берилгани ва умумий ҳолатда нима ҳақида эканлиги ёзилади. Бундай шаклдаги аннотация монография, китоб бўлими ёки умумлаштирувчи қисқача маълумотлар учун ёзилади.

Структураланган (Structured) аннотация. Баъзи журналлар (ботаника

ихтисослиги ва медицина соҳаси бўйича) аннотацияни айнан шу шаклда ёзилишини талаб этади. Бунда аннотация кириш ва изланишлар мақсади, усул-услублар, олинган энг муҳим натижалар ва хулосалар каби бўлимчаларга алоҳида ажратилиб ёзилади.

Маълумот берувчи (Informative) аннотация қуйидаги саволларга жавоб бериши керак: Нима учун мазкур илмий иш бажарилди? Нималар қилинди ва қандай бажарилди? Нималар аниқланди? Тажриба натижалари нимани англатади?

Бу шаклда аннотация ёзиш қишлоқ хўжалиги бўйича деярли барча ихтисосликларга тегишлидир.

Кўпчилик ихтисослаштирилган журналлар талабларига кўра, аннотация 150-250 сўздан иборат бўлиб, қисқа ва яхлит абзац шаклида ёзилади. Мақола сарлавҳаси, жадвал, диаграмма, формула ва ҳаволалар аннотацияга киритилмайди.

Олинган янги маълумотлар ва аниқ сонли кўрсаткичлар киритилган ҳолда аннотация кучайтирилиши лозим.

Демак, аннотацияда бажарилган илмий иш асосланади, унинг мақсади, қўлланилган усул-услублар, олинган янги маълумотлар ва хулосалар қисқартирилган ҳолда келтирилади.

Калит сўзлар (кеу words) – ҳозирги вақтда калит сўзлар ихтиёрий резенцияланадиган журналда бўлиши шарт бўлган элемент бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзларни илмий мақолани қидириш тарзи деб аташ мумкин. Ўз мазмуни ва вазифасига кўра калит сўзлар тўплами аннотация (реферат)га, режага ёки конспектга яқин туради, чунки у ҳам тафсилотлари минималлаштирилган ҳужжат ҳисобланади, бироқ калит сўзлар тўплами синтаксис тузилмага эга эмас.

Барча библиографик маълумотлар базасида мақолаларни калит сўзлар ёрдамида излаш имконияти бўлади. Агар мақолангиз уни қизиқтирган ўқувчилар томонидан топилишини хоҳласангиз, асосий ҳолатлар,

эришилган ютуқлар, натижалар, қизиқ назарларини акс эттирувчи калит сўзлар рўйхатини тузишга вақтингизни аяманг.

Калит сўзларнинг вазифаси Сизнинг мақолангизни илмий адабиётнинг библиографик ва тўла матнли базаларида излашлар чоғида топилишини эҳтимоллигини оширишдан иборат. Бу эса ўз навбатида, калит сўзлар мақола номланишини ташкил этувчи сўзлар комбинациясидан фарқ қилиши керак демакдир. Калит сўзлар мақола номланишини тўлдириши, кенгайтириши ва ўзгача ифодалаши керак, шу билан бирга улар мақола мазмунига хос бўлиб қолишлари лозим. Улар тадқиқотингизни мақолани номланишида акс эттира олмаган муҳим ва ўзига хос жиҳатларини қамраб олиши керак. Бундан ташқари, калит сўзларга мақола номланишини ташкил этувчи сўзлар синонимлари ёки уларга маъно жиҳатдан яқин бўлган сўзларни киритиш мумкин.

Мақоланинг охирги бўлими – **адабиётлар рўйхатидир**. Адбиётлар рўйхатида фақат мақола матнида ҳавола қилинган барча манбалар келтирилади. Матнда ҳаволани келтириш қоидалари, шунингдек, манбалар рўйхатини қай тарзда шаклланиши журналларда фарқ қилади. Бу ерда муаллифлар учун эслатмаларда келтирилган тартибга риоя қилиш керак. Адабиётлар рўйхатини матн процессори ёрдамида тузиб чиқишга вақт ажратиш қатъий тавсия этилади. *Word*да бу бош менюнинг Ҳаволалар иловасида амалга оширилади. Ишда фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати ишнинг охирида жойлаштирилади. Адабиётлар библиографик баёнда қуйидаги изчилликда жойлаштирилади:

- қонунлар, меъёрий-услубий ҳужжатлар ва материаллар;
- мамлакатимизда ва чет элларда босилган илмий адабиётлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар, илмий брошюралар;
- ва ҳоказо);
- статистик, йўриқномавий материаллар ва ташкилотлар ва корхоналар;

- ҳисоботлари;
- интернет – ресурслар;
- ҳар бир бошланғич манбалар бўйича қуйидагилар кўрсатилади:
- муаллиф фамилияси, сўнгра унинг исми-шарифи;
- китоб номи;
- шаҳар номи;
- нашриёт номи;
- босилган йили.

Агар китоб муаллифлари уч ва ундан ортиқ кишилардан иборат бўлса, унда биринчи муаллифнинг фамилияси, исми-шарифини кўрсатиб, сўнгра “ва бошқалар” деб қўйиш ҳам мумкин.

Шаҳарлар номлари қисқартирмасдан бош келишикда ёзилади.

Москва, Ленинград, Санкт-Петербург ва Тошкент каби шаҳарлар номларини қисқартириб ёзиш мумкин: Москва – М., Ленинград – Л., Санкт-Петербург – СП., Тошкент – Т. Агар китоб икки шаҳарда босилган бўлса, унда иккаласи ҳам ёзилади, масалан, М., Л.

Агар китобни икки нашриёт чиқарган бўлса, унда ҳар иккала нашриёт номи ҳам ёзилади, масалан: – Т.: “Фан”, “Экономика”.

Даврий матбуот ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи;
- мақола номи;
- журнал ёки газета номи;
- серия номи;
- журнал ёки газетанинг босилган йили;
- журнал ёки газета жилди ва рақами;
- саҳифа рақами.

Илмий изланиш ҳисоботларини баён қилишда қуйидагилар кўрсатилади: ҳисобот номи (сўнгра, қавс ичида “ҳисобот” сўзи ёзилади); ҳисоботни чиқарган ташкилотнинг шифри, инвентар рақами, номи, илмий раҳбарнинг фамилияси, исми-шарифи, ҳисоботнинг чиқарилган жойи, йили

ва саҳифалари сони.

Мисол:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бевосита соф хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Тошкент, 2005 йил 15 апрель. – www.press-service.uz .

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси – Т.: Юридик адабиётлар, 1997.

Березин И. Маркетинговый анализ. – М.: ООО Журнал, “Управление персоналом”, 2004.

Мировая экономика: Учебник / Под ред. А.С. Булатова. – М.: Юристъ, 2006.

Смирнова Е.В. Рейтинг конкурентоспособности стран мира в 2002 году. // Внешнеэкономический бюллетень, 2003. - № 5. – С. 3-9.

Лизинговые операции: Потребность превышает предложение // ББВ от 24 марта 2005 г. - №12, – С.8. www.uzbekleasing.com

ТАҚРИЗЛАШ ТАОМИЛИ (ПРОЦЕДУРАСИ)НИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Тақризлаш – бу илмий мақолалар, монографиялар қўлёзмаларни нашр қилингунга қадар шу соҳадаги мутахассис олимлар томонидан танқидий кўриб чиқишдир (шундан баъзи тиллардаги “ҳамкасблар”, “тенглар томонидан кўриб чиқиш” каби номлар: ингл. *peer review,* исп. *revisidn por pares).*

Тақризлаш мақсади – муаллиф томонидан илм-фаннинг маълум бир соҳасида ёки илм-фаннинг ўзида қабул қилинган стандартларга амал қилинаётганлигига амин бўлиш ва зарурати туғилганда мажбурлашдир. Тақризлаш нашриётлар томонидан тақдим этилган қўлёзмаларни саралаш ва баҳолаш учун ишлатилади. Тақризлаш таомили биринчи марта 1731 йили

«Medical Essays and Observations» журналини нашрга тайёрлашда, биринчи илмий журнал *«Philosophical Transactions»*га ҳам асос солган Генри Ольденбург томонидан қўлланилган.

Ҳозирги тақризлаш тамоили ушбу 18 аср жараёни асосида ривожланган. Бироқ, қўлёзмаларни нашр қилишдан олдин тақризлаш умумқабул қилинган амалиётга фақатгина 20 асрнинг ўрталарига келиб айланган. Масалан, физикада мўъжизалар йили, *«Annus Mirabilis»,* деб аталган 1905 йили, *«Annalen der Physik»* журналида Альберт Эйнштейннинг нашр қилинишидан олдин расман тақризланмаган мақолалари чиққан, ва улар фақат Макс Планк (журналнинг бош муҳаррири) Вильхельм Виен (иккаласи ҳам Нобел мукофоти лауреатлари) томонидангина ўқиб чиқилган.

Сўнгги пайтларда тақризлаш тизимини, очиқ, маъносиз, бироқ сохта фан тилида ёзилган асарлар тақдим этиш орқали синаб кўришга ҳаракат қилиш ҳоллари пайдо бўлди.

ТАҚРИЗДАН ЎТИШ

Мақола қўлёзмаси таҳририятга келиб тушганда, журнал муҳаррири бир нечта дастлабки қарорлар қабул қилади. Биринчидан, қўлёзма мавзуси журнал тематикаси билан тўғри келадими? Агар мавзу тўғри келмаса, муаллифга зудлик билан мавзу тўғри келмаганлиги сабабли қўлёзмани нашр қилиш рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Бундай рад этиш битта нарсани, Сиз журнални нотўғри танлаганингизни билдиради. Қўлёзмани бошқа журналга юбориш лозим бўлади, лекин жўнатишдан олдин мақола бошқа журналнинг расмий талабларига мувофиқ келишини текширишни унутманг. Тақдим этилаётган мақоланинг мавзуси журнал тематикасига мувофиқ келса, муҳаррир ўз-ўзидан “қўлёзма талабларга мувофиқ равишда тайёрланганми, қўлёзма тўғри чиқарилганми, барча жадваллар ва расмлар киритилганми, адабиётлар рўйхати тўғри тузилганми...” ва ҳоказоларни ўрганади. Агар жавоб йўқ

бўлса, унда қўлёзма яна рад этилади. Қўлёзмани тузатишлар киритмасдан бошқатдан нашрга тақдим этишга ҳаракат қилишга арзимайди, буни муҳаррир жуда яхши билади, бироқ уни нашрга қабул қилишга мажбур қила олмайди.

Шундан сўнг муҳаррир қўлёзмани ким тақриздан ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Журналларнинг кўпчилигида қўлёзма иккита тақризчи томонидан кўриб чиқилади, яна кўплари муаллифлардан қўлёзманинг беш-олти потенциал тақризчилари номларидан иборат рўйхат тайёрлаб беришни сўрайдилар. Бошқа вариантда тақризчилар муҳаррир томонидан таҳририят кенгаши яъзолари қаторидан ёки Сизнинг соҳангизда ишлайдиган ва қўлёзмага тақриз ёзиб беришга рози бўладиган мутахассислардан танлаб олинади. Муаллифларнинг аксарият қисми тақризчилар томонидан берилган фикр-мулоҳазалар мақолани жиддий яхшилаш имконини беришини тан оладилар, гарчи фикр-мулоҳазалар билан дастлабки танишув салбий эҳтиросларни келтириб чиқарса ҳам. Кейинги ўрганиб чиқишлар муаллифларни, мақолани яхшироқ бўлиши учун катта ишни амалга оширганлари учун тақризчилардан миннатдор бўлиш керак деган тушунчага олиб келади.

Тақризчиларни хулосаларини олгач, муҳаррир қўлёзмани тақдирини ҳал қилади. Агар иккала тақризчи ҳам қўлёзмани тузатишларсиз ёки майда тузатишлар киритган ҳолда нашр қилишга яроқли деб эътироф этсалар, у ҳолда муҳаррирни, шубхасиз, мақолани нашр қилишга қарор қилишдан бошқа иложи қолмайди ва муаллифга тегишла хат юборилади.

Афсуски, кўпчилик ҳолатларда тақризчилар бунақа якдил эмаслар. Бундай ҳолатларда муҳаррир қарорни мустақил равишда қабул қилади ёки қўлёзмани учинчи тақризчига юборади. Биринчи ҳолат, агар муҳаррирнинг ўзи мақола мавзусини яхши билса, ўрингa эга бўлади. Иккинчи ҳолат кўп вақт олади ва бу йўлни тайёргарлиги унча яхши бўлмаган муҳаррирлар танлайдилар. Қўлёзмани нашр этиш ёки этмаслик тўғрисидаги қарорни муҳаррирни ўзи қабул қилади, таҳририят аъзолари ва ташқи тақризчилар

тавсия берадилар холос. Одатда бу қўлёзма жўнатилгандан кейин беш-олти ҳафта ичида рўй беради. Агар саккиз ҳафта ичида ҳам ҳеч қандай ҳабар келмаса, ҳижолат тортмасдан таҳририятга хат ёзишингиз мумкин.

Бош муҳаррир томонидан қарор қабул қилишнинг тўртта варианти бор:

- қабул қилиш *(to unconditionally accept or accept with minor revision);*
- ўзгартиришлар киритиш шарти билан қабул қилиш *(to accept it in the event that itsauthors modify it in certain ways);*
- *рад этиш, бироқ қўлёзмани кўриб чиқиб, қайта тақдим этишни тавсия қилиш* (to reject it, but encourage revision and invite resubmission)*;*
- сўзсиз рад этиш *(to reject it outright).*

Агар Сиз таҳририятдан, *"your manuscript has been accepted for publication"* деб ёзилганга ўхшаш хат оладиган бўлсангиз, ўзингиз билан фахрланишингиз мумкин, чунки табиий фанлар йўналишидаги қўлёзмаларнинг атиги 5 фоиз нашрга шундай сўзлар билан қабул қилинади.

Сизнинг иккинчи ёки учинчи турдаги хабарни олишингиз энг кутиларли натижа бўлади. Агар бош муҳаррирнинг хатида *«your manuscript has been reviewed and it is being returned to you with the attached comments and suggestions. We believe that these comments will help you to improve your manuscript»* деб ёзилгн бўлса, бу тақдим этилган қўлёзма унчалик ҳам ёмон эмаслигини, тақризчилар томонидан таклиф этилган ўзгартиришлар киритилса журналда нашр қилиниши мумкинлигини билдиради.

Тақризчиларнинг хулосаларини диққат билан (эҳтиросларсиз) ўқиб чиқинг. Матнни таклиф қилинганидек ўзгартиришни бажара оласизми ва хоҳлайсизми? Тушунишга ҳаракат қилинг. Агар тақризчиларнинг фикр-мулоҳазалари бир жойдан чиқса, демак муаммонинг мавжудлиги аниқ. Тақризчиларнинг биттаси қўлёзма тўғрисида нотўғри фикрда бўлиши мумкин, бироқ уларнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида холис бўлмаслиги камдан-кам бўладиган ҳодисадир (агар Сиз ўзингиз, мақолангиз

учун потенциал тақризчилар рўйхатини тайёрлаётиб, уларни танламаган бўлсангиз).

Агар Сизга иккала тақризчи ҳам мақола матнини умуман олганда нотўғри тушунгандек туюлса, ҳойнаҳой худди шу нарса ўқувчилар билан ҳам рўй беради, чунки Сиз мақолани етарлича тушунарли қилиб ёзмагансиз. Қўлёзмани шу журнални ўзига ёки бошқасига жўнатишдан олдин, матнни қайта ёзинг ёки қўлёзмани ҳам бошдан-оёқ қайта ишлаб чиқинг. Агар тақризчилар томонидан таклиф этилган ўзгартиришлар кўп бўлмаса ва моҳиятни ўзгартирмаса, уларни тезлик билан бажаринг. Агар тақризчилар жиддий ўзгартиришлар киритишда қатъий туриб олсалар, ишни яна бир марта янги назар билан қараб чиқиш керак. Бу ерда учта вариант бор.

Биринчиси – тақризчилар ҳақ, у ҳолда қўлёзма уларнинг фикр-мулоҳазаларига мувофиқ қайта ёзилиши керак.

Иккинчиси – тақризчилар фикр-мулоҳазаларининг баъзилари тўғри. У ҳолда қўлёзма таклиф қилинаётган фикр-мулоҳазаларнинг Сизга адолатли бўлиб туюлаётганларига мувофиқ қайта ёзилиши керак. Бошқа тавсиялар бўйича, тақризчиларни эътирозларини бартарф этиш учун бевосита ёзилган илова хатида тушунтириш беришга ёки билвосита, матнга ўзгартиришлар киритишга тўғри келади. Агар, Сизнинг фикрингиз бўйича, тақризчиларнинг фикр-мулоҳазалари матнни нотўғри тушуниш туфайли пайдо бўлаётган бўлса, матнни шундай ўзгартирингки, уни тақризчилар (ўқувчилар ҳам) тўғри тушунишсин.

Учинчи вариантда қўлёзмани танқид қилаётган ва уни жиддий ўзгартириш керак деб туриб олган иккала тақризчи ҳам ноҳақ эканлигига аминсиз. У ҳолда қўлёзмани олиб, бошқа журналга юбориш керак ва у ерда қўлёзмани тушунадиган тақризчилар томонидан кўриб чиқилишига ва адолатли баҳоланишига умид қилиш керак бўлади. Агар Сизда қўлёзмани айнан шу кўринишида ва айнан ушбу журналда нашр этишнинг қаттиқ истаги ёки зарурати бўлса, унда бош муҳаррир билан хат ёзишиб алоқа қилишга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Мақолани нашр этиш учун яна бир

марта тақдим этинг ва уни нима учун тақризчилар фикри билан қўшила олмаслигингизни тушунтириб муҳаррир номига ёзган хатингиз билан бирга жўнатинг.

Ҳар бир тақризчининг фикр-мулоҳазаларини алоҳида кўриб чиқинг. Эсда тутинг – бош муҳаррир ҳам мутахассис ва у имконияти борича Сизнинг мақолангизни нашр қилиш мумкинлиги бўйича илмий асосланган қарор қабул қилишга ҳаракат қилади. Агар Сизнинг тақризчилар шарҳлари бўйича асоссиз норозилигингиз бўлса, ишонинг, Сизни қўлёзмангиз бу журналда ҳеч қачон нашр қилинмайди. Бошқа томондан олиб қаралса, ҳар бир муҳаррир тақризчилар хато қилиши мумкинлигини билади. Агар Сиз эпитетларсиз ва эҳтиросларсиз тақризчиларнинг хатоси нимадан иборат эканлигини тушунтириб берсангиз, эҳтимол муҳаррир қўлёзмани бошқа тақризчиларга юборар ёки Сизни фикрингизга қўшилар.

Агар қўлёзмага тақризчиларнинг фикр-мулоҳзаларига мувофиқ тузатишлар киритишга қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда муҳаррир томонидан белгиланган муддатларга қатъий риоя қилинг.

Фараз қилайлик, қўлёзма рад этилди ва Сиз тақдим этилган қўлёзма тўғри келмаслиги тўғрисида *(unacceptable in this journal)*, ёки умуман тўғри келмаслиги (*unacceptable)* тўғрисида хат олдингиз. Жиддий журналларга тақдим этилаётган қўлёзмаларнинг ярми нашр учун қабул қилинмаслигини эсланг. Кейин хатни диққат билан ўқиб чиқинг, чунки қўлёзмаларни рад этишнинг турли хиллари бор.

Биринчи хилдаги рад этишда одатда иш нашр қилиниши мумкинлиги, бироқ тажрибанинг камчиликлари (масалан, ёмон назорат) ёки матнда катта нуқсон қўлёзмани тақдим этилган кўринишида эълон қилишга монеълик қилиши ёзилади. Агар Сиз шундай мазмундаги рад этиш хабарини олсангиз, тажрибани ёки матнни (графикларни, жадвалларни) тақризчилар фикр-мулоҳазаларида кўрсатилганидек ўзгартириб, шу асосда қўлёзмани қайта ишлаб шу журналнинг ўзига бошқатдан жўнатса бўлади. Агар Сиз, муҳаррир кўрсатганидек, назорат тажрибалари тўғрисида маълумотларни

қўша олсангиз, улар қабул қилинса керак. Кўпчилик муҳаррирлар мақолаларни тажрибалардаги камчиликлар туфайли рад этадилар, гарчи ҳамма камчиликлар қўлёзмадаги маълумотларни тақдим этишни ўзгартириш билан бартараф этилиши мумкин. Шунингдек, барча тавсия этилаётган ўзгартиришларни киритиш, муҳокамани бутунлай бошқатдан ёзиш ёки тўла миқёсли оригинал мақолани қисқа хабарга *(a note)* айлантириш мумкин, шунда у муҳаррир томонидан қабул қилинади.

Рад этишнинг иккинчи тури қўлёзма умуман тўғри келмаслигини билдиради. Агар рад этиш тўғрисидаги хабар шундай маънога эга бўлса (албатта, бундай қўпол ва кескин шаклда бўлмаса керак), у ҳолда бахслашиш ва дастлабки материални бошқатдан жўнатишнинг фойдаси йўқ. Тақризчилар тавсияларига мувофиқ қўлёзмани қайта ёзишдан ва уни бошқа журналга жўнатишдан олдин, уни ақл билан баҳолашга ҳаракат қилинг. Балки иш шунчалик ёмондирки, яхшиси уни ҳеч қаерга юбормаган маъқул, чунки у Сизнинг обрўйингизга путур етказиши мумкин. Агар қўлёзмада бошқа тадқиқотларнинг натижалари билан бирлаштириб, қутқариб қолиш мумкин бўлган қисмлар бўлса, унда шундай қилинг ва қўлёзмани бошқа журналга беринг.

Баъзида иккинчи турдаги рад этиш ҳолатида муҳаррирнинг хатида мақолада қимматли илмий маълумот борлиги, бироқ қўлёзмада мавжуд бўлган жиддий камчиликлар уни нашр учун умуман олганда тўғри келмайдиган қилиб қўйганлиги ёзилган бўлиши мумкин. Бу қайта ёзилган қўлёзмани бошқатдан нашрга тақдим қилиш тавсия этилмаслигини билдиради, чунки одатда муҳаррир қўлёзма жиддий қайта ишлангандан кейин ҳам ушбу журналда нашр этилиши тўғри эмас деб ҳисоблайди.

Тузатишлардан кейин қўлёзмани ушбу журналга қайтадан тақдим этишингиз мумкин, агар Сизда тақризчилар ўз баҳоларида хато қилганликларига бош муҳаррирни ишонтиришга етарли асосингиз бўлса. Сизнинг ҳақлигингизни исботловчи қўшима маълумотлар олингунча қўлёзмани ушлаб туриш мумкин ва Сиз янада кўпроқ асосланган хулосалар

ёзишингиз мумкин бўлади. Бундай “янги” қўлёзмани қайта тақдим этишда илова хатида албатта биринчи вариантга ҳавола этиш ва қисқача қандай янги натижалар олинганлигини баён қилиш лозим бўлади.

Тақризлаш процедурасидан ўтиш мобайнида энг муҳими муҳаррир Сиз ва тақризчилар ўртасидаги воситачи эканлигини эсда тутиш лозим. Агар Сиз қўёзмангизни асосланган ва конструктив равишда ҳимоя қилсангиз, унда Сизнинг кўпчилик қўлёзмаларингиз нашр учун қабул қилинади.

ТАНЛАНГАН ЖУРНАЛГА МАҚОЛАНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Мақолани нашр этиш учун тўғри журнал танлаш жуда ҳам муҳим. Қўлёзмани тўғри тақдим этиш бундан ҳам муҳимроқ. Агар Сиз унисини ёки бунисини танлашда хатога йўл қўйсангиз, қўлёзмангиз нашрини узоқ вақт ушлаб қолишингиз мумкин ёки у йўқолиб кетади.

Журнал учун жавоб бериш ва мақолалар қўлёзмаларини нашр қилиш бўйича якуний хулоса қабул қилиш – бош муҳаррир томонидан амалга оширилади. Унга бу масалада бир ёки бир-нечта техник муҳаррирлар ёрдам беради. Бундан ташқари, таҳририят кенгаши аъзолари – қўлёзмани кўриб чиқадиган ва уни нашр этишга тавсия этадиган ёки этмайдиган мутасаддилар бор.

МУҲОКАМА (DISCUSSION) ВА ХУЛОСАЛАР

Мақола ёзишдаги қийинчиликлардан яна бири, қаерда натижаларни баён қилиш тугаганлигини ва муҳокама қилиш бошланганлиги аниқлашдан иборатдир. Муҳокама бўлими мақолани ёзиш учун энг қийин бўлган бўлимидир. Фактлар билан ишлайдиган Натижалар бўлимидан фарқли ўлароқ, Муҳокама бўлими – бу олинган фактлар тўғрисидаги ғоялар, фаразлар, ўз натижаларини бошқа муаллифлар натижалари билан

солиштиришдир. Бир томондан Муҳокама бўлими назарий, умумлаштирувчи, абстракт, умумий муаммо билан бир бутун бўлиши керак. Иккинчи томондан эса, ушбу бўлим воқеи (реал) дунё билан узвий боғланган, чунки унда олинган натижаларни муҳимлиги ва келажакда қўлланиши ёритиб берилади. Журналлар муҳаррирлари кўпгина мақолаларни айнан ёмон ёзилган натижалар муҳокамаси учун қабул қилмайдилар, гарчи олинган натижаларнинг ўзи қизиқарли ва яхши тақдим этилган бўлса ҳам. Бундан ташқари, натижаларнинг ҳақиқий аҳамияти нотўғри талқин туфайли умуман яширинган ҳолда бўлиши мумкин, бу ҳам мақолани нашр қилишни рад этишга олиб келади. Кўпинча Муҳокама бўлими ўта чўзилиб кетган ва кераксиз сўзлар кўп бўлади, бу муаллифнинг ўз натижаларига ва уларнинг талқинига ишончсизлигидан далолат беради.

Муҳокамада сиз Методлар ва Натижалар бўлимларининг хусусий маълумотларидан натижаларнинг умумий талқинига қараб ҳаракат қиласиз. Шундай қилиб, муҳокамада ғояларни тузилиши хусусийдан-умумийга тарзида бўлади. Муҳокамада:

- умумий натижаларни, улар текширилаётган фаразни қўллаб-қувватлаши ёки рад этиши, бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларига мувофиқ ёки зид келишидан қатъий назар, санаб ўтиш;
- натижаларни умумийлаштириш;
- натижаларни бошқа тадқиқотчилар маълумотлари билан солиштириш;
- бошқа тадқиқотчилар билан ўхшаш ва зид томонларни бўлиши мумкин бўлган асосларини келтириш;
- тадқиқотнинг мақсади ва фаразини эслатиш;
- олинган натижалар тадқиқотнинг фаразига мувофиқ келишини муҳокама қилиш;
- тадқиқот ва унинг натижалари чекловларини кўрсатиш;
- амалий қўллашни таклиф этиш;
- келажакдаги тадқиқотлар бўйича таклифлар бериш мумкин.

Бироқ, Муҳокама бўлимида ёзилиши мумкин бўлган нарсалар ушбу рўйхат билан якун топмайди. Бу бўлим Сизнинг ўй ва фикрларингизни ёзиш учун энг муносиб жой. Бу ерда бошқа тадқиқотчилар билан баҳслашиш, янги назарияларни таклиф қилиш мумкин. Агар киришда фараз келтирилган бўлса, муҳокамада ушбу фараз тасдиқландими ёки йўқми кўрсатиш керак бўлади. Кириш қисмида қўйилган мақсадлар натижаларга эришилганлиги ва вазифалар бажарилганлигини муҳокама қилинг.

Муҳокамадан кейин, одатда, ишнинг мақсадларига мувофиқ келувчи хулосалар берилади.

ИЛМИЙ НАШРЛАР ХАЛҚАРО ТИЗИМИ

Илмий нашрлар – бу оммавий ёки илмий-оммабоп журналда чиқадиган илм-фан тўғрисидаги ёки илмий мавзуга бағишланган мақола эмас. Илмий адабиёт ёки илмий нашр бу назарий ёки амалий тадқиқотлар натижаларини баён қилиш, шунингдек, уларни умумлаштириш ёки мақолаларда, монографияларда кенг ёритишдан иборатдир. Энг аввало, илмий тадқиқотчи, изланувчилар учун мўлжалланган дир. Мақолалар йўналишлар бўйича илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган илмий журналларда нашр қилинади. Замонавий илмий нашрлар учун қуйидаги жиҳатлар хосдир.

- Тадқиқотлар тўғрисидаги маълумот, ахборот ва ҳисоботлар акс эттирилган белгиланган форматда ёзилган: кириш, методлар, натижалар ва муҳокама *(IMRAD format).*
- Мақолалар матнида бошқа илмий ишларга қилинган ҳаволаларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган, шу туфайли ўқувчи мустақил равишда ҳавола қилинган ишни қидириб топиш имконияти мавжуд бўлиши мумкин *(references, citations).*
- Мақолаларда, уларнинг матнида тасвирлар, жадваллар, диаграммалар, моделлар, мантиқий-структуравий схемалар ва ҳ.к.дан

фойдаланилади (tables,charts, schematic, diagrams, graphs, line-drawings, images).

- Илмий изланиш натижалари қандай олинганлиги (методик, назарий кўрсатмалар, мулоҳазалар, маълумотларни статистик таҳлили) ва мақолаларда келтирилган хулосаларга муаллифлар қандай қилиб эришганликлари кенг ёритилган бўлади *(methods, materials)*.
- Рецензиялаштирилган журналларда нашр қилинган илмий ишлар энг нуфузли ҳисобланади. Бундай журналларда мақола қўлёзмалари камида икки мутахассис (тақризчи) томонидан танқидий кўриб чиқилгандан ва маъқулланган кейингина нашр қилинади.

Нашрлар домий равишда, ҳеч қандай чекловларсиз, очиқ танишиш имконияти ҳолатида бўлади *(permanent available for public).*

ХАЛҚОРО ИЛМИЙ НАШРЛАР ТИЗИМИДА БИБЛИОМЕТРИК (ИЛМОМЕТРИК) КЎРСАТИКИЧЛАР: ИЛМИЙ ИҚТИБОСЛАШ ИНДЕКСИ ВА ИМПАКТ-ОМИЛ

Ҳеч ким ҳозирги пайтда бутун дунёда нечта илмий-методик, илмий-техник журнал чиқаётганлигини аниқ билмайди. Баъзи маълумотларга кўра 50 минг атрофида, бошқа маълумотларга кўра эса – ҳатто 100 мингдан ортиқ. Ундан ҳам қийинроғи, ҳар йили журналларда қанча мақолалар нашр этилади, эҳтимол бу ерда гап миллионлар тўғрисида бориши мумкин. Мақолалар ҳам, журналлар ҳам нафақат тематик тегишлилиги ва нашр тили билан балки улар ўзларининг илм-фан ривожланишига кўрсатаётган таъсири билан ҳам фарқланади.

1960 йили Илмий маълумотлар институти *(Institute for Scientific Information, ISI)* асосчиси Южин Гарфилд (*Eugene Garfield)* аниқ ва табиий фанлар бўйича биринчи илмий иқтибослар индексини *(Science Citation Index)* киритди (ҳаволалар сони) ва уни илмий нашрнинг нуфузини кўрсаткичи сифатида ишлатишни таклиф қилди. 1975 йили Южин Гарфилд

“Science Citation Index” журналига илова сифатида *“Journal Citation Reports”* янги журналини нашр қилишни бошлади, ушбу журналда илмий журналларнинг нуфузини қуйидаги формула билан ҳисобланадиган кўрсаткич билан баҳолаш таклиф қилинди

$$IF = A/B,$$

Бу ерда А –жорий йилдаги нашрларда ўтган икки йил мобайнида журналда чоп этилган мақолаларга қилинган ҳаволалар сони, В – ўтган икки йил мобайнида журналда чоп этилган барча мақолалар сони. Кўрсаткични *“impact factor” (IF,* импакт-омил, ИФ) деб номлаш таклиф қилинган, у “таъсир омили” деб таржима қилиниши мумкин. Кўрсаткич ушбу журналда чоп этилган мақолаларга бошқа журналларда нашр этилган мақолаларда қанчалик кўп ҳавола қилинаётганлигини баҳолайди. Ҳаволаларнинг абсолют сонига қарама-қарши ўлароқ, таклиф этилган метод маълум маънода ёш ва кекса (журналнинг бутун тарихи давомидаги эмас, фақат охирги икки йил ичидаги мақолаларига ҳаволалар ҳисобга олинади), йирик ва кичик журналларни имкониятларини тенглаштириб қўяди, чунки моҳияти жиҳатидан импакт – омил бу битта мақолага бўлган ҳаволаларнинг ўртача сони бўлиб, чиқарувдаги мақолалар сони ва нашриётнинг даврийлигига боғлиқ эмас.

Нашр қилинган мақолалар ҳисобга олинаётганда фақат оригинал тадқиқотлар тўғрисидаги мақолалар ва тавсифловчи мақолалар ҳисобга олинади.

“Front matter” (илм-фаннинг энг олдинги қаторларида) ва/ёки *“news and views”* (янгилик ва фикрлар) туридаги *Nature Science, Journal of the American Medical Association, the British Medical Journal, The Lancet* каби ва бошқа баъзи журналларда учрайдиган мақолалар ҳисобга олинмайди. Таҳририятга келган хато ва камчиликларни тузатиш ва бошқа шунга ўхшаш нашрлар ҳам ҳисобга олинмайди, барча нашрлардаги ҳаволалар эса, уларнинг туридан қатъий назар, ҳисобга олинади. Бироқ формуладаги суратда йил давомидаги ҳаволалар сони эмас, балки узунроқ вақт

оралиғидаги сони бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда импакт-омилнинг 3, 5, 7 йиллик қийматлари олинади.

Ҳозирги пайтда илмий изланувчининг тадқиқотлари нуфузини, мақола ва журналларнинг таъсирчанлигини, ҳудуднинг ва мамлакатнинг илмий фаоллигини миқдорий баҳолаш учун нашрлар сони, ҳаволаларнинг умумий сони, иқтибослаш индекси, дарҳол иқтибослаш индекси, мақолаларнинг ярим ҳаёти вақти, библиометрик кўрсаткичларнинг бутун бир комплекси ишлатилмоқда. Айнан ушбу маълумотлар бўйича мамлакатдаги илм-фаннинг ҳолати ва уни ривожлантиришга қўшилган ҳисса баҳоси тўғрисида хулосалар чиқарилади. Кўплаб камчиликларига қарамасдан, айнан импакт омил (ИО) ва иқтибослаш индекслари охирги йилларда алоҳида эътиборга эга бўлди. Улар ёрдамида журналларнинг даражаси, уларда чоп этилган мақолаларнинг сифати баҳоланади, тадқиқотчиларга молиявий кўмак берилади ва ходимлар ишга қабул қилинади. Бу биринчи навбат “ғарб” илмий ҳамжамитига тааллуқлидир.

Мақолани иқтибослаш сони, амалда, ҳар доим ҳам унда келтирилган тадқиқотнинг сифатини акс эттиравермайди, худди шунингдек, нашрлар сони – тадқиқотчининг ҳиссасини акс эттирмаганидек. Иккала кўрсаткич ҳам тадқиқот соҳаси, журнал ва нашр турига боғлиқ. Масалан, энг катта иқтибослаш индексига тавсифловчи ва методик мақолалар эга, журналлар рейтингида эса энг баланд ўринларда предметлараро ва биомедицина нашриётлари туради. Импакт-омилни ҳисоблашдаги вақт оралиғи (икки йил) жуда ҳам қисқа, чунки энг муҳим ёки классик нашрларга, нашр этилгандан кейин ҳатто бир-неча ўн йилликлардан кейин ҳам кўплаб иқтибослар келтирилаверилади, бинобарин бундай иқтибослар импакт-омилни ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Бошқа томондан олиб қараладиган бўлинса, иқтибослар ҳисобга олинадиган давр оралиғини узайтирилиши импакт-омилни ўзгаришларга сезгирлигини камайтириб қўяди. Бундан ташқари, узоқ вақтдан бери нашр этилиб келинаётган журналларда шундай мақолалар борки, уларда ҳавола қилинаётган

мақолалар уч йиллик вақт оралиғида ётмайди.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда ИО – илмий тадқиқотларни даражасини солиштириш мумкин бўлган расмий меъзонлардан бири деб тан олинган. Бундай ёндашув ИОси юқори бўлган журналлар одатда ИОси паст бўлган журналларга нисбатан қаттиққўлроқ бўлган тақризлаш тизими билан хусусиятланишига асосланади (шубҳасиз, истиснолар ҳам бўлиб туради).

Тадқиқотни ўзини бир четга суриб қўйиб, мақола ёзиш ёки қўлёзма тайёрлаш жараёнини муҳокама қиламиз. Сиз мақолани бевосита инглиз тилида, рус тилида ёки ўзбек тилида ёзаётган бўлсангиз, уни инглиз тилига таржима қилиш учун қуйидагиларни назарда тутиш керак:

1. Халқаро журналдаги мақола турли хил давлатлардаги профессионал тадқиқотчиларга мўлжалланган. Сизнинг мақсадингиз мақолани шундай ёзишки, ўқувчилар (муштарийлар) уни ўқисинлар ва тушинсинлар ҳамда ишингизни муносиб баҳоласинлар. Шунинг учун мақола илмий нашрлар учун умумқабул қилинган шаклга мувофиқ тузилган бўлиши ва тадқиқотчиларнинг халқаро ҳамжамияти тушунадиган тилда, яъни илм-фаннинг ушбу соҳасида қабул қилинган атамалар ишлатилган ҳолда ёзилган бўлиши керак. Илм-фанннинг барча соҳалари ўзининг тор йўналишдаги махсус атамалар тўплами, шунингдек, бутун фан ва тилга доир сўзларни ишлатиш анъанасига эга бўлади. Тадқиқотчи сифатида ва ўз матнингиз муаллифи сифатида, ўзингизни атамаларингизни ўйлаб топиш ва таклиф қилиш ҳуқуқига эгасиз, лекин буни фақат бундай атама йўқлигига уни таклиф қилишдан олдин ишонч ҳосил қилгандан кейингина амалга оширишингиз лозим. Хорижий тилда мақола нашр қилаётганда янги атамаларни ишлаб чиқаришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Ўша тилда сўзлашувчи мутахассис билан маслаҳатлашилса яхши бўлади.

2. Илм-фан ягонадир ва унинг миллати йўқ, бу биринчи навбатда аниқ ва табиий фанлар учун, камроқ даражада гуманитар фанлар учун тўғридир. Бироқ, коммуникация воситаларининг охирги ютуқларига қарамасдан, турли мамлакатлар олимларининг ахборот билан

таъминланганлик даражасида ҳали ҳам сезирларли фарқ бор. Замонавий алоқа воситалари турли мамлакатлар олимларининг нашрлари билан барчага деярли бир хил даражада танишишга имконият яратиб қўйди, лекин турли мамлакат олимларининг бу тадқиқотлари турли даражада ўқилади, бунга сабабалардан бири одамлрнинг турли тилларда сўзлашишидир. Агар бирорта мақола ўз мамлакати олимлари томонидан кенг иқтибос қилингани билан бу ушбу мақола хорижда ҳам машҳур дегани эмас. Ушбу ҳолатдан чиқишнинг энг тўғри йўли – матнни шундай ёзиш керакки, маҳаллий ва хориж илмий тадқиқотчилар ишлари ва ёндашувларини бирлаштириш, шу орқали хориж тадқиқотчиларини миллий олимлар ишларини ўқишга туртки бериш бўлади.

Агар сиз матнни ўзбек ёки рус тилида ёзиб, кейин уни таржимонга бермоқчи бўлсангиз, унда мақолани шундай ёзиш керакки, мақола яхши таржима қилина олиши, шундан кейин эса яхши таржимон топиш муҳимдир. Муаллиф томонидан таржима қилинмайдиган мақолаларни ёзиш бўйича умумий тавсиялар қуйидагилардир:

- Иложи борича оддий қилиб ёзинг. Матнни чиройи учун соддалигини қурбон қилманг! Аниқроқ қилиб айтганда, бу ҳолатда энг чиройли матн – бу энг оддийси ва тушунарлисидир.
- Киноя, қочирим, мажоз ва бошқа адабий усулларни қўлламанг. Улар ўқувчини моҳиятдан чалғитади ва таржима қилиш учун мураккаб бўлади.
- Узун гаплар тузишдан қочинг (битта гапда битта тугалланган фикр). Ноаниқликлардан қочиш мақсадида таржимон, ҳойнаҳой, узун гапларни барибир калталарига бўлади.
- Тасвирий мисоллар (иллюстрациялар)ни иложи борича кўпроқ келтиринг.
- Атамаларни ишлатишда аниқ бўлинг ва иложи борича кўпроқ атамаларни ўзингиз таржима қилинг.
- Янги атама ва қисқартма сўзларни энг зарурий ҳолатда

киритинг. Агар янги атама киритсангиз уни аниқ таърифини беринг.

- Формулаларда умумқабул қилинган белгилашларга риоя қилинг.
- Матнни тизимланг – кичик сарлавҳалар ишлатинг.

Яхши таржимон – бу инглиз тилини биладиган ва ўз мақолаларини ёзиш ва мақолаларни таржима қилиш тажрибасига эга бўлган, шу соҳадаги мутахассисдир. Лекин, ҳатто у ҳам ўзбек ёки рус тилида ёмон ёзилган мақоладан яхши инглизча мақола қила олмайди. Қатор ҳолларда яхши таржима умуман мумкин эмас, бу ҳолат муаллифнинг ўз мавзуси бўйича инглиз тилида мақола ўқимаслиги билан боғлиқ.

Ага сиз журналда рус тилида нашр қилинган мақола асосида хорижда инглиз тилида чиқадиган халқаро журналга мақола чиқаришга қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда аниқ таржимани ўзи билан иш битмайди. Бундай таржимани нашрга қабул қилиниш эҳтимоли жуда ҳам кам. Ҳойнаҳой, Сизга эски мақола, аниқроғи, нашр этилган материал асосида бошқа мақола ёзишга тўғри келади. Бу шу билан боғлиқки, сиз журнал учун мақола ёзганда, ўйлабми-ўйламайми, уни биринчи навбатда ватандош ҳамкасбларингизга қаратган бўласиз, бу эса, хойлайсизми-йўқми, унинг ёзилишида ўз аксини топган.

МЕТОДЛАР, ШАКЛЛАР, УСУЛЛАР ВА ВОСИТАЛАРНИ ТАВСИФЛАБ БЕРАДИГАН БЎЛИМНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Илмий мақолаларнинг замонавий форматини шаклланишида Луи Пастер алоҳида роль ўйнаган. Ҳамкасабаларини ишонтириш учун, қайсики уларнинг кўпчилиги ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиш назариясини фанатик тарафдолари бўлган, Пастер ***ўз мақолалари матнида, бошқа тадқиқотчилар ҳам уларга қараб тажрибани қайтара олишлари учун тажрибани батафсил ёритиб берган***. Пастер нафақат кўп касалликларни микроорганизмлар келтириб чиқаришини исботлади, яна у тажрибавий илм-

фан методкасини олдинга силжишига кўмак берди ва илмий журналларда нашр қилинадиган мақолаларнинг тузилишини жиддий ўзгартирди. Ўшандан бери “тажрибалар ўтказиш мумкинлиги” тизими илмий тадқиқотлар учун муҳим бўлиб қолди, уларни ўтказиш методикаси эса – мақоланинг алоҳида бўлимига айланди, қайсики пировардида илмий нашрларни замонавий форматини яратилишига олиб келди.

НАТИЖАЛАР (RESULTS)

Натижалар мақоланинг марказий қисми, айтиш мумкин – унинг кульминацияси ҳисобланади. Бўлимда ушбу ишда олинган ёки масалага алоқадор бўлган тажрибавий ёки назарий маълумотлар баён қилинади.

Натижаларни кўрсатиш мақолада лаборатория журналидаги ёзувларни келтириш ёки компьютердан бирор нарсани чиқариш ёки шунга ўхшаш нарса дегани эмас. Натижалар қайта ишланган тарзда: жадваллар, графиклар ташкилий ёки тузилмавий диаграммалар, тенгламалар, фотосуратлар, расмлар ва бошқа кўринишида тақдим этилади. Иллюстрацияда кўрсатилганларни қисқа якуний шарҳлари, таққослашлар, статистик баҳолар билан ёритиб бериш натижаларни тақдим қилиш бўлади. Ушбу бўлимда фақат фактлар келтирилади. Уларни талқин қилиш, бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан қиёслаш ва шунга ўхшаш бошқа ишларни Муҳокама бўлимига қолдиринг.

Агар график кўринишида кўплаб бир-бирига ўхшаш боғлиқликлар топилган бўлса, фақат битта типик графикни келтиринг, улар орасидаги миқдорий фарқларни эса жадвал кўринишида беринг.

НАТИЖАЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ

Натижаларни тақдим қилишнинг учта усули мавжуд:

- матн;
- жадваллар;
- расмлар (диаграммалар, графиклар ва тасвирлар, яъни фоторграфиялар, хомаки расмлар, схемалар ва б.).

Матн-вербал тақдим этиш, жадвал – ярим вербал, расмлар-визуал. Тақдимотнинг учала усули ҳам бир-бирини тўлдириши керак, қайтариш керак эмас. Натижаларни визуал усулда тақдим этиш иллюстрация деб аталади. Ҳозирги пайтда иллюстрациялар, яъни диаграммалар, фотосуратлар, схемалар, графиклар ва бошқа илмий нашрларнинг зарурий ва ўта муҳим элементлари ҳисобланади. Ўқишлар кўплиги сони (частотаси) бўйича юллюстрациялар фақат мақола номи ва рефератга ютқазади. Яхши тайёрланган иллюстрациялар мақолани тушунишни яхшилайди, ўқувчиларга мақола муаллифи мантиқи изидан боришни осонлаштиради, яхши таассурот қолдиради, ёмон тайёрланган иллюстрациялар эса, мақола матни яхши ёзилган бўлса ҳам, ўқувчиларни чалкаштириши ва мақоладан қоладиган таассуротни ёмонлаштириш мумкин.

Жадваллар *(tables)*, диаграммалар ва графиклар (*graphs, line drawings)* журнал мақолаларида биринчи навбатда тажриба натижаларини тақдим этиш учун ишлатилади, гарчи баъзида улар матнда ёритилган бўлишлари мумкин бўлса ҳам. Миқдорий тадқиқотларни тақдим этишнинг уччала усули ҳам (матн, жадваллар ва графиклар) бир-бирларини қайтариш эмас, балки тўлдиришлари керак.

Журнал мақоласидаги жадвал лабаратория журналидан компьютерга тартиб билан “киритилган” маълумотлардан иборат бўлиши мумкин эмас, улар қайта ишлашдан ўтган натижаларни кўрсатиши керак, қайсики уларни таҳлил қилиб ўқувчи, муаллиф билан биргаликда маълум хулосаларга келиши мумкин. Маълумотлар жадваллар кўринишида берилади агар:

- катталикларнинг аниқ қийматларини келтириш лозим;
- муҳим катталикларнинг миқдорий қийматларини ўзини;
- маълумотлар матнни ўзида санаб ўтилиши учун ҳаддан ташқари кўп сонли бўлса.

Агар фақат бир нечта сонли қийматларни келтириш керак бўлса, уларни матни ичида кўрсатса ҳам бўлади.

Диаграммалар ва графиклар – бу натижаларни визуаллаштириш усулидир. Агар тажрба маълумотлари сезиларли фарққа ёки ўзига хос боғлиқлик турига эга бўлса, у ҳолда мақолада диаграмма ёки график келтирган маъқул бўлади.

Ҳозир ҳамма графиклар компьютер дастурлари ёрдамида бажарилмоқда, бу албатта, уларни нашрга тайёрлаш жараёнини анча енгиллаштиради. График чиройли кўриниши ва тушунарли бўлиши учун уни маълумотлар билан тўлдириб ташлаш керак эмас, унинг элементлари (ўқ ёзувлари, шкала белгилари, маълумот ёзувлари, рақамлар, ўқ чизиқлар, эгри чизиқлар ва харфлар қалинлиги) орасида маълум мувофиқликка риоя этиш лозим.

Графикни, худди шунингдек, жадвални ҳам матнга шундай қўшиб қўйиш ярамайди. Ҳар бир график, ҳар бир жадвал тақдим этилиши ва матнда ёритиб берилиши керак. График кўринишда берилган натижаларни ёритиб бериш – бу улар орасидаги ўзига хос ўзгариш, фарқланиш белгиларини кўрсатиш декмакдир. Масалан, вақт динамиксидаги эгри чизиқнинг учта энг баланд нуқтаси борлиги кўринса, яна локал энг баланд қийматлар биринчисидан учинчисига қараб ўсиб борса, у ҳолда айнан шу тўғрида ёзиш керак.

Одатда графикларнинг матн баёни учта элементдан ташкил топган бўлади. Биринчиси айнан нима график кўринишида берилганлигини ва уни мақолани қаерида топиш мумкинлигини кўрсатади. Иккинчиси графикнинг муҳим томонларини ёритиб беради, учинчиси эса шарҳлайди.

Графиклар мақоланинг визуал компоненти ҳисобланганлиги туфайли,

уларни кўриш хусусиятига мўлжалланган сўзлар билан баён қилиб бериш керак.

Илмий мақолалар ёш муаллифларининг натижаларни тадқиқ этишдаги энг кенг тарқалган хатолари – график ва жадвалларда берилганларни матнда шундай ўзини такрорлаб қўйишдир.

Матн муаллифи уни шундай ёзганки, худди у ўқувчиларни график ва жадвалдаги сонларни ўқий олишига шубҳаси борлиги сабабли уларни матнда яна бир марта келтиради. Ундан кўра, баъзи қийматларнинг хусусиятларини ёки тенденцияларни кўрсатиш маъқулроқ бўларди. Бундан ташқари, бу хусусиятлар нима учун муҳимлиги ва бундан қандай хулосалар чиқариш мумкинлигини тушунтириш керак. Сиз учун аниқ бўлиб кўринган янги натижаларни кўрсатишни унутманг! Сиз учун аниқ бўлган нарса ўқувчилар учун ҳам аниқ бўлиши шарт эмас.

Матнда жадваллардаги қийматлари келтиришда 43 фоиз ўрнига “ярмидан сал озроқ” ёки “деярли ярми”, 29 фоиз ўрнига – “учдан бири” деб ёзиш маъқулроқ бўлади. Бундай сифат хусусиятлари тезроқ ёдда қолади ва келтирилган натижаларни ва мақолани тушунишни яхшилайди.

Ҳар бир расмнинг тагида унинг тартиб рақамини кўрсатувчи ва расмдаги тасвирни қисқа баёни келтирилган ёзув бўлиши керак. Ёзув, одатда, тушунтириш хусусиятига эга бўлган бир ёки икки гапдан иборат бўлади. У тушуниш учун етарли, яъни мақола матнига мурожаат этмасдан ҳам тушунарли бўлиши ва матнда бўлмаган ҳеч қандай маълумотни ўз ичига олмаслиги керак.

Одатда белгиланишларни (символлар) баён (расшифровка) қилиб бериш графикнинг ўзида эмас, балки унинг ёзувида берилади. Бироқ, баъзида уларни тўғридан-тўғри графикни ўзида бериш қулайроқ бўлади ва уни “ўқишни” осонлаштиради. Графикдаги, унинг ёзувидаги ва матндаги белгиланишлар ва қисқартмаларнинг бир-бирига мувофиқлигини текширинг. Қўлёзмада расм ёзувлари расм остида эмас, одатда, алоҳида бетларда чиқарилади. Агар расм бошқа манбадан олинган бўлса, у ҳолда

уни ишлатиш тўғрисидаги рухсатнома ёзув охирида берилади.

МИННАТДОРЧИЛИКЛАР (ACKNOWLEDGMENTS)

Мақоланинг асосий қисмидан кейин, одатда, иккита бўлим келади: миннатдорчилик *(acknowledgments)* ва адабиётлар рўйхати (references, literature cited). Миннатдорчилик бўлимида техник ёрдам учун айрим шахсларга, мутахассисларга, уларнинг исм-шарифини номма-ном санаб, миннатдорчилик билдириш одат тусига кирган. Бошқа турдаги ёрдамлар учун ҳам миннатдорчилик билдириш мумкин: натижаларни муҳокама қилиш, қўлёзмани ўқиб чиқиш, танқид ва бошқалар учун.

Агар Сиз иш жараёнида ностандарт асбоб-ускуна ва материаллар ишлатган бўлсангиз, у ҳолда қандай ва кимнинг асбоб-ускунасида тажрибалар ўтказилганлигини, шунингдек, бошқа барча махсус материаллар ва тадқиқот объектлари (ўсимликлар, ҳайвонлар ва ҳ.к.) манбаларини санаб ўтиш мумкин. Шундан сўнг тадқиқотни молиявий қўллаб-қувватлаган ташкилотлар, фондларга миннатдорчилик билдириш, қандай грантлар, контрактлар, стипендиялар ҳисобига ишни амалга оширилганлигини ёзишингиз лозим. Миннатдорчилик билдириш усули, агар у айрим одамларнинг ёрдамларига таалуқли бўлса, расмий бўлмаслиги мумкин. Ёки, аксинча, кўпинча ташкилотлар ва фондларга миннатдорчилик расмий кўринишда билдирилади.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ НАШРЛАР ТИЗИМИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Илмий нашрлар муаллифларининг ҳуқуқлари муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар билан ҳимояланади. Муаллифлик ҳуқуқларининг объекти – бу асарларнинг қиммати ва ишлатилиши, шунингдек, ифодалаш йўлидан қатъий назар илмий, адабий ва санъат асарларидир. Муаллифлик

ҳуқуқларининг субъектлари, яъни асарга ягона эгалик ҳуқуқи бор шахслар бўлиб, биринчи навбатда асарларнинг муаллифлари ҳисобланади.

Муаллифлик тўғрисидаги қонунлар номулкий ҳуқуқларни ҳам, яъни асарнинг муаллифи деб ҳисобланиш ҳуқуқлари, мулкий ҳуқуқларни, яъни асарни ишлаб чиқариш, тарқатиш, намойиш қилиш, сотиш ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади. Мулкий ҳуқуқлар копирайт деб аталади *(“Copyright is the exclusive legal right to reproduce, publish and sell the matter and form of a literary, musical or artistic work”, Webster's Third New International Dictionary, Merriam Company, Publishers).*[1]

Номулкий ҳуқуқлар одатда бошқаларга ўтказилмайди, яъни уларни бошқа шахсларга сотиш мумкин эмас, ва уларнинг ишлаш муддати чегараланмаган. Мулкий ҳуқуқлар қонунда белгиланган муддатда ишлайди ва бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин (охирги ҳолатда асарнинг эгаси, яъни копирайтнинг эгаси бошқа шахс бўлади). Ушбу муддат тугагандан кейин асар жамоатчилик мулкига айланади *(public domain).* Копирайт билан ҳимояланган асар, шунингдек, унинг ихтиёрий қисми эгасини, яъни копирайт эгасини рухсатисиз ишлатилиши мумкин эмас. Ҳар доим ҳам асар эгаси копирайт эгаси бўлавермайди. Копирайт – бу асарга эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидир. Копирайт эгасигина ўзи асарни ишлаб чиқариш, нусхалаш, тарқатиш (прокатга (фойдаланишга) бериш, сотиш), асарни ёки уни қисмини қайта нашр қилиш, оммавий намойиш қилиш, ушбу ҳаракатлардан фойда олиш ёки буни қилишга бошқа шахсга рухсат бериши мукин. Агар асарнинг муаллифи копирайт эгаси бўлмаса, у асар билан ушбу ҳаракатларни бажара олмайди.

Кўпчилик давлатларнинг қонунларига кўра фан, адабиёт ва санъат асарларига номулкий ёки мулкий ҳуқуқ унинг эгасида асар устида иш тугаши билан, ушбу асар қаерда ва қачон ошкор этилиши (нашр этилиши, кўрсатилиши ва ҳ.к.)дан, ва асар умуман ошкор этилганми ёки йўқми,

[1] *Аниқроқ қилиб айтганда, копирайт (инглизчадан* copyright *- ишлаб чиқариш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи) деб © белгига айтилади, у нашриётнинг чиқиш маълумотларида эгасининг ҳуқуқи, ҳимоя белгиси сифатида жойлаштирилади.*

шунингдек, муаллифнинг асарга эгалик ҳуқуқи рўйхатга олинганми ёки йўқлигидан қатъий назар, пайдо бўлади. ***Агар Сиз кичик бир шеър тўқисангиз, расм чизсангиз ёки мақола ёзсангиз, сиз шу заҳотиёқ ушбу асарнинг муаллифига айланасиз***. Бундай ҳолатда, сизда муаллифлик ҳуқуқи нафақат ушбу асарнинг муаллифи Сиз эканлигингизни, шу билан бирга, Сиз, ва фақат Сиз уни ишлаб чиқариш, сотиш, нашр қилиш, намойиш этиш ва ҳ.к.ларни амалга оширишингиз мумкинлигини билдиради. Агар асар бир нечта муаллиф билан биргаликда яратилган бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири копирайт эгаси бўлади, ва барча ҳаммуаллифларнинг ҳуқуқлари тенг бўлади. ***Бироқ, агар ушбу асарнинг яратилиши Сизнинг ёлланиш ёки шартнома бўйича вазифангиз бўладиган бўлса, унда асарга бўлган мулкий ҳуқуқ, яъни копирайт, Сизнинг ишга ёлловчингизга тегишли бўлади.*** Бу ҳолатда, Сиз муаллиф бўлишингизга қарамасдан, асарни нашр қилиш учун ишга ёлловчингиздан расмий рухсат сўрашингиз керак бўлади.

Номулкий муаллифлик ҳуқуқларини бузиш плагиат деб номланади. Кўпинча плагиат ўз номи билан бошқа бировнинг асарларини ёки ғояларини нашр қилиш, шунингдек, бошқа бировнинг асарлари парачаларини, манбасини кўрсатмасдан ўзлаштириб олишда ифодаланади. Плагиатнинг сўзсиз белгиси бўлиб муаллифликни ўзлаштириб олиш ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган асарни ноқонуний ишлатиш, нашр қилиш, нусҳалаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш, ўз-ўзидан плагиат ҳисобланмайди, агар бундай ноқонуний фойдаланишда асарнинг хақиқий муаллифи кўрсатилган бўлинса. Асардан, муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда, бундай фойдаланиш контрафакция ёки қароқчилик деб номланади.

Кўпчилик мамлакатларда копирайт тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, копирайт билан ҳимояланган асар танқид, шарҳлаш, муҳокама қилиш, оммавий ахборот воситаларида нашр қилиш, таълим ва ўқитиш учун шунингдек, илмий тадқиқотларда ишлатилиши мумкин.

Бироқ, бунда асар “виждонийлик асосида” ишлатилиши лозим. Копирайт билан ҳимояланган асарни виждонан ёки ҳалол ишлатиш *(fair use)*, маълум қоидаларни бажарилишини талаб қилади. Уларнинг ичида энг маълуми – бу сўзсиз асарга ҳаволани кўрсатиш ва асл матнини иккита хатбошисдан кўп бўлмаган парчасини иқтибос (цитата) қилиб келтиришдир.

Халқаро илмий нашрлар тизимида муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни қўллаш жиҳатларини кўриб чиқамиз, қаердаки нафақат “қоғоздаги” қонунлар, балки кейин кўриб чиқиладиган ахлоқий меъёрлар ҳам муҳим ўрин тутади. Сизнинг ручкангиз ёзишдан тўхташи билан (бизнинг давримизда, Сизнинг бармоқларингиз клавиатурадан узилиши билан дейиш мумкин), ҳеч қандай қўшимча баёнотсиз ва расмиятчиликсиз Сиз мақолангизни муаллифига айланасиз. Лекин Сиз копирайтнинг эгасига айланасизми? Агар Сиз мақолани буюртма бўйича ёзган бўлсангиз ёки ушбу мавзу бўйича мақола ёзиш Сизнинг хизмат вазифангизга кирса, у ҳолда копирайтнинг эгаси буюртмачи ёки ишга ёлловчи бўлади. Копирайт эгаси, бу ҳолда, Сиз ёзган мақолани нашр этишга рухсат бериш ёки бермаслик ҳуқуқига эга. Илмий-таълим муссасаларининг ходимларида мақолани нашр этишга ишга ёлловчи (директор ёки ректор)дан рухсат олишда камдан-кам ҳолатларда жиддий муаммолар бўлади, гарчи ўз қўлёзмасини журнал таҳририятига юборишдан олдин бажариши лозим бўлган маълум бир расмий тамоиллар мавжуд бўлса ҳам.

Сиз мақола қўлёзмасини журнал таҳририятига жўнатасиз. Ҳозирги пайтда бу, кўпинча, электрон кўринишда журналнинг веб-сайтида амалга оширилади. Камдан-кам ҳоллардан журналда чоп этилган мақоланинг копирайти – эгаси журнал бўлади (унинг номидан нашр қилувчи ёки эгаси).

Хорижий журналларга қўлёзма нашр этиш учун тақдим қилинганида, қўлёзма кўриб чиқиш учун тақдим этилиши биланоқ ёки кейинроқ, агар қўлёзма нашр учун қабул қилинса, Сиз ва Сизнинг ҳаммуаллифларингизга инглизчасига “*copy transfer form*” ёки “*copyright agreement*” деб аталувчи шаклни имзолашга тўғри келади.

Ушбу шакл моҳияти қуйида келтирилган бир-нечта муҳим ҳолатларни ўз ичига олади:

- нашр учун тақдим этилган қўлёзма оригинал, аввал ҳеч қаерда нашр этилмаган ва бошқа нашриётга чоп этиш учун тақдим этилмаган бўлиши;
- муаллифлар рўйхатида академик ҳамжамиятнинг ахлоқий меъёрларига мувофиқ муаллиф деб ҳисобланиши мумкин бўлганларни барчаси келтирилган бўлиши;
- мақолани чоп этиш учун журналга жўнатиш билан муаллифлар копирайтни журнал таҳририятига ўтказадилар;
- мақола журналда чиққандан кейин, таҳририятни рухсатисиз Сиз уни бошқа ҳеч қаерда нашр этиш ҳуқуқига эга эмассиз.

Илмий мақола бирламчи журналда фақат бир марта нашр этилиши мумкин. Барча бирламчи журналлар мақоланинг тақдим этилаётган қўлёзмаси оригинал ва бошқа ерда чоп этилмган бўлишини талаб қилади. Кўпинча бу муаллифлар чун кўлланмада кўрсатилади. Одатда бу қуйидагича кўринишда бўлади: “Оригинал тадқиқот (тавсифловчи эмас) тўғрисида мақола қўлёзмасини журналга тақдим этиш, у аввал нашр этилмаган, журнал таҳррияти рухсатисиз худди шундай шаклда, инглиз ёки бошқа тилда бошқа ерга нашр учун тақдим этилмаган янги натижалар ва янги илмий ғояларни ўз ичига олишини билдиради”.

Журнал таҳририяти мақолани ҳаммасини ёки унинг катта қисмини бошқа бирламчи журналда нашр этилишига рухсат бермайди. Бироқ, агар шундай рухсат берилган тақдирда ҳам, Сиз ўзингизни мақолангизни иккинчи марта чоп этмоқчи бўлган бошқа журнал таҳририяти, агар бу журнал ҳам фақат оригинал мақолаларни нашрга қабул қилишини айтса, унда у Сизни мақолангизни чоп этишни рад этади.

Албатта, мақоланинг айрим парчалари, масалан, жадваллар, расмлар, графиклар, мантиқий-структуравий схемалар тавсифловчи мақолада нашр этилиши ҳатто мақола тўлалигича ҳам чоп этилиши мумкин, лекин фақат

иккиламчи адабиётда (атоқли олимларнинг чоп этилган мақолалари тўпламлари, институт ишлари, ҳисоботлар, тематик тўпламлар ва б.). Иккиламчи илмий адабиётда мақолани қайтадан нашр этиш учун ҳам мақола биринчи марта нашр этилган журнал таҳририятининг рухсатини олиш лозим бўлади.

Мақолани бирламчи журналда ноқонуний қайта нашр этиш *(dual publication)*, илмий ахлоқ нуқтаи назарида “кечириб бўлмас хато” ҳисобланади. Бундай ҳолат юзага келиши мумкин, агар мақола жиддий ўзгаришларсиз бошқа журналга тақдим этилса, ва муаллиф(лар) журнал таҳририятидан мақола аввал нашр этилганини яширса (хорижий журналларда бунинг учун эса *“copy transfer form”*ни имзолашни ўзи етарли). Битта материални ёки ғояни турли маҳаллий ва хорижий журналларда бир неча марта нашр этиш илмий ориятсизликга (*scientific sterility*) киради ва ўзини-ўзи реклама қилиш ҳисобланади. Ўзини-ўзи мақташ, мисол келтириш, қайтариш, ўзини-ўзи плагиатлаш (*self-plagiarism)* илмий холислик ва камтаринликни етишмаслигидан далолат беради. Бироқ мақола муаллифлари ўз маълумотлари ва натижаларининг эгалари бўлиб қолаверадилар. Агар маълумотлар мазмунан қайта ишланса, янги натижалар олинса, хулосалар жиддий кўриб чиқилса, унда бошқа журналда ёки шу журналнинг ўзида дастлабки материал асосида бошқа мақола нашр этиш мумкин. Бу аввал нашр қилинган мақолага бўлган копирайтни эгалик ҳуқуқини бузилиши ҳисобланмайди. Агарда фақат мақола номи ўзгартирилса, матн бир оз ўзгартирилса, матннинг бир-нечтагина парчалари тушириб қолдирилса, яъни мақолага жиддий бўлмаган ўзгартиришлар киритилса, уни ҳатто бошқа тилда қайта нашр қилиш ҳам копирайт эгасининг ҳуқуқлари бузилганлигини билдиради. Нашрнинг ўзи “*dual publication*” сифатида қаралади, бу эса муаллифларнинг ва улар ишлаётган муассасанинг обрўсига жиддий путур етказиши мумкин.

Мақола муаллифларининг ҳар бири, унинг исми рўйхатнинг қаерида жойлашганлигига қарамай, мақола мазмуни учун, шунингдек, мақола

нашридан келиб чиқадиган ахлоқий ва юридик оқибатлар учун интеллектуал масъулиятни ўз бўйнига оладилар. Матни устида ишламаган (нафақат мақола матни устида ишламаган, балки тадқиқотга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган), бироқ муваффақиятли чиққан ва машҳур бўлиб кетган мақола муаллифлари орасида бўлиш каби совға олиш ёқимли бўлса керак.

Косанинг ним-косаси дегандек – сиз хатоси бор (бу ҳали ҳолва) ёки натижалари қалбакилаштирилган мақоланинг муаллифига айланишингиз мумкин. Бу ҳолда, агар Сиз бу тадқиқотни аслида чуқур ўрганмаганлигингиз, матнни фақат юзаки кўриб чиққанлигингизни таъкидлаб ўзингизни оқламоқчи бўлсангиз, Сизга ҳеч ким ишонмайди. Сиз бошқа муаллифлар билан бир қаторда жавобгарликни тенг бўлиб оласиз, яъни қалбакилаштирилган маълумотларни ўз ичига олган нашрни муаллифига айланасиз ва бу борадаги ишни кўриб чиқишда иштирок этасиз.

Ўз мақолалари копирайтини журнал таҳририятига ўтказиш муаллифлар учун қандай амалий оқибатларга олиб келиши мумкин? Биринчи ва энг оғир чекланиш шундан иборатки, муаллифлар нашр қилинган мақоланинг тўлиқ матнини ўзларининг Интернетдаги шахсий саҳифаларида ҳам ўзлари ишлайдиган илмий-тадқиқот институтлари ёки олий таълим муассасалари веб сайтларида ҳам журнал рухсатисиз жойлаштира олмайдилар. Агар қонун бўйича қатъий қараладиган бўлса, муаллифлар, ўз мақолаларини ҳатто ксеро нусхаларини ҳам тарқата олмайдилар, чунки мақоланинг, журнал таҳририяти муаллифга пул учун ёки текинга берган миқдоридан ошмаган ҳолдаги парчаларини тарқатиш мумкин холос.

УНИВЕРСАЛ ЎНТАЛИК КЛАССИФИКАЦИЯ – УДК ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?

УДК бу…

УДК бу инглиз тилидаги “Universal Decimal Classification”, яъни универсал ўнталик классификация (УЎК) ҳисобланади. УЎКнинг муҳимлигини қуйидаги жиҳатлари орқали таснифлаш мумкин:

- ахборотни тизимлаштириш;
- муайян мавзу бўйича керакли маълумотларни қидириш;
- мавзу бўлимлари бўйича янги мақолалар, нашрлар, китобларни гуруҳлаштириш.

УДК нима учун керак?

УЎК классификатори ёрдамида санъат, адабиёт ва илм-фан соҳасидаги ҳар қандай маълумотни топиш осон. УЎК индекслари анъанавий кутубхоналарда, электрон маълумотлар базаларида ва бошқа ахборот омборларида инсоният томонидан тўпланган билимларни тартибга солиш учун асос ҳисобланади.

УЎК коди ҳар бир илмий мақолада кўрсатилиши керак – бу қоида дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатида меъёр тарзида қабул қилинган. УЎКнинг моҳиятида ўнлик тамойил мавжуд. Классификаторларнинг ҳар бири 10 (баъзан камроқ бўлиши мумкин) кичик бўлимларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини кўрсатиш учун араб рақамларидан фойдаланилади. УЎК классификаторини ишлаб чиқиш учун “УДК консорсиуми” жавоб беради.

УДК тарихи ҳақида

УЎК XX асрнинг бошларида Белгия библиографлари Пол Отле (Otlet) ва Ҳенри Лафонтен (Lafontaine) томонидан яратилган. Бу классификаторга 1876-йилда АҚШ Конгресси кутубхонаси учун америкалик библиограф Мелвилле Девей (Dewey) томонидан ишлаб чиқилган каср таснифи асос бўлган. У даврда М. Девей Отле ва А. Лафонтенга нашр этилган билимларнинг кенг қамровли каталогини яратиш учун ўз тизимидан фойдаланиш ва ўзгартириш ҳуқуқини берди. Кўп йиллар давомида бу иш халқаро ахборот ва ҳужжатлар федерацияси доирасида амалга оширилди. УЎК тўлиқ жадвалларининг биринчи нашри 1905-йилда француз тилида чоп этилди, УЎК структураси вақт ўтиши билан М. Девейнинг дастлабки схемасидан ажралиб чиқди, бироқ бир қатор бўлимларда ушбу тизимларнинг синф индекслари ҳали-ҳануз деярли бир хил.

УДКнинг марказий қисми барча билимларни қамраб оладиган ва рақамли каср кодидан фойдаланган ҳолда умумий ва хусусий бўлинишнинг иерархик тамойилига асосланган асосий жадваллардир. Қисқача айтганда, УДК индексига кўра, китобни ўқимасдан қайси мавзу ва адабиётни ўз ичига олиши мумкинлигини аниқлаш мумкин. Глобал маълумотлар базаларида рўйхатдан ўтишда ушбу таснифлагичсиз ишлар ҳам кўриб чиқилмайди.

СКОПУС – АСОСИЙ МЕЗОНЛАР, АФЗАЛЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР

Скопусда индексация қилиш бутун дунё бўйлаб журналлар учун катта ютуқ ҳисобланади ва бу жиҳат илмий жамиятнинг бошқа аъзолари учун журналнинг сифатини тасдиқлаб беради.

Скопус учун минимал мезон:

- журнал тақриз асосидаги контентга эга бўлиши керак;
- журнал мунтазам равишда нашр этилиши керак (ISSN халқаро марказида рўйхатдан ўтган ISSN бўлиши керак);
- контент халқаро аудитория учун долзарб ва тушунарли бўлиши керак (лотин транскрипциясида бўлиши, мақола номи ва аннотацияси инглиз тилида ҳам берилиши керак);
- журналнинг этика қоидалари мавжуд бўлиши;
- бундан ташқари, умумий амалиётга кўра, журнал Скопус (иккинчи босқич)га қўшилиш учун аризани кўриб чиқишдан камида икки йил олдин чоп этила бошланган бўлиши лозим.

Скопусга кирган журналнинг қандай афзалликлари бор?

Скопусга қабул қилинган журнал:

- халқаро жиҳатдан тан олинади;
- бутун дунёдаги бошқа тадқиқотчилар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд;
- журнал контентида иқтибослилик даражаси ортиши мумкин;
- глобал илмий ҳамжамиятни рағбатлантириш ва ихтисослаштирилган

фан соҳаларига ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлади.

Журналнинг Скопусда келтирилганлигини билиш қанчалик муҳим?

Журналнинг Скопусга киритилганлиги уни илмий жамоатчилик учун потенциал аҳамиятга эга эканлигини англатади. Скопусга киритилган журналлар бошқа шу соҳадаги журналлардан ўзининг аҳамияти билан фарқланади, яъни Скопус базасига киритилган нашрлар журналларни баҳолаш жараёнида юқори ўринда туради. Бундан ташқари, Скопусга киритилган журналлар шу соҳада илмий тадқиқот қилиш учун энг яхши индикаторлардан ҳисобланади.

Нима учун мақоланинг аннотацияси инглиз тилида бўлиши керак?

Инглиз тили халқаро илмий ҳамжамиятнинг асосий тили. Шунинг учун, Скопус (сарлавҳа, аннотация, калит сўзлар)да тақдим этилган барча контент инглиз тилида бўлиши керак. Бундан ташқари, Скопусда контентни индексация қилиш, профиллаш ва қайта ишлаш инглиз тилида амалга оширилади.

Скопусга киритилган нашрларнинг тўлиқ матни исталган тилда ёзилиши мумкин (сарлавҳа, аннотация ва калит сўзлар инглиз тилида ёзилган бўлса). Ҳозирги вақтда Скопус 40 тилда илмий мақолаларни нашр этади.

Скопусда конференсия материаллари ҳам чоп этилиши мумкинми?

Конференция материаллари Скопусга киритилиши мумкин, фақат талаб – конференсия материаллари ҳам даврийлик хусусиятига эга бўлиши лозим, шунингдек, материаллар Скопуснинг барча минимал мезонларига жавоб бериши керак. Конференция материаллари журналлар билан бир хил талабда кўриб чиқилади.

Скопус Таркиби:

- 22,000 дан ортиқ журналлар;
- 280 номдаги савдо нашрлари;

- 562 китоблар серияси (чоп этиш давом этаётган нашрлар);
- 8 миллиондан ортиқ конференсия материаллари;
- 60 миллиондан ортиқ қайдлар.

Функция имкониятлари:

- илмий соҳа ва кўриб чиқилаётган адабиётларни излаш ва таҳлил қилиш (алоҳида мақола таҳлилига қадар);
- барча мумкин бўлган қидирув манбалари (илмий журналларда, патентларда, илмий сайтларда) ва журналлар, муаллифлар ва ҳамкорлар, ташкилотлар, йиллар, нашрларнинг турлари ва бошқалар;
- алоҳида муаллиф, ташкилот фаолиятини таҳлил қилиш (самарадорлик, таклиф ва ҳ. к.).);
- журналларни бир нечта кўрсаткичлар бўйича қидириш, таҳлил қилиш ва таққослаш;
- исталган муаллифлар ҳақида тўлиқ маълумотларни олиш (муаллифнинг исми, иш жойи, нашрлар мавзуси, таклифлар ва бошқалар).

ДОИ РАҚАМИ - ЖУРНАЛЛАРДА НАШР ҚИЛИНАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА, УМУМАН ОЛГАНДА, ИЛМИЙ НАШРЛАРГА ИДЕНТИФИКАТОР РАҚАМИ БЕРИЛИШИ

ДОИ нима?

ДОИ ёки рақамли объектнинг идентификатори – бу глобал Интернет тармоғидаги электрон ҳужжатга берилган рақам, бунинг натижасида материалларни қидириш ва улардан фойдаланиш анча соддалаштирилади. Қисқача айтганда, бу муайян объектга ҳавола ҳисобланади. Кўпинча бу технология илмий доираларда қўлланилади. Асосий хусусияти идентификаторга эга бўлган объектлар фақат ношир, яъни уни жойлаштирган ташкилот томонидан ўчирилиши мумкин.

Онлайн муҳитдаги журнал, илмий мақола, китоб, диссертация, расм ёки бошқа шу каби объектларга берилади. ДОИ – қатъий идентификатор

бўлиб, объектинг веб манзили ўзгарсада, у тўғридан-тўғри объект билан боғлиқ бўлади.

Ҳавола 2 қисмдан иборат: префикс ва суффикслар, бу идентификатор рақамлар ҳамда кирилл форматидаги ҳарфларни ўз ичига олиши мумкин. Префикслар ноширни аниқлайди.

Нима учун ДОИ олиш керак?

Илмий доираларда ахборот манбалари жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай илмий ҳақиқатни ишлатиш жараёнида унинг ишончлилигини текшириш лозим. Қарама-қарши исботлар ва илмий масалаларни ўрганишда фактлар ва шунга мос равишда адабиёт манбалари минглаб топилиши мумкин. Шунинг учун бу объектларни хавфсиз сақлаш тизимига эҳтиёж мавжуд бўлиб, уларнинг ўчирилиши ёки кўчирилиши мумкин эмаслиги нуқтаи назаридан ДОИ олиш муҳим. Мазкур муҳимликни қуйидаги хусусиятлар орқали белгилаш мумкин:

– **Хавфсизлик кафолати.** Сайтлар ёки электрон кутубхоналардан фарқли ўлароқ, идентификаторга эга рақамли объектлар ҳар доим рўйхатдан ўтиш жойида жойлаштирилади.

– **Универсаллик.** ДОИ (Digital object identifier) ёки рақамли объект идентификатори – барча йирик халқаро илмий ташкилотлар ва нашриётлар томонидан фойдаланиладиган Интернет тармоғида ахборотни тақдим этишнинг замонавий стандартидир.

– ДОИ – дунёнинг барча етакчи нашриётлари томонидан қабул қилинган стандарт.

– ДОИ иқтибос келтириш, илмий мақолани қидириш ва локализация жараёнини сезиларли даражада осонлаштиради.

– ДОИнинг мавжудлиги интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни таъминлайди.

– ДОИ нинг тайинланиши муаллиф ёки ноширнинг обрўсига ижобий таъсир кўрсатади, чунки идентификатор ёрдамида материаллар дунёнинг етакчи илмий библиографик каталогларига жойлаштирилиши мумкин.

– Агар ДОИга эга мақола Скопус, Web of Science каби нуфузли базаларга киритилган журналларга ҳавола берса, улардан иқтибос келтирса, у ҳам ушбу базаларга киритилади ва бу унинг аҳамиятини сезиларли даражада оширади.

Мақола қандай қилиб ДОИга эга бўлади?

ДОИга эга бўлган мақолани топиш учун http://www.doi.org ҳаволасига кирилади ва қидирув тизимига идентификатор рақами киритилади.

Рақамли объектнинг идентификаторини белгилаш учун ношир жаҳон операторларидан бири – ДОИ қайд қилиш агентлиги ёки ушбу турдаги хизматларни тақдим этиш учун қонуний асосга эга бўлган бошқа компания билан шартнома тузиши керак.

ИЛМИЙ, ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАҚОЛАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАШРЛАРДА ЧОП ЭТИШ ОРҚАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ДУНЁГА ТАНИТИШ ВА ИЖОБИЙ ИМИЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистон жаҳон ахборот маконига шиддат билан интеграциялашмоқда. Мамлакат фуқаролари бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган маълумот ва ахборотларни чексиз равишда олиш имкониятига эга. Биз оладиган ва фойдаланадиган ахборотнинг сифати бизнинг ҳаётий танловимизга, ижтимоий-сиёсий фаолиятимизга катта таъсир кўрсатади. Бугун ахборот муҳитидаги ислоҳотлар, матбуот билан ҳамкорлик “муносабатларининг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш”га ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) “фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмлари, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш”га қаратилган.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларига сингиб бораётган ахборот инқилоби халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Натижада, шундай яхлит ахборот макони шаклланмоқдаки, бу маконда ахборот миллий бойликнинг қимматбаҳо қисмига, унинг стратегик ресурсига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасноди р”[2], деб эътироф этилган. Фуқаролар бу ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиши учун эса фуқаролар ва давлат ўртасидаги мулоқотни тартибга солиш зарурати туғилади. Бу вазифани бажаришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, ахборот етказишнинг янги, замонавий технологияларини қўллаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Ана шундай технологиялардан бири – “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларидир.

Яқин вақтларгача, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари – “Public relations” (PR) иқтисодий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида маълум эди. Бугунги кунга келиб, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари давлат бошқарувини самарали ташкил этишда ҳам кенг қўлланилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари ўз фаолиятида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини қўллаши бунинг ёрқин далилидир.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ташкилот, корхона, давлат муассасалари ҳақида кишиларда ижобий тасаввур туғдириш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади. Бу вазифа турли йўллар билан, асосан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида амалга оширилади. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари жамият манфаатлари йўлида давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатиш санъатидир.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 29-модда. Тошкент. Ўзбекистон, 2001., 11-бет.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ҳар қандай тузилмадан чиқаётган коммуникатив оқимлар, ахборотларни назорат қилишга йўналтирилади. Ушбу вазифани амалга оширишдан мақсад мазкур тузилма ва жамоатчилик ўртасида ижобий муносабат шакллантиришдир. Бу эса коммуникатив оқимларга, жамоатчиликка етказиладиган ахборот мазмунига боғлиқ. Шундай қилиб, ҳар қандай тузилма самарали фаолият юритиши учун ўз ходимлари билан бир қаторда, жамоатчиликнинг ҳам бу тузилмага муносабатларини, фикрларини эътиборга олиши лозим бўлади. Яъни, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг вазифаларидан бири жамоатчиликка етказиладиган ахборотлар оқимини зарурий ўзанга йўналтиришдир.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ахборот технологияларининг ўзига хос тури бўлиб, бирор сиёсий мақсадни амалга оширишда реципиент[3]ни ҳурмат қилган ҳолда ахборот-таҳлилий фаолият юритишни назарда тутади. Бу технологиялар ёлғонга асосланмайди ҳамда коммуникатор билан реципиент ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг ҳақиқатга асосланиши мавжуд муаммоларни кенг жамоатчилик ўртасида эркин муҳокама қилиш имкониятини беради ва фуқароларда сиёсий қарорлар қабул қилувчи марказ ҳақида ижобий тасаввур уйғотади. Бундай фаолият кишиларнинг сиёсат субъектларига бўлган ишончини орттиради, уларни онгли ҳаракат қилишга ундайди. Натижада ҳокимият билан халқ ўртасидаги тўсиқ олиб ташланади, фуқаролар сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига кенг жалб қилинади.

Бугунги кунда PRнинг кўплаб таърифлари мавжуд. *Таълим соҳасидаги жамоатчилик алоқалари – кўпинча бепул ресурслар орқали мавжуд ахборотни узатиш йўли билан таълим муассасаси ва унинг таълим хизматига бўлган қизиқишни қондиришга уринишдир. Ушбу муносабатларнинг якуний мақсади – таълим муассасалари оладиган турли*

[3] Реципиент - ахборотни қабул қилиб олувчи.

моддий имтиёзлардир.

Таълимда PR – таълим муассасасининг энг муваффақиятли ишини таъминлаш ва унинг обрўсини ошириш учун жамоатчилик фикрини шакллантирувчи тизимдир. Бу ҳар хил йўллар билан аввало, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Жамоатчилик билан алоқалар – шунингдек, таълим муассасаси ва жамият ўртасидаги мулоқот, ўзаро тушуниш, ҳамкорликни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашувчи тизимдир. Замонавий цивилизация шароитида таълим муассасаларининг ўрни сезиларли даражада ошди. Бундан ташқари, деярли ҳар бир оила улар билан алоқада бўлади: оиланинг айрим аъзолари таълим муассасасида ишлашади ёки ўқишади. Кўпчилик газета, журнал, телеканаллар ва интернет ресурсларда таълимга бағишланган махсус бўлимлар, дастурлар мавжуд. Одамлар маълумотларининг катта қисмини турли ҳил манбалардан оладилар, аммо сўнгги йилларда таълим муассасалари таълим жараёнининг потенциал иштирокчилари ва ҳамкорларига ўз фаолиятлари ҳақида маълумот беришга кўпроқ эътибор беришга киришдилар.

Ўқувчи, муштарий ва томошабин томонидан – бу оддий ахборот сифатида қабул қилинса, таълим муассасалари учун эса бу ошкоралик демакдир. Ошкоралик (кейинги ўринларда тақдимот)ни давом эттириш учун таълим хизматлари учун муқобил савдо бозорини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда эса бозорнинг географик чегаралари – жалб этилиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситаларини танлаш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Таълим муассасасининг ҳар қандай ижобий янгиликлари унинг обрўси яхшиланишига хизмат қилади. Маълум бир шахснинг ҳаёти ёки фаолиятига таъсир қиладиган ҳар қандай энг кичик ўзгаришлар ҳам ким учундир муҳим янгилик бўлиши мумкин. Ота-оналар таълим муассасалари ёки ўқитувчилар ҳақида маълумот олишни яхши кўрадилар. Масалан, “Йил мактаби” танлови ғолиби, бу эса таълим муассасасининг муваффақиятли фаолияти натижаларини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатларда бир қатор инновацион таълим лойиҳаларини амалга оширишнинг муваффақиятли тажрибаси шуни кўрсатадики, сифат жиҳатидан турли хил иш услубига айлантириш ва кўплаб таълим муассасаларини инновацион жараёнларга киритиш, бундай фаолиятни янада кенгроқ тарқатиш зарур. Шунингдек, давлат таълимини такомиллаштириш вазифалари – замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда Ўзбекистон таълим тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун инновацион таълим фаолиятини институциявийлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, парчаланиш ва ҳозирги вақтда лойиҳаларнинг муқобиллаштирилмаслиги уларнинг амалга оширилишининг потенциал самарадорлигини камайтирибгина қолмай, ташқи муҳитнинг қаршилиги натижасида лойиҳаларни индивидуал ривожланиши учун тўсиқларни вужудга келтирмоқда. Шунинг учун муваффақиятли инновацион режаларни бирлаштириш ва фаолиятларини матбуотда кенг ёритиш муҳимдир. PRнинг инновацион таълим режалари мавжуд бўлмагани ҳолда ҳеч бир лойиҳани амалга ошириш мумкин эмас. Ноёб бўлиш яхши албатта, аммо, амалий фаолият, ягона бўлиш фақат қисқа муддатга чўзилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Инновацион фаолиятга асосланган таълим дастурлари ижтимоий шартнома ҳисобланиб, бу эса ўз навбатида давлат таълим тизимини ижтимоий бошқариш шакллари пайдо бўлиши учун шароит яратади. Таълим муассасалари раҳбарлари ўз ваколатларини инновацион ўқув жараёнининг бошқа иштирокчилари билан бўлишиши керак. Шу билан бирга, шартнома доирасида болалар тарбияси масалалари бўйича масулият ҳам бўлинади.

Бугунги кунда таълим соҳасида PR объектив равишда зарур жиҳатдир. Биз келтириб ўтадиган маълумотларни фақат битирувчиларнинг ўзларидан оламиз ҳамда улар келтириб ўтган таълим муассасалари яъни мактаб, коллеж, институт ва университетлар тўғрисида маълумотлар берамиз, шунинг учун, кўплаб таълим муассасалари бизнинг

эътиборимиздан четда қолиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун ҳар бир муассаса ўз фаолияти ҳақида ўзлари бизга маълумотларни тақдим қилишса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу сабабдан ҳам таълим соҳасида PR бор. Таълим соҳасидаги PR ёрдамида, кўрсатилаётган хизматларга бўлган талабнинг ортиши таъминланади. Шунинг учун жамоатчиликни ўз фаолиятининг турлари тўғрисида хабардор қилиш таълим муассасалари фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Шу мақсадда бўлимлар ташкил этилади, махсус ўқитилган ходимлар ажратилади, ёки муассасалар раҳбарияти асосий фаолияти PR бўлган агентликларнинг ёрдамига мурожаат қилади. Таълимдаги PRни тўғри ишлатиш таълим муассасаларининг ижобий қиёфасини яратади. Натижада малакали мутахассисларни жалб қилиш ва таълим олувчилар сонини кўпайтиришга эришилади, бу ўз навбатида муассаса обрўсига яна ижобий таъсир кўрсатади ва муваффақиятли ривожланишга имконият яратилади. Ҳар қандай бошқа соҳада бўлгани каби, PR компаниясини бошлашдан олдин, ижобий натижага олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар технологиялари кўриб чиқилиши зарур. Бунда технологиялар комплексини бир неча босқичларга бўлишимиз мумкин. Таълим соҳасида PR режалаштиришнинг биринчи босқичи компаниянинг амалга оширилишининг мақсадини аниқлашдир. Бундан ташқари, ушбу босқичда PRни юқори савияда тайёрлай оладиган ва амалга оширадиган жамоани танлаш керак. Агар бу мактаб бўлса, унда бир нечта ўқитувчиларни танлаб олган яхши, гарчи улар реклама соҳасида мутахассис бўлмаса ҳам, ишлашга бўлган иштиёқи баланд бўлса етарли. Таълим муассасасидаги таълим-тарбия тизимини ўқитувчилардан яхшироқ ким ҳам биларди? Иккинчи босқичда PR компанияси йўналтириладиган мақсадли аудитория аниқланади. Мақсад аниқланганидан сўнг, таълим соҳасида PRни режалаштиришнинг навбатдаги босқичига ўтиши мумкин.

Ўқувчиларнинг юксак савиясини намойиш этиш ва ўқитувчилар малакаси даражасини тасдиқлаш имконини берувчи мактаб ўқувчилари ва

ўқитувчиларини жалб этган ҳолда ўтказиладиган анжуманни мисол қилсак бўлади. Таълимдаги PR учун оддий реклама варақлари ҳамда буклетлар етарли эмас. Самарали PRга эришиш учун таълимнинг энг яхши жиҳатларини, инновацион усулларини ўқитишнинг замонавий технологияларини диққат билан ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Оммага маълумот бериш учун барча мумкин бўлган йўллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бунинг натижасида муассаса ҳақида кўпроқ одам маълумотга эга бўлишига эришиш мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатадики, PR рақобатбардош савдода таълим муассасалари ўзгариб бораётган муҳитларга мослашувининг асосий омили ҳисобланади.

Бугунги кунда, жон бошига молиялаштириш тизимига ўтиш истиқболини ҳисобга олган ҳолда, “талаба ёки ўқувчи” учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бундай вазиятда таълим муассасаси нима қилиши мумкин? Замонавий технологиялар, жумладан, PRни қўллаш зарурлигини тан олиш керак.

PR технологиясини тўғри ва оқилона ишлатиш қандай натижа бериши мумкинлигини кўриб чиқиш мумкин. Мактабнинг ижобий қиёфасини яратиш ёки уни такомиллаштириш (бу ҳолда “брендинг” ёки “ребрендинг” атамаларини ишлатишни ўринли деб ҳисоблаймиз). Натижада таълим олувчилар ва компетентли ўқитувчиларни жалб қилиш, мактабнинг муваффақиятли ривожланишини кафолатлайдиган кучли ижобий обрў-эътиборни яратиш мумкин.

Таълимда PR бу таълим тизимига, таълим муассасасига жамоатчиликнинг, ота-оналар ҳамда ўқувчиларнинг бўлган эътиборини ошириш учун хизмат қилувчи воситадир. У орқали маълум бир таълим муассасаси ўзининг рейтинг даражасини ошириб олиши, мазкур муассасага бўлган талабни оширишига эришиши мумкин. Албатта бундай натижага PR компаниясини тўғри амалга оширган муассасагина эриша олади. PR компаниясининг аниқ бир қолипи мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу масалада мунозаралар хозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Айниқса

таълимда PR компанияси мамлакатимизда нисбатан янги йўналиш ҳисобланганлиги учун ҳам бу борада илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу йўналишни янада такомиллаштириш учун таълимда pr (public relations) – жамоатчилик билан алоқаларни инновацион технологияларини ишлаб чиқиш даркор.

Биринчидан: энг аввало муассасанинг PR компаниясини ўтказишдан кўзланган мақсадни аниқлаб олиш зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек PR компанияси кўплаб мақсадларда амалга оширилиши мумкин. Маълум бир мақсад аниқлаб олингандан сўнг кейинги босқичларга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шу орқали PR компаниясидан олинадиган натижалар кутилганидек ижобий бўлиши даражаси ошади.

Иккинчидан: мақсад аниқлаб олинганидан сўнг профессионал жамоани тўплаш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунда жамоа таркиби PR мутахассисларидан иборат бўлиши шарт эмас. Масалан: ўқитувчи педагогларни ҳам жамоа таркибига қўшиш иш самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Учинчидан: PR компанияси кимларга йўналтирилганлигини аниқлаш лозим. Мисол учун ота-оналар, ташкилотлар ёки бевосита болаларга йўналтирилган бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Илмий нашрларнинг замонавий тизими дунёдаги барча нарсада бўлгани каби мукамалликдан йироқда. Бироқ олим учун ўз иши натижалари бўйича мақола тайёрлаш ва нашр этишдан кўра қимматлироқ тажриба йўқ. Айниқса, қимматли тажриба Сизга нашр этишни рад этишса ўзлаштирилади. Агар Сизнинг қўлёзмангиз, тақризчилар ишингизда маъно кўрмаётганлиги туфайли, бир-нечта журналлардан рад жавобини олган бўлса, ранжиманг, қатъиятли бўлинг, қўлёзмангиз учун журнал қидиришда давом этинг – Сиз яхши инсонлар даврасидасиз.

Масалан, XX аср биологиясининг энг муҳим ютуқлардан бири ҳисобланган симбиогенез назарияси асосчиси Линн Маргулис ўз мақоласини *“Journal of Theoretical Biology”* нашр қилишдан олдин ўнбешта журналдан рад жавобини олган, физика бўйича бўлажак Нобель мукофоти лауреати Павел Алексеевич Черенковга мақоласини чоп этишга *Nature* журнали рози бўлмаган.

Ҳақиқий ижобий натижага фақат диққат билан ўйланган ва яхши танланган PR компанияси орқали эришиш мумкин. Бу муайян мақсадга эришиш учун мўлжалланган бир қатор тадбирлардан ташкил топган тизим десак хато қилмаган бўламиз. Бу нафақат таълим муассасаларининг ижобий қиёфасини яратиш ва янги талабаларни жалб қилиш балки бутун таълим тизими, ЎҚИТУВЧИ, УСТОЗ, МУРАББИЙ нуфузини оширишга хизмат қилади.

ГЛОССАРИЙ

Долзарблик – ушбу муаммонинг ҳозирги фан ва амалиёт учун ўрганилишининг муҳимлиги; долзарблик даражаси глобал тусда (фан, жамият эҳтиёжлари, умуман амалиётни қамраб олиши) ёки локал тусда (фаннинг алоҳида тармоғи, алоҳида минтақа, муайян тусдаги ижтимоий институтларни ва шу кабиларни қамраб олиши) бўлиши мумкин.

Мавзунинг долзарблиги – бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда кўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот долзарблигини асослаш – илмий билишнинг умумий жараёни соҳасида мазкур мавзуни ўрганиш заруратини изоҳлашни билдиради.

Таҳлил – бу тадқиқотнинг назарий услуби бўлиб, тадқиқ қилинаётган жараён ёки ҳодисани махсус ва теран мустақил ўрганиш учун уни таркибий қисмларга ажратишни назарда тутадиган фикрий операциядир.

Аналогия – ўхшашлиги, прототипи танланадиган фикрий операция.

Аннотация – титул варағининг орқасида жойлашган, қандайдир нашр ҳақидаги қисқача ахборот; ҳужжат, унинг бир қисми ёки ҳужжатлар гуруҳининг вазифаси, мазмуни, шакли ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифномаси.

Илмий мавзулар турлари: амалий, аралаш, назарий.

- Амалий мавзулар хўжалик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади.
- Аралаш мавзулар тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.
- Назарий мавзулар асосан адабий манбалардан фойдаланиб ишлаб чиқилади.

Фараз (гипотеза) (қадимги грек тилидан **-** асос, тахмин**)** – олдиндан ўрганилган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мажмуига

асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.

Диссертация (лотинчадан таржимаси – тадқиқот, мушоҳада) - муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида махсус тайёрланган, оммавий муҳокамага ва ҳимояга қўйиладиган асар.

Сарлавҳа: илмий адабиётда мавзуни билдиради.

Тадқиқот вазифаси – бу илгари сурилган фаразга мувофиқ мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир.

Идеаллаштириш – тадқиқотчининг нуқтаи назарида ҳодиса ёки жараённинг идеал образини, яъни назарий моделнинг яратилиши; фаразларни ишлаб чиқишда қўлланилади.

Таснифлаш – ўрганиладиган объектлар, фактларни ўрганишнинг назарий услуби; ҳодисаларни бир-бирига нисбатан тартибга солишга асосланади.

Аниқлаштириш – абстрактлаштиришга тескари жараён, яхлит, ўзаро боғлиқ, кўп томонлама объектнинг топилишини назарда тутади.

Конспект – асосий хулосалар ва қоидалар, фактлар, далиллар, усулларни ўз ичига олади*;* тузувчининг материалга нисбатан муносабатини акс эттиради. Конспектлар турлари: *Режали* **–** олдиндан тайёрланган режа ёрдамида тузилади: унинг ҳар бир бандига конспектнинг тегишли қисми мос келади. *Таҳлилий* - кўпинча бир неча манбадан фойдаланиб аниқ мавзуни очиб беради *Эркин* - кўчирмалар, баъзан тезислар аралашмасидан иборат бўлади. *Матнли* - кўпинча мантиқий ўтишлар билан боғланган кўчирмалардан ташкил топади. *Тематик* - матннинг бутун мазмунини акс эттирмайди, фақат муайян, аниқ мавзуни ишлайди, қўйилган саволга жавоб беради. *Хронологик* **–** ҳодисаларнинг ўзини кўрсатиш асосида уларнинг хронологик изчиллигини акс эттиради.

Илмий тадқиқот услуби – бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда муайян билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган ақлий ва (ёки) амалий операциялар (русум-қоидалар) тизимидир.

Тадқиқот услубиёти (технологияси) – тадқиқот усулларининг бир тизимли мажмуи, тадқиқот услублари, усуллари, техникаларини қўлланиш ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш қоидалари тизими. Услубиёт ўрганиладиган объект характерига, тадқиқот методологияси, мақсадларига, ишлаб чиқилган услублар, тадқиқотчи малакасининг умумий даражасига боғлиқ бўлади.

Методология – бу илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг илмий тамойиллари ва усуллари тизими ҳақидаги таълимот.

Моделлаштириш – тадқиқотчиликнинг моделнинг қурилишини назарда тутадиган назарий услуби.

Мониторинг – бу тадқиқот натижаларининг доимий назорат қилиниши, мунтазам кузатиб борилиши.

Илмий муаммо – бу илмий-тадқиқотчилик иши мавзуини белгилайдиган мураккаб назарий ва (ёки) амалий вазифалар мажмуидир. Муаммо тармоқ, тармоқлараро, глобал бўлиши мумкин.

Илмий иш – бошқа ҳар қандай ишдан ўзининг мақсади янги илмий билимни олиши билан фарқ қилади. Айни шу иш жараёнида воқелик ҳақидаги объектив билимлар ишлаб чиқилади ва бир тизимга солинади.

Илмий мавзу – бу ечимини талаб қиладиган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик иши мавзуи мауйян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлиши мумкин.

Илмий йўналиш – тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи тушунилади.

Янгилик – фаннинг шу тармоғига ёки умуман фанга улуш даражаси; натижалар ҳар хил тусда бўлиши мумкин – натижалар ёки уларнинг бир қисми янги бўлиши мумкин, шунингдек, натижаларнинг катта қисми янгилик сифатида қайд қилинмаслиги ҳам мумкин.

Текшириш – бу тадқиқ қилинаётган объектнинг у ёки бошқа даражадаги теранлик ва деталлаштириш билан ўрганилиши бўлиб, бу тадқиқот мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.

Умумлаштириш – муҳим фикрий операциялардан бири бўлиб, унинг натижасида объектлар ва улар муносабатларининг нисбатан барқарор хусусиятлари ажратилади ва қайд қилинади.

Тадқиқот объекти – бу муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган нарса.

Тадқиқотнинг объектли соҳаси – бу фан ва амалиётнинг тадқиқот объекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда у масалан, математика, биология, иқтисодиётнинг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

Мундарижа – мавзу баёнининг режаси, китобнинг кўрсаткичи.

Тажриба иши – бирмунча юксак натижаларни олишни кўзлаб жараёнга олдиндан белгиланган ўзгаришлар, инновацияларни киритиш услуби.

Режа – энг қисқа ёзув бўлиб, у фикр баёнининг изчиллигини акс эттиради ва умумлаштиради; матннинг мазмунини очиб беради; манбанинг мазмунини хотирада қайта тиклайди; конспект ва тезислар ўрнини босади; ҳар хил ёзувларни (маъруза, ахборот, ҳисобот) тузишга ёрдам беради; бажарилган ёзувни яхшилайди; ўзини ўзи назорат қилишни тезлаштиради; эътиборни жамлайди; яхши таниш бўлган матнни хотирада жонлантириш учун ишлатилади.

Илмий иш режаси – жамулжам ҳолида унинг моҳиятини акс эттиради. Бу муаллиф айтмоқчи бўлган нарсанинг схематик ифодасидир.

Амалий аҳамияти (қиммати) – мазкур тадқиқотчилик иши натижаларидан амалиётда фойдаланиш туси.

Сўзбоши – муаллиф қўйган вазифалар баёни; нашр ёки қайта нашрнинг заруратини асослайди.

Тадқиқот предмети – объектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг ичида изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин. Тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида

тадқиқот объекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатида белгилаш мумкин.

Сўнг сўз (хотима) – якун, қисқача хулосалар.

Тақдимот – ўқув (илмий) иш якунлари ҳақидаги оғзаки ахборот.

Муаммо – билим билан билмаслик ўртасидаги ўзига хос чегарадир. У олдинги билим етарли бўлмаган, янги билим эса ҳозирча ривожланган шаклга эг бўлмаган ҳолатда пайдо бўлади.

Илмий муаммо – билишни ривожлантириш жараёнида объектив тарзда вужудга келадиган масала ёки ечими амалий ёки назарий манфаат касб этадиган масалалар мажмуидир. У айни шу пайтгача эришилган билимлар даражасининг етарли эмаслигини идрок этиш, қайд қилиш бўлиб, бу янги фактлар, алоқалар, қонунларнинг, мавжуд назариялардаги мантиқий хатоларни аниқлаш оқибати ёки амалиётнинг олинган билимлар доирасидан четга чиқишни талаб этадиган янги эҳтиёжларининг пайдо бўлиши оқибати ҳисобланади.

Тадқиқот дастури – аниқ мавзу устидаги бўлғуси ишнинг моҳияти ва таркибий қисмлари ҳақидаги аниқ тасаввурдир.

Резюмелаш – якун ясашдир. Резюме қилувчи ибора – бу нотиқнинг “ёпилган” тусдаги нутқи, унинг бош ғояси.

Муаммони ҳал этиш – янги билимни олиш ёки у ёки бошқа ҳодисани изоҳловчи, ҳодисанинг хоҳлаган йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатиш имконини берадиган омилларни аниқлаш демакдир.

Реферат – бир ёки бир неча манбаларда мавжуд бўлган ғояларнинг қисқача ёзуви, у ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслаш ва таҳлил қилиш маҳоратини тақозо этади. Рефератлар турлари: ахборотчилик (реферат – конспектлар), индикатив (реферат – резюме), монографик, таҳлилий.

Рефератлаш – қандайдир масаланинг бир ёки бир неча манбаларнг таснифланиши, умумлаштирилиши, таҳлили ва синтези асосида баён қилинишини назарда тутади.

Синтез – фикрий операция, унинг жараёнида аниқланган элементлар

ва фактлардан яхлит манзара қайта тикланади.

Қиёслаш – объектларнинг ўхшашлиги ва фарқларини, умумийлиги ва алоҳидалигини аниқлаш мақсадида объектларнинг қиёсланишини назарда тутади.

Мақола – бу мустақил илмий тадқиқот бўлиб, у долзарб илмий муаммо бўйича ўз фикрларини баён қилишдир.

Тезислар – ўқиб чиқилган (ёки оғзаки баён қилинган) парчани такрорлайди, лўнда ифодалайди ва хулосалайди; ҳар доим далилларга эга бўлади, мазмун моҳиятини аниқлайди; материални умумлаштириш имконини беради; мақола, маъруза, диссертацияни танқидий таҳлил этишда қимматлидир.

Тезислар турлари:

оддий – кўпинча кўчирмалардан иборат бўлади;

асосий – одатда муаллиф томонидан мустақил ифодаланади;

мураккаб – ўзида икки турдаги ёзувни чатиштиради;

Назарий асос – мазкур тадқиқот таянадиган концептуал қоидалар (ғоялар, тамойиллар).

Муаммонинг ифодаланиши – бу, ўз моҳиятига кўра, илмий тадқиқот мазмунининг кристаллаштирилишидир. Шунинг учун муаммонинг тўғри қўйилиши – бутун иш муваффақиятининг гаровидир.

Тадқиқот мақсади – бу тадқиқотчи ўз ишини якунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир. Фараз асосида ифодаланади.

Мутолаа – бу нутқий фаолиятнинг мураккаб тури бўлиб, соф техник жиҳати – мутолаа қилиш ва тез ўқиш малакаларини орттириш ва ижодий жиҳати – матндан зарур ахборотларни олишдан иборат.

Ўрганиш учун мутолаа – мутолаанинг фаол тури. Сиз асарни диққат билан айрим жойлари устида бироз тўхталиб ва ахборотларни мушоҳададан ўтказиб ўқиш ҳолларида бундай тур ишлатилади.

Матн билан танишиб (танланган жойларни ўқиш) – неча манбалардан айрим масалаларни ажратиб олиш, шунингдек, мазкур масала

бўйича ўзининг нуқтаи назарини ҳосил қилиш мақсадида олинган ахборотларни қиёслаш ва солиштириш учун қўлланилади.

Кўздан кечириш учун мутолаа – матн билан танишиб чиқиш ва ўрганишдан олдин одатда китобга кўз югуртириб чиқилади. Китобнинг мазмуни, боблар ёки параграфлар номлари, асар муаллифи билан танишиб олиш шундай қилинади.

Тажриба – умумий эмпирик тадқиқот услуби бўлиб, у бошқариладиган шароитда ўрганилаётган объектлар устидан қатъий назорат юритилишига асосланади.

Эссе – муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баён бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборатдир.

Далилланган эссе – қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қилади, ўз позициясини қувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади. Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни хоҳлайди.

УДК – бу инглиз тилидаги “Universal Decimal Classification”, яъни универсал ўнталик классификация (УЎК) ҳисобланади. УЎКнинг муҳимлигини қуйидаги жиҳатлари орқали таснифлаш мумкин:

- ахборотни тизимлаштириш;
- муайян мавзу бўйича керакли маълумотларни қидириш;
- мавзу бўлимлари бўйича янги мақолалар, нашрлар, китобларни гуруҳлаштириш.

СКОПУС – скопусда индексация қилиш бутун дунё бўйлаб журналлар учун катта ютуқ ҳисобланади ва бу жиҳат илмий жамиятнинг бошқа аъзолари учун журналнинг сифатини тасдиқлаб беради. Скопус учун минимал мезон:

- журнал тақриз асосидаги контентга эга бўлиши керак;
- журнал мунтазам равишда нашр этилиши керак (ISSN халқаро

марказида рўйхатдан ўтган ISSN бўлиши керак);

- контент халқаро аудитория учун долзарб ва тушунарли бўлиши керак (лотин транскрипциясида бўлиши, мақола номи ва аннотацияси инглиз тилида ҳам берилиши керак);
- журналнинг этика қоидалари мавжуд бўлиши;
- бундан ташқари, умумий амалиётга кўра, журнал Скопус (иккинчи босқич)га қўшилиш учун аризани кўриб чиқишдан камида икки йил олдин чоп этила бошланган бўлиши лозим.

ДОИ – глобал Интернет тармоғидаги электрон ҳужжатга берилган рақам, бунинг натижасида материалларни қидириш ва улардан фойдаланиш анча соддалаштирилади. Қисқача айтганда, бу муайян объектга ҳавола ҳисобланади. Кўпинча бу технология илмий доираларда қўлланилади. Асосий хусусияти идентификаторга эга бўлган объектлар фақат ношир, яъни уни жойлаштирган ташкилот томонидан ўчирилиши мумкин.

Онлайн муҳитдаги журнал, илмий мақола, китоб, диссертация, расм ёки бошқа шу каби объектларга берилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2017. – 112 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. /1-жилд/ – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.

3. Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2012. – 80 б.

4. Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма.–Т.: “Extremum-press”, 2015. – 94 б.

5. Махмудов С. ва б. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлардаги информациявий таҳдидлар мониторинги: Таҳлил, режалаштириш ва амалга ошириш. Услубий тавсиянома. –Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ нашриёти, 2015. – 116 б.

6. Махмудов С. ва б. Ёш илмий-педагогик ходимлар маънавий-ахлоқий, педагогик ва психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи назари ва эътиқодини мустаҳкамлашда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг ўрни ва тезкорлиги. Услубий қўлланма. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ нашриёти, 2016. – 248 б.

7. Махмудов С. ва б. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информатцион таҳдидларни олдини олиш механизми. Монография. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ нашриёти, 2017. – 159 б.

8. Махмудов С. “Халқ таълими” журнали: Бир мақсад, бир маслак, бир аср. Монография. –Т.: Машхур-пресс нашриёти, 2018. – 199 б.

9. Свидерская И.В., Кратасюк В.А. Как написать и опубликовать статью в международном научном журнале: Метод. Рекомендации. –

Красноярск: Сиб. федерал. ун-т., 2011. – С.52.

10. Зеленцов С.В. Некоторые критерии и правила написания научных статей / Материалы VI международной конференции молодых ученых и специалистов, ВНИИМК, 2011г.

11. Плюснин Ю.М. Как писать научные работы. Методическое пособие. – Новосибирск: Изд-во. Новосибирского государственного университета, 2002. – С.69.

12. Davis M. Scientific papers and presentations, second edition: navigating scientific communication in today's world[Book]. – Academicpress, 2004. – 384.

13. Day R. A. and Gastel B. How to write andpublish a scientific paper [Book]. – Greenwood, 2006. – 360.

14. Day R.A. Scientific english: a guide for scientists and other professionals [Book]. – Oryx Press, 1995. – 160.

15. Dodd J. The ACS style guide. A manualfor authors and editors [Book]. – Washington DC : American chemical society, 1986. – 264.

16. Gross A. G., Harmon J. E. and Reidy M. Communicating science: the scientific article from the 17th century to thepresent [Book]. – Oxford university Press, 2002. – 280.

17. Hartley J. Academic writing and publishing: apractical handbook [Book]. – Routledge, 2008. – 208.

18. Scientific style andformat: the CSE manual for authors, editors, and publishers (CSE, Scientific style and format) [Book]. - 2006. – 658.

19. Swales J. M. andFeak C. Academic writingfor graduate students, second edition: essential tasks andskills [Book]. - [s.l.]: University of Michiganpress, 2004. – 344.

20. Swales J. M. and Feak C. English in today's research world: a writing guide (Michigan series in English for academic & professional purposes). – University of Michiganpress / ESL, 2000. – 300.

21. The scientific article: From Galileo's new science to the human

genome [Online]. – http://www.fathom.com.

22. Нагорная С.М. Как написать научную статью / Персональный сайт.

23. Структура научной статьи, как написать научную статью, где опубликовать научную статью // Сайт издательства ИНГН.

24. Как написать научную статью? Советы начинающему автору / Мир психологии.

ИЛОВА

ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ

“ХАЛҚ ТАЪЛИМИ” журналида материал чоп этиш этикаси

“ХАЛҚ ТАЪЛИМИ” номли илмий-методик журнал умумқабул қилинган ахлоқ меъёрлари ва илмий нашрлар стандартларига риоя этади ҳамда савиясиз мақолаларни чоп этилишининг олдини олиш учун барча чораларни кўради. Журнал тахририяти ва тахририят ҳайъати ўз фаолиятида илмийлик, холислик, профессионаллик ва бетарафлик тамойилларига амал қилади. Муаллифлар билан алоқа адолатлилик, хушмуомалалик, холислик, тўғрилик ва шаффофлик тамойиллари асосида олиб борилади.

Журнал муҳаррири амал қилиши керак бўлган тамойиллар

Муҳаррир ўз фаолиятида муаллифларнинг асарларини эълон қилиш бўйича масъулиятни зиммасига олган ҳолда, қуйидаги асосий тамойилларга амал қилади:

- Муҳаррир таҳририят этикаси стандартларига риоя этади ва унинг бузилиш ҳолатлари олдини олади.
- Журнал муҳаррири мақолани чоп этиш бўйича қарор қабул қилишда шахсан масъулиятни ўз зиммасига олади, унинг асосида доимо кўрилаётган ишнинг ҳақиқийлиги ва унинг илмий аҳамияти ётади. Муҳаррир тижорий мақсадларни ўз ичига олмаган адолатли ва бетараф қарорлар қабул қилиш мажбуриятини зиммасига олиб, мақолани холисона тақриздан ўтказиш жараёнини ташкиллаштиради. Мақолани чоп этиш бўйича қарор қабул қилишда муҳаррир бошқа муҳаррирлар ва тақризчилар фикрини инобатга олади.
- Муҳаррир мақолани чоп этиш бўйича қуйидаги асосий мезонларга таянган ҳолда қарор қабул қилиши лозим: қўлёзманинг журнал мавзусига мослиги; мақола мавзусининг долзарблиги, янгилиги ва илмий аҳамияти; баённинг аниқлиги; натижаларнинг ишончлилиги ва хулосаларнинг

тугалланганлиги. Тадқиқотнинг сифати ва унинг долзарблиги мақолани чоп этиш учун қарор қабул қилишга асос бўлади.

- Муҳаррир чоп қилинадиган мақолаларнинг юқори сифати ва шахсий маълумотларнинг махфийлигини сақлаш бўйича барча чораларни кўриши лозим. Мақоланинг мазмунидаги ноаниқликлар, шунингдек грамматик, услубий хатолар мавжуд бўлса, таҳририят уларни бартараф этиш юзасидан барча чораларни кўришни ўз зиммасига олади.
- Муҳаррир мақолани чоп этиш бўйича ҳал қилувчи қарорни қабул қилишда тақризчиларнинг тавсияларини инобатга олади. Мақоланинг чоп қилиниши бўйича қарор қабул қилиш тўлиқ таҳрир ҳайъати зиммасидадир.
- Муҳаррир мақолани қабул қилиниши ёки қилинмаслигида ўз қарорини асослаб беради.
- Муҳаррир тақриз қилинадиган мақола муаллифига ўз тадқиқот позициясини асослаб беришга имкон беради.
- Муҳаррир баҳсларни қўллаб-қувватлайди ва оппонентлар ўз фикрларини билдиришларига имкон беради.
- Муҳаррир муаллифининг дини, ирқи, диний ва жинсий қарашлари, келиб чиқиши, фуқаролиги ёки сиёсий қарашларидан қатъий назар қўлёзманинг интеллектуал моҳиятига баҳо беради.
- Журнал муҳаррири ва таҳририят кенгаши аъзолари муаллиф, тақризчилар (эҳтимолий тақризчилар)дан ташқари ўзгаларга қўлёзма ҳақида маълумотларни бермасликлари лозим.
- Муҳаррир мақоланинг бутунлигини сақлайди, муаллифларга зарур ўзгартиришларни киритган ҳолда мақолани адабий таҳрирдан ўтказишга ёрдам беради ва илмий мақолаларга қўйиладиган, тадқиқот ва нашрий этика талабларига мос келмайдиган мақолаларни рад этади. Муҳаррир юқорида кўрсатилган қоидалар бузилган тақдирда мақолани қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.
- Кўриб чиқиш учун тақдим этилган мақолалардаги чоп этилмаган маълумотларни муаллифнинг ёзма рухсатисиз шахсий тадқиқотларда

фойдаланиш мумкин эмас. Тақриз ёки муаллиф билан ёзишмалар жараёнида олинган маълумот ва ғоялар сир сақланиб шахсий манфаат олиш йўлида фойдаланмаслиги лозим.

- Муҳаррирлар муаллифлар, қўлёзмага боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар билан рақобат натижасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда қўлёзмани кўриб чиқишни рад этишлари мумкин.

Илмий мақола муаллифлари амал қилишлари керак бўлган тамойиллар

Муаллиф (ёки муаллифлар жамоаси) илмий тадқиқотлар натижаларининг янгилиги ва ишончлилиги учун бирламчи жавобгар ҳисобланишади, шу боис улар қуйидаги тамойилларга амал қилишлари зарур:

- Муаллифлар мақолада тавсифланган тадқиқотнинг оригиналлигини кафолатлашлари зарур. Бошқа муаллифларнинг иши ёки сўзлари ишлатилса, манбага ҳаволалар ёки иқтибослар кўрсатилиши шарт. Жуда ҳам кўп иқтибослар келтириш ахлоққа зидлигини унутманг, ҳар қандай шаклдаги плагиатга эса мутлақо йўл қўйилмайди.

- Муаллифлар илмий изланиш натижаларининг ҳаққонийлигига жавоб беришади. Олдиндан хато қилинган ёки қалбакилаштирилган фикрлар бериш ножоиздир. Чоп этилган материалларнинг муаллифлари келтирилган фактлар, иқтибослар, статистик ва бошқа маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

- Тақдим этилган ишнинг концепцияси, лойиҳаси, бажарилиши ёки интерпретациясига муносиб ҳисса қўшган шахслар мақола муаллифлари сонига киради.

- Ўзининг лавозими, мансаби ёки маълум бир таъсири, шахсий муносабатлар ёки маълум тўлов эвазига муаллифлар сонига қўшилган шахсларни муаллифлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш зарур. Агарда тадқиқотнинг бошқа босқичларида қатнашган шахслар мавжуд бўлса, уларнинг исм-шарифлари мақола матнида тилга олиниши мумкин.

Муаллиф барча ҳаммуалифлар мақоланинг охирги варианти билан танишиб, унинг чоп этилишига рухсат беришганини тасдиқлаши лозим.

- Муаллифлар ноширларнинг, яъни мақола биттадан ортиқ нашрда берилмаслик ҳақидаги талабларини бажаришлари керак.
- Муаллифлар ўз ишларида топилган хатоларнинг тезроқ тузалиши учун муҳаррирлар билан ишлашлари лозим.
- Муаллиф учинчи шахсларнинг хатоларига нисбатан танқид ёки фикр билдирадиган бўлса, этика меъёрларига риоя этишлари зарур.

Тақризчи амал қилиши лозим бўлган тамойиллар

Тақризчи муаллифлик материалларининг илмий экспертизасини амалга ошириб, унинг фаолияти холис бўлиб, қуйидаги тамойилларга риоя этиши зарур:

- Тақризчи мақолаларни тақриз этишда тақриз муддатига риоя этиши ва берилган баҳоларни сир сақлаши керак. Қўлёзмани тақризлашга малакаси етишмаётганлигини ёки белгиланган муддатда ишни бажаришга вақти етишмаётганлигини ҳис қилган тақризчи бу ҳақда муҳаррирни огоҳлантириши ва уни мазкур қўлёзмани тақризлашдан озод этишни сўраши мумкин.
- Тақризчилар муаллифлар, қўлёзмага боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар билан рақобат натижасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда қўлёзмани тақризлашни рад этишлари мумкин.
- Тақризчи тақриз учун олинган қўлёзмани махфий ҳужжат сифатида кўриб чиқиши лозим. Мазкур ишни муҳаррир ваколатига эга бўлмаган ўзга шахслар билан муҳокама қилиш, унга кўрсатиш мумкин эмас.
- Тақризчи мақоланинг долзарблиги, илмийлиги, янгилик даражаси, назарий ва амалий аҳамияти журнал мавзусига мувофиқлигини кўриб, чоп этишга тавсия этиши (этмаслиги) мумкин.
- Тақризчи холис ва бетарафлик билан мақолани баҳолаши лозим. Тақризчи ўз фикрини манбаларга ҳавола бериб, аниқ ва асосланган ҳолда баён этиши керак.

• Тақризчилар мавзуга оид ва қўлёзманинг адабиётлар рўйхатига қўшилмаган, нашр этилган аҳамиятли ишларни ажратиб кўрсатиши зарур. Илгари чоп этилган ҳар қандай фактга (кузатув, хулоса ёки аргумент), қўлёзмада мувофиқ адабиёт ҳаволаси бўлиши лозим. Тақризчи муҳаррирнинг эътиборини қўлёзма ва илгари чоп этилган ишдаги ҳар қандай ўхшашлик, айнанликка қаратиши зарур.

Кўриб чиқиш учун берилган, аммо нашр этишга рухсат берилмаган қўлёзмадаги маълумотларни муаллифнинг ёзма рухсатисиз шахсий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин эмас. Тақриз жараёнида олинган маълумот ёхуд ғоя сир сақланиши ва шахсий манфаатга эга бўлишда фойдаланилмаслиги лозим.